**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***КАРШИ МУХАНДИСЛИК ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ***

**«БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ»**
***КАФЕДРАСИ***

# *МОЛИЯ ФАНИДАН*

# МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

***К А Р Ш И - 2005 йил***

**ТУЗУВЧИ :** **кат. укит. Ю. ХАСАНОВА**

**ТАКРИЗЧИЛАР:** **КМИИ, «Иктисодиёт ва Менежмент» кафедраси доценти Ш. Файзиева**

**и.ф.н. С. САХАТОВ**

**Маърузалар матнлари туплами «Иктисодиёт» факультети «Бухгалтерия хисоби ва аудит» таълим йуналишидаги бакалаврлар учун мулжалланган булиб, унда ушбу фан буйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кузда тутилган барча маърузаларнинг асосий мазмуни ёритилган.**

**«Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси мажлисида маърузалар матни туплами (Баён № _1___ «27.08._____» 2005 йил) «Иктисодиёт» факультети услубий комиссиясида (Баён № 1____ «_30.08____» 2005 йил) ва институт услубий кенгашида (Баён № __1__ «4.09._____» 2005 йил) келиб чикилган ва укув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.**

## А Н Н О Т А Ц И Я

Мазкур маъруза матнда бозор иктисодиётининг асосий элементларидан бири булган молиянинг назарий масалалари уз аксини топган бўлиб, унда асосий диккат эътиборни молиянинг иктисодий мохияти ва функциялари, молиявий сиёсатнинг стратегияси ва тактикаси, молиявий бошкарув ва бозор иктисодиёти шароитида ундаги туб узгаришлар, молиявий назоратнинг асосий бугини саналган аудиторлик назоратининг вужудга келиши, молиявий бозорнинг таркибий кисми хисобланган кимматли когозларга каратган.

## А Н Н О Т А Ц И Я

В данном учебном пособии особенное место уделено в период рыночной экономики основным элементам финансовой теории, ее сухности, функциям, финансовой политике, тактике и стратегии, финансовому управлению и контролю, аудиторскому контролю, финансовому рынку и стенным бумагам.

## А Н Н О Т А Т І О N

Thiк teaching aid mainly explainк tкhe of financial tкheorieк and itк main functionк, financial operatonк and control, audit control to a finance market and кecuritieк.

## «Молия» фанидан мавзуларнинг таксимланиши

| Т/р | Мавзулар номи | Ажратилган соат | Шундан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | маъруза | амалий |
| 1. | Молиянинг умумий назарияси ва трансформациялашуви. Молия хакидаги иктисодий таълимотлар. | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Молия сиесати ва молия механизми. Молия тизими. Бюджет тизими. | 4 | 2 | 2 |
| 3. | Давлатнинг бюджетдан ташкари максадли пул фондлари. | 4 | 2 | 2 |
| 4. | Давлат кредити. Махаллий молия | 4 | 2 | 2 |
| 5. | Молияни бошкариш. Молиявий бахолаш. | 4 | 2 | 2 |
| 6. | Солик ва соликка тортиш. Сугурта. | 4 | 2 | 2 |
| 7. | Давлат буюртмалари, захиралари ва эхтиежларини молиялаштириш. | 4 | 2 | 2 |
| 8. | Иктисодиетнинг давлат ва тадбиркорлик секторлари молиясининг хусусиятлари. | 4 | 2 | 2 |
| 9. | Турли ташкилий–хукукий шакллардаги корхоналарнинг молиявий хусусиятлари. | 4 | 2 | 2 |
| 10. | Корхоналарнинг молиявий ресурслари. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси. | 4 | 2 | 2 |
| 11. | Нотижорат фаолиятини олиб борувчи муассасалар ва ташкилотлар молияси. Хиссадорлик жамиятлари молиясининг хусусиятлари | 4 | 2 | 2 |
| 12. | Молия-саноат гурухлари Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш. | 4 | 2 | 2 |
| 13. | Корхона пул маблаглари окимларини бюджетлаштириш. | 4 | 2 | 2 |
| 14. | Корхоналарнинг оборотдан ташкари активлари. | 4 | 2 | 2 |
| 15. | Корхоналар айланма маблагларини молиялаштириш. | 4 | 2 | 2 |
| 16. | Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижалари. Корхоналарнинг молиявий ночорлиги (банкротлиги). | 4 | 2 | 2 |
| 17. | Молиявий тахлил ва корхонанинг молиявий стратегияси. Уй хужаликлари молияси. | 4 | 2 | 2 |
| 18. | Инновацион фаолликни молиявий рагбатлантириш. Халкаро молия ва унинг жахон тараккиетида роли. | 4 | 2 | 2 |
| | Жами: | 72 | 36 | 36 |

# С У З   Б О Ш И

Бозор муносабатлари хамма тармокларга тааллукли булиб, жамиятимизда иктисодий фаолиятини тулалигича уз ичига олди. Бозор иктисодиётининг энг мухими шуки, у иктисодий тараккиётни инсон манфаатидан келтириб чикаради. Бунинг учун иктисодиёт эркин ривожланиш ва у бозор оркали бошкарилмоги зарур.

Ишлаб чикаришдаги туб узгаришлар, яъни бозор муносабатларига ўтиш, мехнат коллективлари, бошкарувчилар олдида юксак маъсулиятли вазифаларни куйди. Ижтимоий мулк урнига мулк пайдо булаётган бир шароитда ишлаб чикаришга булган муносабат узгариб бормокда. Чунки хозирги кунда факат тадбиркор рахбарлар эга булган корхоналаргина тула фаолият курсатиши мумкин.

Албатта, бундай даражага молиявий жихатдан мустахкам булиб олгандан кейингина эришиш мумкин. Хозир корхоналар уз имкониятларига караб узлари коллектив билан бирга режаларини белгилайдилар. Бу корхоналарнинг рентабелли ишлашига, мехнат жамоаларининг турмуш тарзига ижобий таъсир этмокда. Режаларнинг юкоридан белгиланиши ва курсатилган ракамни бажаришга мажбур этиш хужаликлар молиявий танг килиб куйган эди. Чунки корхона аъзолари фойдали тармокни билиб туриб, шу сохага маблаг ажрата олмас эдилар. Барча мустакил республикалар иттифокида булаётган каби Узбекистонда хам кичик, кушма ва хусусий корхоналарнинг вужудга келиши миллий фаровонликка эришишнинг асосий йулларидан бири.

# *1- МАЪРУЗА:* **МОЛИЯНИНГ УМУМИЙ НАЗАРИЯСИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ. МОЛИЯ ХАКИДАГИ ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР.**

Р Е Ж А:

1.1.Молиянинг мохияти объектив зарурлиги.
1.2.Молиянинг функциялари.
1.3.Молиянинг бошка иктисодий киймат категориялари билан узаро богликлиги
1.4.Молия хакида иктисодчи олимларнинг фикрлари.

Адабиётлар:1,4,6,11,12,23,24

Таянч сўзлар: Молия, категория иктисодий конунлар, бахо, иш хаки, кредит функция, таксимлаш, назорат, хужалик хисоби, базис.

Молиянинг вужудга келиши тарихий хусусиятга эгадир. Молиянинг пайдо булишига таъсир этган омиллар товар пул муносабатларини ривожланиши, дастлабки шаклланиши, истеъмолини кондириш учун уз олдида турган вазифаларини бажаришидир.

**Молия**нинг асл маъноси бу **лотин** тилидан кириб келган суз булиб **«тулов», «даромад»** ва **«пул тулови»** демакдир. Молиянинг маъноси йилдан йилга чукурлашиб хозирги вактда молия деганда ялпи ички махсулотни таксимлаш ва кайта таксимлаш жараёнида хилма – хил марказлашган ва марказлашмаган пул жамгармаларини ташкил этиш ва улардан давлат вазифаларини бажаришда фойдаланиш билан боглик пул муносабатлари тушунилади. Молия XIY – XY асрларда Италиянинг Флоренция, Венеция шахарларида ва шунга ухшаш Эвропа савдо марказларида ва банк ишларида куллана бошланди. Кейинчалик товар пул муносабатлари кенг микёсда ривожланиши сабабли халкаро термин булиб хизмат кила бошлади. Тармок иктисодиётида товар пул муносабатларини ривожланиши канчалик прогрессив булса, молиявий муносабатларнинг хам ривожланиши, шаклланиши шунчалик юкори булади. Молиявий муносабатларнинг **пул характери** – молия мавжудлигини асосий белгисидир. Молия иктисодиёти тушинилишига караб бир неча хусусиятлиги билан ажралиб туради. Булар:

**1.**Пул характерлиги.
**2.**Таксимлаш ва кайта таксимлаш характерлиги.
**3.**Фонд характерлиги.

Молиянинг ижтимоий – иктисодий категория куринишида шакллана боргандан буён то шу бугунги кунгача бир неча функцияларни бажаришини иктисодчи олимлар уртасида аник келишиб олгани йук.

Айрим иктисодчилар молияни ишлаб чикариш функцияси хакида фикр юритадилар. Уларнинг кўрсатишларга караганда молия факат таксимлаш ва кайта таксимлашга хизмат килиш билан чегараланмасдан, балки ишлаб чикаришни хам маълум боскичларида (ишлаб чикиш, алмашиши, таксимлаш) хизмат килади.

Молиянинг назорат функцияси унинг ўзига хос хусусиятларини кузда тутиб, таксимлаш функциясини амалга оширилишига хизмат килади. Молиянинг назорат функцияси молия ресурслари устидан, уларнинг харакат доираси ишлаб чикариш планларини бажарилиши, моддий ва пул ресурслари сарфланиши устидан мунтазам назорат олиб боришни назарда тутади.

Назорат функциясининг доирасида таксимлаш функцияси доирасига караганда анчагина кенг, чунки бу функция оркали ижтимоий махсулотдан ташкари бошка ресурслар хам назорат килинади. Назорат функцияси маблаг-ларнинг унумли фойдаланишига ёрдам беради. Бозор иктисодиётига ўтиш даврида кусатилган функциялар, яъни

**1.**Олий советнинг план-бюджет комиссияси.

**2.**Молия вазирлиги ва унинг органлари.

**3.**Солик инспекцияси.

**4.** Вазирликнинг молия бўлими.

Корхона ва ташкилот бухгалтерлари назорат функцияси ташкилотларида айрим вужудга келиши мумкин. Чунки, куп республикаларда давлат бюджетининг даромад ва харажатларда узгариш содир булмокда.

Молия категориясининг бошка иктисодий категориялар билан муносабатлари:

**1.**Бахо

**2.**Кредит

**3.**Иш хаки

**4.**Хужалик хисоби киради.

Курсатилган категориалар билан молия категориялари турлича муносабатда булади. Бахо категорияси билан молиянинг муносабатлари шунадан иборатки, биринчидан баходан бюджет даромадларини сафарбар килиш максадида фойдаланамиз.

Бахо

Таннарх

Фойда

Оборот солиги

Иккинчидан бюджет хисобидан иш хаки ва бошка категориялар узгарганда компенсация берилади.

Кредит категорияси билан молияни богланганлиги кредит ресурслари дастлаб бюджет хисобидан шаклланган.

Корхона ва ташкилотларнинг маблаглари банкда сакланади. Бу маблаглардан фойдаланишга кадар улардан кредит бериш учун фойдаланади.

Давлат банкининг фойдасидан 55 % бюджетга утказилади. **Иш хаки** билан **молиянинг муносабатлари** куйидагилардан иборат.

**1.**Маълумки иш хаки таннархнинг таркибида булиб, мехнат унумдорлиги ошса иш хаки суммаси камаяди. Бунинг хисобига фойданинг купрок кисми бюджетга олинади.

**2.**Ноишлаб чикариш сохаларида ишловчилар асосан бюджет хисобидан иш хаки олади. Хужалик хисоби билан молиянинг муносабатлари куйидагилардан иборат:

- молия органлари хужалик хисоби принципларини тартибга солишга ёрдам берадилар. Бу принциплар орасида асосий принцип даромадларни харажатлар билан бараварлашиш ва фойда олишдир. Бу принципни амалга ошириш учун молия томонидан назорат килинади. Бундан ташкари корхоналар билан икки томонлама алока булади:

**1.** Даромад

**2.** Харажат

Таксимлаш ёки бирламчи таксимлаш корхонанинг моддий ишлаб чикариш шароитида якунланади. Кайта таксимлаш (иккиламчи корхона ва ахоли томонидан бюджетга маблагларнинг (тулов) утказишдан бошланади. Уларни хисобига марказлаштирилган фонд ташкил килинади. Бу катта-кичик фондларга булинади (иктисодиёт харажати, согликни саклаш, маориф ва бошкалар). Кайта таксимлашнинг якунловчи боскичи майда фондларга ажратилган маблаглардан фойдаланишдир. Иккинчидан таксимлаш ва кайта таксимлаш катта микёларда амалга оширилади.

Курсатилган масала буйича иктисодчиларнинг фикри 1917 йилдан бошлаб, 3 боскич буйича такомиллашиб боради:

**1 – боскич.** 1917 йилдан бошланиб, 1940 йилнинг охиригача.

**2 – боскич.** 1940 йилдан 1960 йилгача.

**3 – боскич.** 1960 йилдан то хозиргача.

1 – боскичда молияга таъриф берилганда молия совет давлати томонидан халк хужалиги, маориф, маданият, мудофаа ва бошкаларга сарфланадиган ресурслар туплами деб таъриф берилган.

2- боскичда молия - пул ресурслари туплами деган назария майдонга чикди.

Шеременовнинг ёзишича (Ф. СССР 1977 гл 1,2) молия ишлаб чикариш муносабатларининг бир кисми булиб, жами ижтимоий махсулотни таксимлаш натижасида пул фондлари юзага келади хамда фойдаланилади ва ижтимоий, шахсий талаблар учун юналтирилади. Бошка категориалардан молияни фарк киладиган асосий хусусиятлари шундаки у турли максадлар учун пул фондларини таксимлаш процессида вужудга келади.

Вознесенский фикрича, **ижтимоийистик жамият молияси** – императив катъий формадаги пул муносабатлари системаси булиб, ижтимоий махсулот кийматини бир кисмини планли кайта таксимлаш процессини акс этттиради.

Проф. Сичевнинг ёзишича (Ф. СССР 1984 с 1-8) **молия** – иктисодиёт муносабатларнинг йигиндиси булиб, бу муносабатлар пул, даромадлар, жамгармалар фондларни вужудга келиши ва улардан фойдаланиш билан богликликдир.

Шерменов М.К. **молия** ишлаб чикариш муносабатларининг бир кисмидир, деб курсатади.

Бошка адабиётларда (Шерменов М.К. ва Гаретовский Н.Г.) **молияни мохияти** пул маблаглари фондлари вужудга келиши ва фойдаланиши билан боглик булган таксимлаш ва пул муносабатларидан иборат деб курсатилган.

**Молия** жамиятда кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришни амалга ошириш ва бошка ижтимоий эхтиёжларни кондириш максадида режа равишда вужудга келтириладиган пул маблаглари фондини ташкил килиниши, таксимланиши ва

ишлатилиши билан боглик булган иктисодий яъни пул формасида амалга ошадиган муносабатлардир.

Моддий жихатдан жамиятда молия давлат ихтиёридаги марказларлаштирилган умумдавлат пул фондлари, давлат бюджети, ижтимоий сугурта фонди, давлат кредитидан ва корхона пул фондларидан, корхонада кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришни амалга ошириш ва ходимларни ижтимоий-маданий ихтиёжларини кондириш учун ташкил килинган пул фондларидан иборат.

**Молия** марказлашган ва марказлашмаган пул маблаглари фонди вужудга келишида ва улардан фойдаланиш давридаги иктисодий муносабатларни йигиндисидан иборатдир.

**Ўз-ўзини назорат килиш саволлари**:

1. **Кандай молиявий функцияларни биласиз?**
2. **Кандай молиявий фондлар мавжуд?**
3. **Молиявий ресурсларни таърифлаб беринг.**
4. **Кайси категориялар билан молия боглик?**
5. **Молиянинг такомиллашиб бориш нечта боскичлан иборат?**
6. **Молиянинг мохиятини таърифлаб беринг?**
7. **Молиянинг назорат килиш функция, кандай функция?**
8. **Молиянинг кандай категорияларни биласиз?**
9. **Кандай молиявий фондларни биласиз?**
10. **Бюджетдан ташкари фонд, кандай фонд?**

## *2 - МАЪРУЗА:* **Молия сиесати ва молия механизми. Молия тизими. Бюджет тизими.**

Р Е Ж А:

2.1. Молиявий сиёсатнинг мазмуни ва принциплари.
2.2. Молиявий сиёсатнинг давлатнинг жамият ривожланишидаги роли.
2.3. Бюджет сиёсати.
2.4. Молия механизми ва унинг мохияти.
2.5. Молия механизмининг шакл ва усуллари
2.6. Молия тизимининг бугинлари.
2.7. Молия тизимининг тузилиш тамойиллари.
2.8. Давлат молиясининг мохияти ва бугинлари.
2.9. Давлат бюджети. Давлат кредити.

Адабиетлар:2,5,12,32,8,11.

Таянч иборалар: тизим,сугурта муассаси,давлат молияси,шахсий сугурта, давлат бандлик фонди, давлат кредити. Молиявий сиёсат, ижтимоий эхтиёжлар, иктисодиётга давлат аралашуви., Кейнс назарияси, молиявий кризис, бюджет ва кредит-пул сиёсати. Хужалик механизми, молия механизми, бахо механизми, керидит механизми, режалаштириш механизми, молия механизмининг шакл ва усуллари.

**Молиявий сиёсат** – маблагларни бошкариш тизимида асосий таркибий кисм хисобланади. Маблагларнинг, ижтимоий ялпи махсулотнинг шаклланиши, таксимланиши, кайта таксимланиши ва ишлатилиши буйича ўзига хос киймат муомаласи сифатидаги таърифидан келиб чиккан холда, давлат бу муомалаларини ташкил килишда жамият олдидаги ва шунга тегишли равишда молиявий тизим олдида турган асосий асосий максадлар ва вазифаларни белгилайди. Хар доим бошка ижтимоий мунасабатлар орасидаги зарурлигини ифодалайдиган молиявий муносабатларнинг асосий максади, кайта ишлаб чикариш жараёнининг узлуксизлигини ва биринчи навбатда, хам алохида одамнинг, хам бутун жамиятнинг хаёт фаолияти, яшаши ва ривожланишининг энг зарур шарт-шароити сифатида, ишлаб чикарувчи кучларни кайта ишлаб чикарилишини таъминлаш. Кайта ишлаб чикариш жараёни турли ижтимоий эхтиёжларнинг мажмуини ифодалайди. Бу эхтиёжларни кондириш молиявий имкониятларга, яъни мавжуд булган молиявий ресурсларга ва давлат молиявий имкониятларига боглик. Шунининг учун **молиявий муносабатларнинг иккинчи асосий максади** – ижтимоий бойликнинг ўсишини таъминлайдиган муносабатларнинг ташкил этилишидир. Бу максадга факат маблаг ресурслари ва давлат молиявий имкониятларини таксимлаш, кайта таксимлаш ва ишлатилишининг аник шаклларида самарадорлигида эришиш мумкин.

Молиявий механизм самарадорлигининг умумлаштирувчи кўрсаткичлари булиб, ички ялпи махсулот ва миллий даромад ўсишининг суръати хисобланади.

**Молиявий сиёсат** – молиявий муносабатлар шароитидаги давлатнинг мустакил фаолият доирасидир. Бу фаолият, иктисодий ва ижтимоий ривожланишнинг турли давлат дастурларини амалга оширилиши учун тегишли маблаг ресурслари билан таъминлашга мўлжалланган. Ижтимоий ривожланиш факат таълим, маданият, согликни саклаш ва бошка ижтомоий эхтиёжларни эмас, балки жамиятнинг ижтомоий тузумини хам тутади. Шунинг учун молиавий сиёсатни нукул иктисодий сиёсатга боглаш керак эмас.

Сиёсат давлатнинг хамма турдаги фаолиятини ўз ичига олади. Сиёсий таъсир объекти хисобланган ижтимоий муносабатлар доирасига боглик равишда иктисодий ёки ижтимоий-маданий ёки техник, бюджет ёки кредит, ички ёки ташки сиёсат хакида гап юритилади.

Молиявий сиёсат ўзига таъсир этувчи мустакил ахамиятга эга булиб шу билан бирга давлатнинг турли ижтимоий фаолиятидаги сиёсатни амалга оширувчи энг мухим восита хисобланади. Хох иктисодий, ижтимоий соха, хох харбий ислохот ёки халкаро муносабат бўлсин.

Сиёсат, сиёсий таъсир, сиёсий бошкарув учта асосий элементларга умумлаштирилган:

**1)** жамият хаётининг аник муддатида кўйилган максадларни аниклаш ва белгилаш учун перспектив ва тез орада бажариладиган вазифаларни конкретлаштириш;

**2)** айтилган максадларни киска муддатларда амалга ошириш учун ёрдам берадиган муносабатларнинг усулларини, воситаларини ва ташкил килишнинг аник шаклларини ишлаб чикиш, тез орада килинадиган ва перспектив вазифалар эса оптимал тарзда бажарилади;

**3)** Кўйилган вазифаларни бажаришга кодир кадрларни танлаш ва жойлаштириш бу вазифаларнинг бажарилишини ташкил килиш.

Демак, **молиявий сиёсат** – бу максад ва вазифаларни аниклаш, уларнинг бажарилишига йўналтирилган ижтимоий бойликларнинг шаклланиши, таксимланиши ва кайта таксимлаш жараёнлари йуналтирилган узлуксиз кайта ишлаб чикариш жараёнини ва кайта ишлаб чикаришнинг айрим аник эхтиёжларини кондиришга маблаг ресурслари билан таъминлаш учун юритилади.

**Молиявий сиёсатнинг реализацияси,** давлат вазифаларини ва дастурларини узок муддатли, ўрта муддатли, киска муддатли бажариши учун маблаг ресурсларини таксимлаш ва кайта таксимлашга мўлжалланган давлат тадбирларининг мажмуини таъминлайди.

Бу тадбирлар орасида энг мухим ўрин – молиявий муносабатлар шакли нормаларининг хукукий регламентациясига берилган.

Молиявий сиёсат ўзидан ўзи ёмон ёки яхши бўлиши мумкин эмас. У жамиятнинг эхтиёжларини кондириш ва кўйилган максад ва аник вазифаларнинг бажарилишини имконини беришига караб бахоланади. Ушбу хокимиятнинг молиявий сиёсатини бахолаш учун ва уни тузатиш бўйича тавсияномалар биринчи навбатта, ижтимоий ривожланишнинг аник дастурига эга бўлиш керак. Бу дастурда хам бутун жамият, хам алохида шахсларнинг талаблари, перспектив ва тез килинадиган

вазифалар характеристикаси, уларни бажариш усуллари ва муддатлари ёритилиши зарур.

Факат шундай шароитдагина молиявий сиёсат реализациясининг аник механизмини ишлаб чикиб, унга объектив бахо бериш мумкин.

Молиявий сиёсат биринчи навбатда маблаг ресурсларининг мумкин булган максимал хажмини шакллантириш учун йўналтирилган, чунки улар хар кандай кайта куришнинг моддий базасидир. Демак, молиявий сиёсатни аниклаш ва шакллантириш учун давлатнинг молиявий ахволи хакида ишончли маълумотлар бўлиши зарур. Хукукий демократик давлатда молиявий статистика кўрсаткичлари кенг оммага маълум бўлиши лозим, молиявий хисоб-китоб хам доимий, уз вактида ва тушунарли, асосийси-ишончли бўлиши керак.

Хозирги бозор шароитида ўтиш хамда бошкаришнинг маъмурий буйрукбозлик тизимидан воз кечиш жараёнида корхона ташкилот ва умуман давлат микёсида молиявий ресурсларга мухтожлик сезилади. Ушбу талабларни кондириш молиявий бозор оркали эчилади.

**Молиявий бозор** – пул операцияларини махсус формаси хисобланиб у объект сифатида ахолининг буш маблаглари, субъект сифатида хўжалик ва давлат структурасининг узок муддатли ссуда шаклида бериладиган кимматбахо когозлари хисобланади.

Молиявий бозорни биз икки гурухга булиб, яъни **дастлабки** ва **келгуси молиявий бозор** шаклида урганамиз.

**Дастлабки молиявий бозорда** янги киматбахо когозларни ишлаб чикариш билан шугулланилади. **Келгусида эса,** олдин дастлабки бозорда чикарилган, фойдаланилган, хам да хозирги пайтга келиб буш булган кимматбахо когозларни сотиш тушунилади.

**Кимматбахо когозлар** хусусида суз юритадиган булсак, улар узок муддатли ва кисман (улушли) кимматбахо когозларига булинади. **Узок муддатли** (карз) кимматбахо когоз сифатида облигацияни келтиришимиз мумкин. **Умуман (улушли) да** эса акциялар булиши мумкин.

Молиявий бозорни шакллантириш бир ва ундан ортик икки даврни уз ичига олади. Молиявий бозорни ташкил этиш учун куйидаги иккита омилдан фойдаланиши зарур деб хисобланади.:

**1.**Корхона ва ташкилот хамда муассасалар хусусийлаштирилган, хамда эркин фаолият курсатиши лозим.

**2.**Давлат томонидан тегишли ёрдам курсатилиши керак. Молиявий бозорнинг шаклланишида молия-банк институтлари ва асосан фонд биржалари асосий рол уйнайди.

Биржалар учга булинади:

**1.**Ёпик

**2.**Кисман очик

**3.**Очик биржалар

Молиявий бозорнинг вужудга келиши ва фаолият курсатиши куйидагилар ахамиятга эга:

**1.**корхоналарнинг ривожланиши учун катта имконият тугилади;

**2.**илмий техника прогрессининг ривожланиши юкори табакага кутарилади;

**3.**молиявий бозор асосида корхона ташкилот ва давлат ташки бозорга чикиш имконияти тугилади;

**4.**юкоридагиларни хисобга олган холда, ахолининг ижтимоий маданий ахволи яхшиланади;

Бюджет сиёсати куйидагилар буйича аникланади;:

-давлат бюджети даромадларининг шаклланиш манбалари;

-бюджет харажатларининг устивор йуналишлари;

-бюджетнинг мумкин булган чегараларда мувозанатининг узгариши;

-бюджет такчиллигига маблаг ажратиш манбалари;

-бюджет тизимининг алохида кисмлари орасида узаро муносабатлар принциплари.

Уз навбатида, бюджет сиёсати таркибида нисбий мустакилликка куйидагилар эга булади: солик сиёсати, инвестициялар сиёсати, давлат карзларини бошкариш сиёсати, бюджет, федерализм сиёсати. Солик сиёсати солик таркибини танлашни, ставкаларининг улчамларини, соликнинг хар кайси тури буйича имтиёзлар ва санксияларни аниклайди. Бир вактнинг узида, хам бутун солик тизими, хам алохида соликнинг конфискацион ва рагбатлантирувчи тамойилларининг чегаралари белгиланади. Кредит - пул сиёсати эса, эмиссиялар инкироз ва миллий пул бирлиги курсини бошкариш оркали пул муомаласи баркарорлигини таъминлашни ифодалайди; халк хужалиги ва молиявий тизимнинг хар хил булимларида хисобларнинг уз вактида ва доимий равишда таъминлаш, банк тизими фаолиятининг бошкарилишини регламентацияси оркали, молиявий бозор фаолиятини бошкариш. Кредит – пул сиёсатида нисбий мустакилликка эмиссион сиёсат, нарх сиёсати, валюта сиёсати, кредит сиёсати, унинг таркибида эса, масалан, фоиз сиёсати ва инвестиция сиёсатига эга булади. Шуни таъкидлаш керакки, агар бюджет муносабатлари амалиётда инвестициялар сифатида молиявий даромад ва асосий фондлар модернизацияси тушунилса, унда банк амалиётида инвестициялар сифатида кимматли когозлар шаклланиши тушунилади. Кредит – пул сиёсати таркибига молиявий сиёсатнинг киритилиши масаласи бахсга лойик, лекин улар орасидаги узаро алока ва узаро богликлик шубхасиздир. Молиявий сиёсатга бюджет билан бирга кредит – пул сиёсатининг киритилиши. Россия-Федерасияси молиявий кризис сабабларининг тахлили исботлайди. Бюджет солик ва кредит-пул сиёсатларининг узаро алокаси ва узаро богликлиги ва уларнинг битта молиявий тугунга бирлашиши хакида Россия ва бир неча йиллар мобайнида молиявий кризисдан чикиш буйича куп сонли хукумат дастурлари, шунингдек Марказий Банк ва Россия Федерациясининг Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чикилган 1998 йил кризисдан чикиш буйича кризисга карши таклифлар хам курсатади.

Е. Примаков бошчилигидаги Россия Федерациясининг Хукумати, кризисни бартараф килишдаги зарурият масаласини ягона молиявий банк тизимида эканлигини курсатиши тассодифий эмас. Марказий банк раиси В. Герашенко уз таклифларининг купчилик кисмини Молия Вазирлигига юборса, Молия Вазири М. Задорнов эса, молия кризисидан чикиш муаммосини Марказий банк фаолиятидан куради. XX аср охирида мухим уринни халкаро молиявий сиёсат эгаллайди. Унинг асосида, халкаро муносабатлар сохасидаги валюта-маблаг ва кредит муносабатларини бошкариш ётади. Бу халкаро муносабатлар, мехнатнинг халкаро булиниши, давлат карзининг шaклланиши ва ташкилотлар фаолияти иштироки билан боглик. Хозирги пайтда

куйидаги молиявий халкаро ташкилотларнинг молиявий сиёсати катта ахамиятга эга : Халкаро валюта фонди (ХВФ), Реконструкцияси ва ривожланиш Халкаро банки (РРХБ), Реконструкция ва ривожланиш Европа банки (РРЕБ) ва бошкалар. Айрим давлатларнинг Халкаро молиявий сиёсати, одатда, уз мамлакатининг ишлаб чикариш кучларини ривожлантиришга, шунга тегишли равишда хар кайси давлат халкаро хом-ашё, махсулотлар, ишчи кучи ва капитал бозорларида узининг мухим урнини эгаллашга каратилган.

Давлат уз манфаатларини божхона ва валюта сиёсати оркали химоя килади. Бу манфаатлар давлатнинг уз экспорти ва импортини кенгайишидаги талаблар даражаси билан аникланади. Бунга мос равишда божхона туловлари ёки аник, божхона тартиби тизими кулланилади. Божхона ва валюта сиёсатларининг асосий максади – давлатнинг олтин валюта захираларини саклаш ва купайтириш. Халкаро молиявий ташкилотлар молиявий сиёсати, молиявий кризис ёки молиявий кийинчиликка учраган давлатларга молиявий ёрдам курсатишга йуналтирилган. Ёрдам, одатда, кредит ажратиш шакли ёки мавжуд булган давлатнинг ташки карзини реструктуризация шакли оркали амалга оширилади. Ижтимоий хаётнинг ва баркарор давлат тузумининг эволюцион ривожланиш даврида давлатнинг ташки ва ички молиявий сиёсати, битта асосий вазифани бажаради – давлатда мавжуд булган ижтимоий муносабатлар тизимини саклаш ва тургунланишини таъминлаш. Революцион узгаришлар даврида сиёсий кучлар, мавжуд булган тизимини узгаришида манфаатдор булган шу тизимнинг бузилишига ва янги ижтимоий тизим муносабатларининг шаклланишига олиб келувчи сиёсатни утказади.

Жамият хаётининг кайта узгариш даврларида молиявий сиёсат ролини кайта бахолаш жуда кийин, чунки биринчи навбатда, ижтимоий бойликнинг кайта таксимланишини ва молиявий тизимнинг кайта курилиши амалга ошади.

Хар бир ижтимоий-иктисодий тузум ёки ишлаб чикариш усул ишлаб чикариш воситаларига булган мулкчилик муносабати билан белгиланувчи хужалик механизимига эга. Хужалик режали равишда юритишга асослаш тузум хам уз хужалик механизимига эга булиб, бахо, режалаштириш кредит механизими ва бошкалар унинг таркибий кисимларини ташкил килади. Механизми.

Молия механизми хужалик механизмининг таркибий кисмидир. Шу сабабли молия механизмининг таркибий кисми мохиятини ва мазмунини хал киладиган аввал хужалик механизмининг мохияти тугрисида тухталиб утиш максадга мувофикдир.

Хужалик механизми жамятнинг иктисодий хаётини, хужалик жамоаларини амалга оширувчи ва ташкил этувчи шакл ва усуллар йигиндисидан иборат. Хужалик механизими жамиятдаги ишлаб чикарувчи кучлар ва ишлаб чикариш муносабатларининг намоён булиш шакли булиб, уларни алокаларини узида акс эттиради.

Демак, ишлаб чикариш муносабатларини ривожланиши билан иктисодий хаёт хам ривожланиб такомиллашиб боради. Молия ва молиявий муносабатлар иктисодий муносабатларнинг таркиби номи булганлиги учун молия механизми хужалик механизмининг таркибий кисми хисобланади. «Молия механизми» тушунча тугрисида фикр юритар эди «механизм» атамаси техника фанларидан олинганлигини

тан олмай илож юк. Аммо молия фанида «механизм» атамасидан жуда эхтиёткорлик билан фойдаланиш керак.

Жамият молия механизмини вужудга келтиришда албатта иштирок этади. Унинг шакл ва усуллари куйидагиларидан иборат

**а)** Молиявий муносабатларнинг мазмуни.

**в)** Иктисодий конунларнинг харакати билан белгиланади.

Молия механизмининг шакл ва усуллари, уз навбатида, жамият ривожининг хар бир боскичларидаги иктисодий эхтиёжларига мос келиши керак. Иктисодий ислохот амалиёти, молия механизмини вужудга келтиришда юкорида таъкидланган талабларни етарлича инобатга олмаслик, уни умумиктисодий шароитдан ва ижтимоий ривожланишнинг маълум бир даврида хал этиладиган конкрет вазифалардан ажратиб куйиш унинг харакатида негатив натижаларга олиб келиши мумкинлигидан далолат беради.

Бундай молиявий механизм объективдир; молиявий муносабатларнинг шакл ва усулларини ташкил этишда бозор хужалиги иктисодий конунларини, талабларини инобатга олган холда куплаб объектив омилларини хисобга олиш зарур деган хулосага келиш мумкин.

Иктисодий категория сифатида молия давлат бюджети, корхоналар ва ташкилотлар молияси, давлат мулкий ва шахсий сугуртаси каби категорияларда уз ифодасини топади. Уз навбатида, давлат бюджети бюджед даромади ва харажатлари деб аталувчи категорияларда намоён булади. Бюджет даромадлари эса соликлар ва давлат корхоналарининг туловларида уз ифодасини топади.

Молия механизмининг объектив масаласини куриб чикиш давлат молиядаги объективлик ва субъективлик муаммоси хам куриб чикиш максадга мувофикдир.

Объектив ва субъектив омиллар тугрисидаги таълимотга кура молия тушунчасини ташкил этувчи иктисодий муносабатлар объектив омилларга киради. Умумдавлат хамда корхоналар ва иктисодий тармокларининг ихтиёрини кондириш билан боглик булган молиявий муносабатларнинг группаси объективдир.

Камрок абстракт характерга эга булган молиявий категорияларнинг намоён булиш формалари булиши мумкин.

Давлат томонидан маълум бир молиявий сиёсатнинг ишлаб чикариш молиявий муносабатларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш механизмларининг тартибга келтирилиши молиявий бошкаришнинг узи сингари субъектив омилидир. Бошка сохаларда булгани каби молиянинг хам омиллари катта ахамиятга эга. Чунки иктисодиётни ривожлантиришда молиявий муносабатлардан фойдаланиш мухим ахамиятга эга. Жумладан, ташкил этилган молия механизми ишлаб чикаришнинг ривожланишни таъминлайди.

Субъектив омилларни тан олган холда иктисодий муносабатларнинг бирламчи эканлигини хам алохида таъкидлаш лозим. Молиянинг ривожланиш конуниятлари ва ривожланишнинг умумий иктисодий шарт-шароитлари тулик тула инобатга олинса, субъектив омилларнинг таъсири шунчалик актив самарали булади. Бошка шароитлар тенг булган такдирда молиявий муносабатларни ташкил этиш шакли унинг мазмунига шунчалик мос келади.

Демак молия тизимидаги кадрларнинг тайёргарлик ва билиш даражаси молиявий муносабатларнинг мужассамлаштирилган имкониятларнинг самарали

даражасини белгилаб беради: хозирги пайтда молия фанининг кенг ривожланиши ва юкори малакали кадрларни тайёрлаш молия сиёсати муваффакиятининг ва молия механизмини самарадорлигининг гаровидир.

**Молия механизмнинг мазмуни,** унинг таркиби ва тузилиши бевосита молиянинг мазмуни, таркиби ва тузилишидан келиб чикади. Жамият ривожланишининг контракт боскичи эхтиёжларини хисобга олган холда объектив молиявий муносабатларни урганиш асосида уларни ташкил этишнинг у ёки бу шакли ва усулларини жорий этади, яъни ташкилий характерга эга булган муносабатларнинг иккинчи кадамини вужудга келтиради. Масалан, маълум асосий фондлар ишлаб чикариш жараёнида иштирок этиб, уз кийматини бир кисмини тайёр махсулотга утказиб беради. Ана шу нарсага асосий холда давлат амортизация ажратмалари нормасини белгилайди, аммортизация фондидан фойдаланиш тартибини урнатади.

Айланма фондини саклаш ва кенгайтиришни таъминлаш максадида айланма фондлар нормативи, уларни ошган ёки етишмаган кисмини тиклаш манбалари аникланади.

Юкорида билдирилган фикр ва мулохазаларни эътиборга олган холда молия механизмига куйидагича таъриф бериш мумкин: такрор ишлаб чикариш эхтиёжларини кондиришга нотижорат сохасини саклашга, жамият ва алохида хужалик звеноларнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул фондларини ташкил этиш ва фойдаланиш билан боглик тизимидир.



Молия тизимининг хар хил бугини уз урнида ички тузилмавий таркибидан келиб чикиб, бугин остилари (подзвено)га булинади. Масалан, тижорат асосида фаолият курсатаётган корхоналар тармок йуналишлари буйича-саноат, кишлок хужалиги, савдо, транспорт молиясига булинса, мулк шаклидан келиб чикиб – давлат корхоналари, кооператив, хиссадорлик, хусусий ва кушма корхоналар молиясига бўлинади.

Сугурта муассасалари молияси сохасидаги бугинлар сугурта тармокларини белгилаб бериб, у сугурта турларига караб булинади. Масалан, шахсий сугурта тармогида: аралаш сугурта, сугурта, никохни сугурталаш, фарзандларни сугурталаш, бахтсиз ходисалардан сугурталаш ва х.к.

Давлат молиясидаги бугинларни гурухлаш бевосита давлатнинг бошкарув тизимидан келиб чикади. Масалан, махаллий бошкарув, республика бошкаруви ёки махаллий бюджетлар, давлат бюджети ва шу кабилар.

Молиявий муносабатларнинг молиявий соха ва бугинларга булиниши, уз урнида хар бир соха, бугин ва бугин остиларининг узига хос молиявий механизмда жипслашишини такозо этади. Булар:

- хужалик субъектларининг молия механизми
- сугурта ташкилотларининг молия механизми
- давлат молиясининг молия механизми.

Уз навбатида, хар бир соха алохида тузилмавий бугинларни узида гавдалантиради. Масалан, давлат молиясининг механизми бюджет ва нобюджет фондлар механизмига булинади. Худудий булинишдан келиб чиккан холда, республика молия механизми – вилоят молия механизми ва туман молия механизмидан таркиб топади.

Молиявий механизмнинг хар бир соха ва бугинлари бир бутун яхлитликнинг таркибий кисми хисобланади. Улар бир-бирини тулдириб туради. Шунга карамасдан, хар бир соха ва бугин нисбатан мустакил фаолият юргизади.

Молия механизмнинг соха ва бугинларида алохида элементларнинг мураккаблиги ажралиб туради. Масалан, бюджет механизми турли хил куринишдаги соликлар, маблаглардан ранг-баранг йуналишларда фойдаланишнинг мавжудлиги ва молиялаштириш усуллари билан характерланиб турса, корхона ва ташкилотларда пул жамгармаларининг шакллари, фойданинг таксимланиши, фондларнинг шаклланиши ва фойдаланиши уртасидаги муносабатлар аникланади. Сугурта ташкилотларида резерв фондлар тизими кенг ривожланган.

Хозирги шароитда жамият хаётининг барча сохалари тубдан узгараётган бир даврда, уз вактида конунчиликдаги муамммоларни бартараф этишни таъминлаш мухим ахамият касб этади. Конунчиликнинг кониктирилмаган холати тадбиркорлик ташаббусини сусайтиради ва ижтимоий ривожланишни тухтатади. Хукукий тартибга солишдаги келишмовчиликлар иктисодда самарасиз харажатларни ошириб, салбий ижтимоий ва маънавий кашшокликни олиб келиши мумкин.

Давлат молия механизмини шакллантиришда у ёки бу даврдаги молиявий сиёсат талабларига тулаконли жавоб беришни таъминлашга харакат килади. Бу, уз

урнида молиявий сиёсат олдида куйлган максад ва унга эришиш учун амалга ошириш лозим булган вазифаларни уз вактида бажарилишига кафолат булади.

Республикамиз мустакилликка эришган пайтдан давлатимиз рахбарияти молиявий сиёсат йуналишини халкнинг турмуш фаровонлигини оширишга, мулкчиликнинг турли хилларини шакллантиришга, бюджет камомадини жахон андозасига мос келтириш учун кулай шарт-шароитлар яратишга даъват этиб келмокда. Шу маънода, хар бир молия йилида реал вазиятдан ва иктисодий имкониятдан келиб чикиб, мамлакат микёсида йиллик молиявий сиёсат дастурлари кабул килинмокда.

Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида махаллий хукумат ва бошкарув органларини жавобгарлиги билан бирга, уларнинг манфаатдорлигини ошириш максадида, махаллий бюджетлар ихтиёрида куйидаги умумдавлат соликлари ва йигимларини тулалигича колдириш кўзда тутилган:

**а)** сув ресурисларидан фойдаланганлик учун солик;

**б)** экология солиги;

**в)** юридик макомга эга булмасдан тадбиркорлик фаолияти Билан шугулланаёт ган шахслардан олинадиган даромад солиги;

**г)** кичик корхоналар учун белгиланган соддалаштирилган солик;

**д)**пиво, ўсимлик ёги, гилам ва гилам махсулотлари, хрустал буюмлар ва хрусталдан ясалган кандиллар, мебел, ведио-аудио аппаратураси ва кумушдан килинган ошхона анжомларидан олинадиган аксизлар.

Вазирлар Махкамасининг резерв фонди Давлат бюджетининг харажатига нисбатан 1,4 фоизда белгиланди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига ташки карзларни жалб килишдан вужудга келган карз мажбуриятларига нисбатан коплаш учун 2000 йил бюджет харажатларига нисбатан 0,6 % микдорида белгиланди:

Хозирги кунда Республикамизда олиб борилаётган молиявий сиясатнинг марказий бугинида турган асосий масала – бу юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган соликлар, туловлар, йигимлар ва ажратмалар юкини имкон кадар пасайтиришдан иборатдир.

**Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:**

1. **Молиявий сиёсатни мазмуни нимадан иборат?**
2. **Молиявий сиёсатни принципларини таърифлаб беринг?**
3. **Молиявий механизмини таърифлаб беринг?**
4. **Молиявий сиёсатнинг нечта эмитентлари мавжуд?**
5. **Бюджет сиёсатининг таркиблари нимадан иборат?**
6. **Бюджет сиёсатининг таркиблари нимадан иборат?**
7. **Пул-кредит сиёсати нимадан иборат?**
8. **Маблаг ресурслари тушунчаси?**
9. **Молиявий тизимни нечта таркибий кисмлари мавжуд?**
10. **Молиявий тизимнинг кандай бугинларини биласиз?**

## *3. - МАЪРУЗА:* **Давлатнинг бюджетдан ташкари максадли пул фондлари.**

Р Е Ж А :

3.1. Бюджетдан ташкари фондларнинг иктисодий мохияти.
3.2. Яратиш йуллари ва тузиш усуллари.
3.3. Чет эл давлатлари молиявий тузимидаги махсус фондлар.
3.4. Хокимликлар бюджетдан ташкари фондларнинг тузилиши

Адабиетлар:1,3,56,45,80,91,88,56,70,92,67,34.

Таянч иборалар: фонд, махсус фонд, юридик шахс, жисмоний шахс, йул фонди, бандлик фонди, инфраструктура, ижтимоий соха, пенсия фонди.

**Бюджетдан ташкари фондлар -** марказий ва махаллий давлат органларига тегишли булган ва бирор юналиш буйича кулланадиган молиявий воситалар йигиндисидир. Улар молиявий тизимида асосий уринни эгаллайдилар.

Фондларнинг тузилиши ва ишлатилиши молиявий хукук билан тартибга солинади. Бюджетдан ташкари фондлар давлат томонидан миллий даромадни ахолининг кайсидир ижтимоий кисмига кайта таксимлаш билан боглик. Давлат узининг олиб бораётган ишлари учун ахоли даромадининг бир кисмини жалб этади.

Уларнинг келиб чикиши бюджет пайдо булмасдан аввал махсус фондларнинг ва алохида хисобот куринишида булган. Давлат фаолияти кенгайиши билан харажатлар хам купайган. Уларни коплаш учун воситалар махсус фондлардан марказлаштирилган ва махсус юналиш учун ишлатилган.

Улар вактинчалик куринишга эга булардилар. Давлат томонидан белгиланган вазифалар бажарилгандан сунг бу фондлар молиявий таъминоти ва фаолияти тухтатилар эди. Умуман олганда бу фондларнинг купайиши тендентсияси куринмокда.

Махсус фондлар куплиги бир канча кийинчиликлар тугдирар эди. Баъзиларида молиявий ортик булса, баъзиларида етишмас ва уларни бошкариш учун кушимча талаб килинарди. Ана шунда давлат томонидан бу фондлар бирлаштирилди ва давлат бюджети ташкил топди ва парламент томонидан куриб чикиб тасдикланганидан сунг ижрога мажбурий куйди.

Хозирги шароитда бюджетдан ташкари булган фондларнинг урини ошиб бормокда

Хозирги баркарор булмаган иктисодиёт даврида хужалик хаётига аралашиш ва тадбиркорликни молиявий куллаб кувватлаш учун давлатда ортикча маблаглар пайдо булди;

Фондлар бюджетдан автоном булган холда янги вазифаларни бажариш мумкин. Айнан йуналтирилган холда маблагларни шу фондларда ишлатиш уларни давлат томонидан назорат килиш вазифасини енгиллаштирилди:

Актив салдо булган холда бюджетдан ташкари фондлар кредит механизми оркали давлат бюджети етишмовчилигини коплаш мумкин.

Бюджетдан ташкари фондлар 2 йул билан тузилади:

**1.** Бюджетдан мухим ахамиятга эга булган харажатларни ажратиш;

**2.** Шахсий даромад манбаларига эга буладиган бюджетдан ташкари фондларни тузиш. Масалан, купгина давлатларда ижтимоий сугурта фонди тузилган булиб, кам таъминланган ахоли катламларини куллаш учун давлат бюджетидан маблаг ажратилган. Бошка фондларнинг тузилиши авваллари машхур булмаган харажатлар пайдо булгани билан боглик. Бундай холларда хукумат таклифига махсус карор кабул килади.

Бюджетдан ташкари махсус фондлар йуналишли ишлаши учун мулжалланган. Асосан фонд номида харажат максадлари курсатилади.

Бюджетдан ташкари фондларнинг молиявий системанинг бошка кисмлари сингари материал манбаи миллий даромад хисобланади. Фондларнинг асосий кисми миллий даромадни кайта таксимлаш жараёни тузилади.

Фондларни тузаётганда миллий даромадни кайта таксимлашда асосий усуллар:

**1.** махсус солик ва йигимлар;

**2.** заём ва бюджет воситалари;

<u>Асосий метод</u> - **махсус солик ва йигимлар** конун чикарувчи орган томонидан белгиланади. Фондларнинг асосий кисми марказий ва регионал **бюджет воситаларидан** тузилади.

Бюджетдан воситалар кайтмас субсидиялар ва солик даромадлари сифатида **заём воситалари** хам чикиши мумкин.

Бюджетдан ташкари фондларнинг кимматбахо когозларни сотиб олиш ва улардан дивидент ёки фоиз куринишида даромад олиш мумкин.

Чет эл давлатлари молиявий тузимида махсус фондлар алохида уринга эгадир.

Уларда йигилган маблаглар хажми катта. франтсияда махсус фондлар хажми давлат бюджети хажмига якин. Японияда махсус фондлардан давлат харажатларининг ярмидан купи таъминланади. Англияда учдан бир кисми таъминланади.

Чет элда махсус фондларга турли автоном ва кушимча бюджетлар, бюджетдан ташкари фондлар, махсус хисоблар киради.

Уларга биринчи чогда ижтимоий ва иктисодий вазифалари юклатилган. Фондлар воситаларидан фойдаланиб, давлат ишлаб чикариш жараёнига аралашиши, ташкилот ва корхоналарга субсидия ва кредитлар ажратиш, ахолига ижтимоий хизмат курсатиш мумкин.

Махсус фондлар асосан йуналтирилган характерга эга булади. Мисол учун, ижтимоий сугурта фонди сугурта килинганлар учун тулов, кредит фондлари тадбиркорларга ёки бошка давлатларга ссуда ажратадилар.

Бундай фондлар турли ва кай юналишда ишлатилиши билан ажратилади.

Махсус фондлар кулланиш максадига биноан иктисодий, илмий текшириш, кредит, ижтимоий, шахсий ва мулкий сугурта, харбий сиёсий, давлатлараро кисмларга булинади.

Иктисодий фондлар хужалик хаётини бошкариш учун мулжалланган. Бундай фонд воситалари хусусий капитал ва давлатнинг устувор юналишдаги корхоналари учун ажратилади. Ёрдам субсидия ва имтиёзли кредит куринишда берилади.

АКШ да иктисодиётни кайта куриш ва ривожлантириш фонди мухим булиб, федерал бюджет воситалари хисобидан амалга оширилади. Унинг сиёсий вазифаси – хусусий саноат компаниялари манфаатларида банк оператсияларини сугурта килиш.

1984 йилдан бошлаб фонд иктисодий ривожларининг, хусусий кора металлургияда янги программаларини бошкаришда улар фаолиятини бошлаш.

Иккинчи жахон уруши тамом булганидан кейин Францияда модернизация фонди тузилди ва нинг 1955 йилда бошка фондлар билан бирлашгандан сунг ижтимоий ва иктисодий ривожланиш фонди деб номланадиган булди. (ФЕСР). Унинг хисобига асосан заёмлар ва бюджетдан туловлар келиб тушади. Фонд инвестиция программаларини, регионал ривожланиш планларини давлатга ишлаб чикариш кучларини жойлаштириш, ишчилар мутахассислигини узгартириш ва ривожланган саноат корхоналарини индустриал марказлардан кучиришни молиявий таъминлайди.

Иктисодий кийинчиликка дуч келган раёнларда хисоблашган корхоналар учун саноат адаптацияси фонди ташкил этилган. Саноатга капитал куйилмалар махсус тузилган конюктура фонди оркали ажратилади, бу фонд баъзи манбалардан, шу жумладан конюктура солигидан ташкил топади.

Фонд маблагларининг сарф килиниши давлатдаги иктисодий ахволга боглик булиб, иктисодий ривожи пасайган пайтда ундан воситалар саноат, уй-жой курилиши, ижтимоий ривожланишига ажратилади, саноат усаётган пайтда фонд тулдирилади.

Илмий техник революциянинг ривожланиши илмий текширув фондларини яратишга туртки булиб саноат, курилиш, шунингдек миллий илмий марказларни таъминлаш учун яратилган. АКШ да 2 йирик фонд – Миллий илмий фонд (ННФ) ва стандарт бюросининг илмий фонди (НФБЕ) мавжуд.

**Миллий илмий фонд** воситалари федерал бюджетдан ажратилган воситалар, саноат корхоналари даромадидан туловлар, ушнингдек университет ва коллежлар взносларидан ташкил топган. Воситалар фундаментал текширувлар, олимлар-илмий ишлари учун молиявий ёрдам сифатида ажратилади. **Стандарт бюросининг миллий фонди** уз воситаларини эксперемент утказаётган компанияларга ажратади ва уларнинг илмий изланишларини саноат ва кишлок хужалигида кулланиш даражасига олиб боради.

Англияда илмий текширувлар **Миллий корпорация фон**ди узининг мустакил балансига эга булиб, давлат бюжетига боглик эмас. Унинг воситалари кашфиётларга олинган литсензиялар сотувидан олинган даромад эвазига тулдирилади. Давлат фондига хар бир вакти белгиланмаган аванслар ва йилнинг субсидиялар ажратилади.

Фонд илмий изланишлар ва уларнинг махсулини ишлаб чикаришга татдик этиш шугулланувчи компанияларга молиявий ёрдам курсатди. Фонд воситаларига давлат университетлари лабораторияларида миллий ва хусусий компанияларда амалга оширилаётган илмий изланишлар учун ишлатилиб уларни саноат узлаштиришига олиб борилади.

АКШ да купгина ижтимоий фондлар фаолият курсатиб, турли админстратив идораларга буйсунадилар. Улар орасида 2 та умуммиллий фонд мавжуд: **карилик, ногиронлик** ва **бокувчисини йукотиш холлари буйича сугурта фонди; давлат хизматчиларини сугурта килиш фонди.**

Англияда 2 асосий ижтимоий фонд иш юритади, булар **миллий сугурта фонди** ва **давлат корхоналари нафака фондларидир.**

Японияда 4 та йирик фонд мавжуд: **соликни сугурта килиш, миллий нафака, ишлаб чикариш синишидан сугурта килиш** ва **ишсизликдан сугурта килиш фондлари.**

Францияда **касалликдан ногиронлик ва оналик фонди; нафака фонди; оилаларга ёрдам фонди; ишсизликларга ёрдам миллий фондлари** катта ахамиятга эга.

Махаллий хокимликлар учун бюжет ва корхона ташкилотлар маблагларини махаллий инфраструктурани ривожлантириш учун ишлатишда кенг имкониятлари очиб берилгандан сунг айнан шу маблагларни кандай килиб бирлаштириш муаммоси пайдо булди ва айнан махаллий хакимликларнинг бюджетдан ташкари фондлари иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун,яъни ташкилотлар маблагларини концентрациялаштириб, уларни шу вилоят ёки раён талаблари учун ишлатишни уз олдига максад килиб куйди.

Бу бюджетдан ташкари фондлар куйидаги манбалардан ташкил топиши мумкин:

**1)** юридик ва жисмоний шахсларнинг уз хохиши билан ажратган воситалари;

**2) аукционлардан** олинган даромад;

**3)**табиат ресурсларидан нотугри фойдаланганлик, атроф-мухитни ифлослантириш ва бошка табиатни саклаш конунига зид холларда туланадиган штрафлар;

**4)** хокимлик карамогида булган тарихий ва маданий ёдгорликларга зарар етказганлик учун жарима, шунингдек келтирилган зарарни коплаш учун туланадиган воситалар;

**5)** конунчиликка асосланган холда админстратив ва бошка тартиббузарликлар учун жарималар.

Хокимликлар бюджетдан ташкари фондлари махаллий давлат органлари карорлари асосида тузилади. Бу карор асосида ижрочи органлар томонидан келиб тушаётган маблагларни саклаш учун бошка хисоб раками очилади.

Фондни бошкариш учун махаллий хокимият ва ташкилотлардан курсатилган номзодлар коллегиал орган тузишлари мумкин. Коллегия орган фонд маблагларидан кандай фойдаланиш хакида карор кабул килади. Бу маблаглар:

**1.**кооперативлик асосида ижтимоий-маиший объект крилишига;

**2.**бюджет харажатлари купайганда, шунингдек фойдани планга мувофик равишда олинмаганда шу фаркни коплашда;

**3.**норматив ва лимит буйича харажатлар белгиланган микдорда ошиб кетганда каби харажатлар учун жалб этилади.

Корхоналар ажратган маблаглар эвазига келиб тушган фойда асоси умумрегионал ахамиятга эга булган объектларни куриш ва таъминлаш учун ишлатилади. Ахоли пунктларида хокимларнинг бюджетдан ташкари фондлари:

**1)** регионал органлар ва ташкилотларнинг маблаглари махаллий ижтимоий – маиший инфраструктурани ривожлантириш учун;

**2)** махаллий органларни уз хужалик фаолиятларида моддий рагбатлантиришни ошириш учун;

**3)** давлатимиз моддий ва молиявий ресурсларини янада эффектив кулами учун;

**4)** махаллий органлар ва улар билан территориал булган корхоналар уртасидаги иктисодий алокаларни мустахкамлаш;

**5)** корхоналарни махаллий хужаликни ривожлантириш учун тегишли булган фаолиятга жалб этиш;

**6)** махаллий органларни ишлаб чикариш ва у билан боглик булмаган жараёнда юзага келадиган диспрапортсияни камайтириш учун молиявий имкониятларни кенгайтириш;

**7)** инфраструктурадаги алохида тармокларни ривожлантириш корхонани техникавий ривожини оширишда махаллий органларнинг таъсирини оширади;

**8)** ахолига курсатилаётган маиший хизматни ривожлантириш учун ёрдам беради.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Кандай бюджетдан ташкари фондлари мавжуд?**
2. **Бюджетдан ташкари фондларнинг тузилиши нимадан иборат?**
3. **Бюджетдан ташкари фондлар кандай мабалардан ташкил топган?**
4. **Бюджетдан ташкари фондлар кимга карашли?**
5. **Бюджетдан ташкари фондларнинг келиб чикиши?**
6. **Бюджетдан ташкари фондлар нечта йул билан тузилади?**
7. **Бюджетдан ташкари фондлар нималар учун мулжалланган?**

## *4- МАЪРУЗА:* **Давлат кредити. Махаллий молия.**

Р Е Ж А:

4.1. Кредитнинг функциялари ва тамойиллари.
4.2. Кредит туловлари.
4.3. Давлат кредити.
4.4.. Махаллий молия.

Адабиетлар: 2, 34,23,29,72

Таянч иборалар: кредит, кредит фоизи, ссуда,функция, ресурс,тулов,шартнома, таваккалчилик,хавф-хатар, махаллий бюджет.

Бизга маълумки, пул маблагларига кредитларга олинган маблаглар корхоналарнинг хисоб варкасидаги маблаглар ва молиявий ресурслар киради.

Бу иктисодий категориялар бир-бирига ухшамайди.

**Кредит -** бу вактинча буш турган пул маблагларини маълум муддатга, хак тулаш шарти билан карзга олиш ва кайтариб бериш юзасидан келиб чиккан иктисодий муносабатлар йигиндисидир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликларни, турли машина ва механизмлар сотиб олинади.

**Кредит иктисодий категория** булиб, карз берувчи ва карз олувчи уртасидаги иктисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

**Кредитнинг мохият**ини очиш - бу унинг сифатларини, кредит мухим томонларини, кераклигини курсатувчи асосларидир.

Иктисодий категория сифатида кредитнинг мохияти купгина иктисодчи олимлар томонидан урганилиб чикилган ва улар томонидан кредитнинг мохияти буйича турлича фикр билдирилган:

Масалан, Вознесенский, Эвере ва Аллехвердян каби олимларнинг фикрича кредит махсус категория хисобланса у молия таркибига киради.

Захаров, Лаврунин, Песслев, Левчук, Кодиров каби олимлар эса кредитни молия билан параллел равишда алохида мустакил иктисодий категория деб хисоблайдилар ва куйидагиларни фикрларга асосланиб, кредитнинг баъзи мухим томонлари аникланади:

**1)** Миллий даромад ва пул ресурсларини кайта таксимлашга богликлиги.

**2)** Харажатнинг асосий хал этувчи белгиси (карзи)

**3)** Кредитнинг харакат шакли.

Берилган кредитни кайтариб бериш шарти, у шу сифати билан молиядан фарк килади.

Кредитнинг мухим элементларидан бири бу **кредитнинг объектив** ва **субъективларидир.**

**Кредит таркиби**

| **Кредит субъекти** | **Кредит объекти** |
|---|---|
| **кредитор карз олувчи** | **карзга берилган киймат юналиши** |

Кредит муносабатларида субъектлар икки хил булади:

**1)** Кредитор (карз берувчи).

**2)** Карздор (карз олувчи)

**<u>Кредит объекти</u>** – бу кредитор, карз берувчидан карз олувчига бериладиган ва карз олувчидан карз берувчига кайтариб бериладиган кийматдир.

Бунда карзга берилган маблаг уз кийматини саклаб колиши кредитнинг асосий хусусияти хисобланади.

Хар кандай иктисодий категория узининг функцияларига эга. **Кредитнинг функциялари** – бу кредит фаолиятининг намоён булишидир.

Кредитнинг куйидаги функциялари мавжуд :

**1)** карзни берувчи кийматни вактинча фойдаланишга бериш функцияси.

Бу кредит ва пул маблаглари уртасидаги муносабатлар.

**2)** кайта таксимлаш функцияси – кредит кайта ишлаб чикариш, таксимлаш, муомала ва истеъмолга хизмат курсатади.

Кайта таксимлаш функция ёрдамида корхоналар, ташкилотлар, давлат ва шахсий секторнинг буш пул маблаглари ва даромадлари ссуда капиталига айлантирилади ва вактинча фойдаланишга берилади.

Бу функция ёрдамида ишлаб чикаришдаги пропорциялар ва пул капитали харакати бошкарилиб турилади. Ссуда – моддий бойликларни гаров хисобига % олиш шарти билан бир вактга берилган карзлар.

**Ссуда капитали** – бу мулк, унинг эгаси карз олувчига капиталини доимий эмас, балки вактинча фойдаланиш учун беради.

Кредит вужудга келиш давридан бошлаб хакикий пулларни (олтин, кумуш) кредит пуллари, - банкноталар, чеклар билан айламашинишни таъминлаб келган.

Бу функциянинг амалга ошиши кредитнинг иктисодий мохиятидан келаб чикади. Унинг манбаи айланниши савдо капиталининг доиравий айланиши молиявий маблаглар хисобланади.

Корхона ва ташкилотларнинг уз айланма маблагларининг вактинчалик етишмовчилигини тулдириш учун ссудалар олиш кенг таркалиб борган.

Кредит туфайли пул муомаласи доирасига чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, накд пулли хисоб-китобларни накд пулсиз операциялар билан айлаштиради. Бу эса давлат ичидаги халкаро бозордаги иктисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради.

Фан – техника тараккиётининг жадаллашуви хам кредит оркали самрали амалга оиширилиши мумкин. Кредитнинг фан-техника тараккиётини жадаллаштиришдаги ролини фан-техника билан шугулланувчи ташкилотларининг фаолиятини молиялаштириш жараёни оркали кузатиш мумкин. Илмий тадкикот ишларини олиб борувчи марказларнинг нормал ишлаб туришини молиялаштириш учун хам улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин.

Кредит инновацион жараёнларда ишлаб чикаришга илмий тадкикот натижаларини жорий килиш ва ишлаб чикариш технологиясини узгартириш билан боглик харажатларни молиялаштириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

Албатта, корхоналарнинг маблаглари етарли булган холда бу турдаги харажатлар корхоналарнинг уз маблаглари хисобидан молиялаштирилади, ушнингдек уз маблаглари етарли булмаган шароитда банкнинг максадли урта ва узок муддатли ссудалари хисобидан бу иш хам амалга оширилиши мумкин.

Иктисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга. Булар кредитнинг кайтиб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, максадлилиги ва туловлилик тамойилларидир:

**1.** Кредитнинг кайтариб бериш тамойили.

Кредитнинг кайтариб беришлик асосий белгиси хисобланади. Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги кайтариб беришлик – бутун банк фаолиятининг марказий пункти хисобланади.

Олдин, собик иттифок даврида, кредитнинг «кайтарилмайдиган ссуда» тушунчаси булган

Тамойили кредит берувчидан олинган кредитни уз вактида кайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг кандай муддатга берилганлиги билан характерланади.

Шу муддатлилик тамойилларига кура **кредит узок** ва **киска муддатли кредитларга** булинади.

Кредитнинг муддатлилиги хар иккала томон, кредитор ва карз олувчи учун мухимдир.

Кредитнинг муддатлилиги ишлаб чикариш, чикарилган махсулотни жунатиш муддатлига, товарларни сотиш муддатлига ва фондларининг доиравий айланишининг тезлигига богликдир.

**3.** Кредитнинг товар – моддий бойликлар билан таъминланганлиги.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар хужжатларини, бошка бирор шаклдаги мулкини гаровга куяди. Агарда банк берган кредит, карз урнини коплаш хукукига эга булади. Баъзида кредит варрант асосида хам бурилиш мумкин (варрант бу – гаров учун хизмат килувчи хужжат).

**4.** Туловлилик тамойили.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган карз маблаглари учун кредиторга фоиз шаклида туловни утказадилар.

Кредитнинг туловлилиги корхоналарнинг фойдасига боглик.

Бу тамойилнинг амалиётда 3 та асосий функциясини куришимиз мумкин:

Хукукий шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг таксимланиши.

Банк мижозларининг пул маблагларини инфляциядан химоялаш.

**5.** Кредитнинг максадлилиги.

Бу тамойилнинг мохияти шундаки карз олувчи томонидан кредитлар аник бир максадларни амалга оширишга юналтирилган булиши зарур.

Кредитнинг кайси максадга юналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чикариш харажатларини коплашга банк ва корхона уртасидаги тузиладиган кредит шартномада курсатилган булади. Корхона олган шартномада курсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Кредит аник объектга ишлаб чикариш харажатларига, ишлаб чикариш захираларига тайёр махсулотга, жунатилган товарларга, хисоб-китоб хужжатларига берилади.

Бозор иктисдоети шароитида кредитнинг юкорида келтирилган тамойиллардан ташкари, кредитдан окилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлигини тамойилидир.

Бу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соха, тармок, корхона канча самрадаорликка эришишини ифодалаш зарур. Бозор иктисодиети шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойихаларнинг бажарилишига юналтирилган булади.

Кредитнинг самарадорлигини таъминлаш максадида гарб мамлакатлари амалиётида кредитлаштиришнинг бир учун янги коидаси кулланилади. Бу коида кредитлашда «5 С лар коидаси» деб юритилади. 5 С лар коидасига асосан хар бир С буйича корхонанинг фаолияти тахлил килиб чикилади ва корхона фаолияти талабга жавоб берсагина корхонага кредит берилади.Улар куйидагилар:

**Сарастер** – карз олувчининг характерини бахолаш, бозордаги обруси.

**Сараситй** – карз олувчининг бошлаган ишни охирига етказа олиш, тегишли даромад олиш, хамда банк кредитларини кайтариб бериш кобилияти.

**Саритал -** карз олувчининг сармоясининг етарлилиги.

**Сондитионс** – шартлар, бу бизнеснинг ривожланиши назарда тутилади

**Солатерал** – гаров (кафолат, сугурта полиси, товар

Жамиятнинг турли-туман эхтиежларини тухтовсиз молия Билан таъминлаш максадида давлат уз харажатларини коплаш учун хужалик структураларининг эркин молия ресурсларини ва ахолии маблагларини жалб этиши мумкин. Уларни олиш, асосан,давлат кредити хисобланади.Мамлакат ичкарисида давлат кредити операцияларини амалга ошириш пайтида давлат, одатда, маблагларни карзга олувчи, ахолии,корхона ва ташкилотлар эса кредиторлар хисобланади. Халкаро иктисодий муносабатлар сохасида давлат хам карз олувчи, хам кредитор олида чикади.

Давлат кредитининг узига хослиги карзга бериладиган маблагларнинг кайтарувчанлиги,ошигичлиги ва туловлилигидан иборат.Бирок, бу муносабатларни банк кредити Билан аралаштирмаслик керак,ссуда жамгармасидан корхона ва ташкилотларга кенгайтирилган кайта ишлаб чикариш ту3хтовсиз жараени ва унинг самарадорлигини таъминлаш максадида кредит беришда фойдаланилади. Кредитларни хусусий шахслар хам олишлари мумкин. Кредит ресурслардан капитал сифатида фодйланиш кушимча махсулотларнинг хисобланадиган кийматини ошириш хисобига кредит узиш ва фоизларни тулаш учун шароитлар яратади.

Давлат кредити ялпи ижтимоий махсулот кийматининг такрорий таксимлаш муносабатлари ва миллий бойликнинг кисмини ифодалайди. Давлат кредити муносабатлари сохаси дастлабки таксимлаш боскичида шакллантирилган бир кисмигина тушадиОдатда, уларга жорий истеъмол учун белгиланган ахолии, корхона ва ташкилотларнинг вактинчалик эркин пул маблаглари киради.Бирок, муайян шароитларда ахолии ва мехнат жамоалари онли равишда истеъмолчи чеклашлари мумкин. Бундай холларда давлат кредити манбаи булиб, жорий истеъмол еки корхоналарнинг зарурий ишлаб чикариш ехуд ижтимоий сарфларини молия билан маблаглар хизмат килади.

Давлат кредити **ички** ва **ташки** булиши мумкин. Давлат сарфларининг асосий кисми миллий валютада амалга оширилади, шунинг учун ички давлат кредити купрок ривожланади. Бирок, мехнатнинг кенг халкаро таксимоти, технологиялар ва илмий-техник гоялар билан узаро алмашиш, чет Эл давлатларига молиявий ердам курсатиш-буларнинг хаммаси халкаро давлат кредитининг жадал ривожланишини шартлайди. Давлат кредити муносабатлари тизимига, шунингдек, шартли давлат кредити

киритилиб, бунда давлат чет эллик карз олувчилар,жамиятнинг махаллий идоралари,давлат бирлашмалари, ва хоказоларга бериладиган кредитлар буйича кафил ролида чикади.

Давлат кредити кимматли когозлар эгалари ва жамгарма банклари омонатларида пул даромадларини ошириш манбаи хисобланади (давлат заемлари ва омонатлари буйича фоизлар ва ютукларни тулаш йули билан). Халкаро давлат кредити маблагларни олувчи мамлакат учун унинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш, молиявий ахволини мустахкамлаш буйича имкониятларини кенгайтириш манбаи хисобланади. Бирок, давлат кредитининг молиявий ахволини белгилаган пайтда, унинг ердамида давлат сафарбар этадиган маблаглар олдиндан олинган соликлар деб хисобланади.

## Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. **Кредит тушунчаси**
2. **Кредит турлари**
3. **Кредит функциялари**
4. **Кредит туловлари**
5. **Хадкаро кредит**
6. **Давлат кредитининг мохияти**
7. **Давлат кредитининг булиниши**
8. **Махаллий бюджетлар**

## *5-МАЪРУЗА:* **Молияни бошкариш. Молиявий бахолаш.**

Р Е Ж А :

4.1 Молияни бошкаришнинг мохияти, максади ва вазифалари.
4.2. Молияни бошкариш тизимининг ташкил килиш.
4.3. Узбекистон Республикасида молия сиёсатини юритиш масалалари.
4.4. Молияни бошкаришда автоматлаштирилган тизимини мохияти.
4.5. Молиявий назоратнинг мохияти ва функциялари.
4.6. Молиявий назоратнинг тизими ва тамойиллари.

Адабиётлар: 1,2,56,78,34,23,12,34.

Таянч иборалар:молия,бошкариш,сиесат,автоматлаштириш,тезкор, режалаштириш, бюджет камомади, молиявий назорат, молиявий назоратнинг усуллари.

Бошкариш, аник бир натижага эришиш учун бирор объектга максадли – таъсир этиш методи ва усулларининг мажмуасидир. Бошкариш инсон фаолиятининг барча сохаларига хосдир, шу жумладан молиявий сохага хам хосдир. Инсоннинг онгли ва максадга мувофик фаолияти сингари, бошкариш жамият ривожланишининг объектив конунчиликни билишга асосланган, шунинг билан бирга бошкаришга давлат тегишли бошкаруви структураси сифатида катта таъсир курсатади.

Бошкарув фаолиятининг мухим сохаси булиб молияни бошкариш хисобланади. Уни алохида метод ва усуллар, шу жумладан турли хил рагбатлар ва жамгармалар ёрдамида махсус аппаратни амалга оширади. Бошкариш санъати олдига куйилган масалаларни тезрок ечиш максадида кулланилаётган методлардан окилона фойдаланиш оркали энг самарали методни танлашдан иборат. Хар кандай бошкарилаётган тизим сингари, молияни бошкаришда хам бошкариш объектлари ва субъектларига ажратилади. Объектлар сифатида турли хил молиявий муносабатлар чикади, субъектлар сифатида эса уша бошкаришни амалга ошираётган ташкилий тизилмаларга айтилади.

Молиявий алокаларнинг сохалари буйича туркумланишга мувофик, объектлар 3 турга булинади, яъни корхоналар (ташкилотлар) молияси, сугурта алокалари ва давлат молияси. Уларга куйидаги бошкариш субъектлари тегишли: корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) молия (булими) хизмати, сугурта органлари молия органлари ва солик инспекцилари. Молияни бошкаришни амалга ошираётган барча ташкилий тузилмалар мажмуи, молиявий аппарат дейилади.

Режалаш молияни бошкариш тизимида мухим урин эгаллайди. Айнан режалаштириш вактида кайси хужалик субъекти бумасин албатта уининг молиявий холатини хар томонлама бахолайди, молиявий ресурсларни купайтириш, имкон даражада улардан янада самарали фойдаланишини курсатади. Режалаштириш жараёнида бошкариш карорлари молиявий маълумотларни тахлил килиш асосида кабул килинади ва бу маълумотлар тулик ва аник булиши лозим. Аник ва уз вактида олинган маълумотлар хар томонлама асосланган карорларни кабул килишни амалга оширади. Молиявий маълумотлар бухгалтерлик, статистик ва тезкор хисоблардан олинади. Тезкор бошкарувни ишлаб чикилаётган комплекс чораларни, тезкор тахлил килиш асосида кайта таксимлаш ёрдамида минимал харажат килиб максимал самара олиш максадини уз ичига олади.

Назорат-бошкариш элементи сифатида режалаштириш жараёнида хам ва тезкор бошкариш боскичда хам амалга оширилади. У молиявий ресурслардан фойдаланишдаги хакикатдаги маълумотларни режалаштиришдаги натижалар билан солиштириш, молиявий ресурсларнинг усиш захираларини аниклашга, эгалик килишнинг янада самарали усулларини аниклаш имкониятини беради. Молиявий бошкаришнинг стратегик ва тезкор бошкариш турларини фарклаш мумкин.

Стратегик бошкариш келажак учун башорат килиш оркали молиявий ресурсларни аниклаш, максадли дастурларни амалга оширишда молиявий ресурслар хажмини белгилашда намоён булади. У давлат ва иктисодий бошкариш органлари оркали амалга оширилади: Олий Мажлис, Президент Девони. Молия вазирлиги, бюджетдан ташкари фондлар директцияси, сугурта ташкилотлари, корхоналар ва ташкилотлар молия булимлари.

Молияни бошкаришда илмий ёндашиш уни стратегик ёки тезкор бошкаришдан катъий назар, улар молиявий алокаларнинг хар бир сохасида, хар бир звеносида бошкариш купкиррали характери ва тизимли ёндашиш аниклайди. Юридик конунларни, молиявий башорат ва режа карорларини расмийлаштириш характерига эга булган молиявий бошкариш ечимларни ишлаб чикиш: иктисодий ва юридик конунлар талабларини; нафакат утган хужалик даврининг иктисодий тахлил натижаларини, балки истикболларини; молияни бошкаришда иктисодий математик усуллар ва автоматлаштирилган тизимлар; иктисодий ва бошкариш методларининг окилона уйгунлаштирилишини хам хисобга олади. Бозор иктисодиётининг барпо булиши ва ривожланиши шароитида молияни бошкариш куйидагиларни талаб килади: молия буйича бошкариш карорларининг илмий асосланишини кучайтириш, илгари кам кулланилган методларни амалга ошириш ва бошкалар. Бундай шароитларда Шаркий Европа мамлакатлари, яъни бозор иктисодиётига утган, куп йиллар ижтимоий аникланган бозор хужалигида яшаб келувчи иктисоди ривожланган капиталистик мамлакатлар тажрибаларини инобатга олсак булади.

Бизнинг мамлакатимизда узок вакт мобайнида таъсир этишнинг эски усуллари кулланилиб келинди, бу эса уз навбатида керакли самарага эришиш имконини бермас эди. Бошкариш тизимининг амалда кулланилаётган маъмурий буйрукбозлик усули янги молиявий воситаларни ишлаб чикиш ва уларни амалга тадбик этишни, амалдаги молия воситаларининг янги узок муддатли нормативларни кечиктиришига олиб келади (аммортизация ажратмалари нормалари, ижтимоий сугурта ажратмалари нормалари ва бошкалар).

Утган даврнинг ижобий тажрибаларини хисобга олмаслик молияни ривожлантириш ва уни бошкаришга салбий таъсир курсатади. Бюджетга хужалик туловларининг солик формаларидан суст фойдаланилди: давлат кредит формалари ривожлантирилмади; бюджет субвенциялар (максадли дотациялар)ни куллашдан воз кечилди ва х .к. Шу ва шунга ухшаш сабаблар натижасида молияни роли бир мунча пасайди.

Шундай килиб, молиявий бошкарувнинг асосий методлари режалаш, башорат килиш, соликка тортиш уз-узини молиялаш уларни ажратиш, хисоблар тизими, аммортизация ажратмалари тизими, рагбатлантириш масалалари, молиявий, санкциялари тизими кабиларни келтириш мумкин. оширилиши мумкин. Бунда соликлар тизими бевосита, умум давлат ва махаллий соликларнинг турларини уз ичига олиши мумкин. Хар бир солик эса узининг алохида, солик конунчилиги ривожи билан боглик холда узгариб турадиган соликка тортиш объекти ва субъектлари, ставкалари, имтиёзлари ва бошка элементларга эга.

**Молияни бошкариш** давлат томонидан молия механизмини амалда куллаш билан богликлик максадларни кузда тутувчи фаолият махсус ташкилий тизимлар оркали амалга оширилади. Бу барча элементлар давлат органлари, жисмоний ва хукукий шахсларнинг кундалик фаолиятидан молиявий сиёсат вазифаларини куйидагича таърифлаш мумкин:

**1)** мумкин кадар купрок молиявий ресурслар шаклланиши учун шарт–шароитлар яратиб бериш;

**2)** молиявий ресурсларни, давлат манфаатларига мос холда окилона таксимлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

Иктисодий-ижтимоий жараёнларни бошкариш хамда рагбатлантириш молиявий усуллар ёрдамида ташкил этиш; молия механизми ва унинг ривожи стратегиясининг максад ва вазифалари узгаришига мослаб ишлаб чикариш; молияни бошкаришнинг самаравий ва амалий ишлар учун кенг имконият яратувчи тизимини ташкил этиш.

Молия оператив бошкаришни молия аппарати оркали амалга оширади. Давлат молиявий фаолиятни халк хужалигини хамма тармокларида баробарлик килади. Айнан молия аппарти оператив молиявий режалаштириш ва анализ, назорат ва тартибга солиш, молия режаларини ишлаб чикилиши ва бажарилиши каби масалаларни бажаради.

Молияни бошкариш корхоналарда ва халк хужалик тармокларида корхона, ташкилот, муассасалар, молия булимлари хамда сакланиб колинган идоралар молия бошкармалари ва булинмалари томонидан амалга оширилади.

Молияни бошкаришни тугри ташкил килиниши уларни биринчи даражада сарфланишида катта ахамиятга эгадир. Молияни оператив бошкаришдаги самара, бошкариш субъектлари ишлари молия органлари, хужалик инспекциялари, сугурта структуралари ва халк хужалиги тармокларидаги молия булинмалари аппаратлари кай даражада ташкил килинганлигига боглик. Молия аппаратини ташкилий даражаси юкори булиши лозим. Бу молия структураларидаги хамма хизматчиларни малакаси юкори булиши ва ишдан хабардор булишини талаб килади.

Молияни умумий бошкаришни бир булаги булиб бошкаришни автоматлаштирилган тизими АСУ хисобланади. Электрон хисоблаш машиналари ва иктисодий математик методлардан фойдаланишга асосланган яъни бошкаришдаги кайта куриш БАС дан кенг фойдаланиш имконини беради ва хар хир даражада молияни бошкаришдаги кабул килинаётган карорларни сифатини ошириш имконини яратади. Лекин БАС амалда фойдаланилаётган молияни бошкариш системаси билан бир каторда балки унинг органик бир булаги сифатида юзага келади.

Молия буйича бошкариш карорларни кабул килишда бошкарилаётган объект хакида, унинг ривожланиш тенденциялари, кабул килинаётган карорларни объектнинг келажакда ривожланишига таъсири хакида тулик маълумотларга эга булиш зарурдир.

Хужаликнинг хилма - хил формаларига, товар ишлаб чикарувчилар мусобакасига асосланган бозор иктисодиёти, молияни ривожланган тизимида иктисодий ва молиявий маълумотлар усишини вужудга келтиради, бу эса информатика сохасида маълумотлар йигиш, саклашни ташкил килиш ва уни кайта ишлаш тизими сингари илмий техник тараккиёт ютукларига эришишда тушунмокни талаб этади. Молияни омил корлик билан бошкаришда, молия орган-ходимларини молияни бошкариш (АСУФ), молиявий хисоб-китоблар автоматлаштирилган тизимларини (АСФР), куллашга асосланган информацион хизматлардан фойдаланмасликлари мумкин эмас. Буларни яратишда молиявий кибернетика теоретик холатлари молияни бошкариш хакида таълимотлар, бошкарувчи ва бошкарилувчи тизилмалар оркали молия-иктисод маълумотларни алмашишини ташкил килиш каби масалалар кулланилади.

Молияни автоматлаштирилган бошкариш тизими – бу электрон хисоблаш техникаси, оргтехника ва замонавий алока воситаларини иктисодий ва математик методлар йигиндисидир. У маълумотларни йигиш, кайта ишлаб умумдавлат

автоматлаштирилган тизимининг сифатида хисоб-китоб, режалаштириш ва халк хужалигини бошкариш юзага келади.

Бошкаришни автоматлаштирилган тизими иктисодни ва молияни бошкаришни такомиллаштиришда янги кадамдир. Уларни ишлаш самарасини ошириш учун, замонавий компьютер техникасини ташкил этиш билан чора кабул килинмокда.

Давлат молия органларининг иш сифатини ошириш жуда мухимдир. Бунинг учун молия, солик ва божхона органлари аппаратининг малакасини ошириш, давлат хазинаси тузалмаларини жорий этиш, молиявий бошкариш консултацион ишлар сохасидаги функцияларни кенггайтириш тадбирлари кузда тутилган.

Молиявий назорат иктисодий категория сифатидаги молияга объектив равишда хос булган назорат килиш хусусиятининг амалда куринишидир.

**Молиявий назорат** одатда <u>икки аспект асосида</u> куриб чикилади:

Молиявий конунчиликка риоя килиниши ва барча иктисодий субъектларнинг молиявий интизом устидан назорат килувчи махсус органларни катъий белгиланган фаолияти сифатида;

Молиявий операцияларнинг максадга мувофиклиги ва самарадорлигини таъминлаш максадида маблагларни ва пул окимларини макро ва микро даражада бошкаришнинг ажралмас элементи сифатида;

Назоратнинг мазкур икки аспекти узаро боглик, аммо максади, методлари назорат субъектлари жихатидан фаркланади. Биринчи холатда молиявий назоратнинг тахлилий алохида эътибор берилади. Иктисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда молиявий назорат узаро таъсир этувчи. Аммо алохида сохага булинади: давлат ва нодавлат молиявий назорат.

Давлатнинг асосий конунлари коидаларига асосланган хокимият ва бошкарувнинг аник органлари иктисодий-хукукий фаолиятининг комплекс ва максадли тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакат конституцияси хал этувчи уринни эгаллайди. Назоратнинг хукукий регламенти давлатнинг тури, унинг ижтимоий – сиёсий йуналиши, иктисодий ривожи даражаси, мулк шаклларининг узаро нисбатига боглик.

Давлатнинг молиявий назорати ялпи махсулот таксимотининг микдорий пропорциясини кузатиш учун сафарбар килинади. У давлат ресурсларининг шаклланиши билан боглик булган хар кандай пул ресурслари харакатининг барча каналларида жорий этилади, уларнинг туликлиги, уз вактида етиб келиши ва максадга мувофик ишлатилишини назорат килади.

Ички (фирма ичидаги, корпоратив)хамда ташки (аудиторлик) назоратга булинади. Назоратнинг давлат ва нодавлат турлари, методларининг ухшаш булишига карамай, уз охирги максадлари жихатидан фикрланади. Давлат назоратининг асосий максади – давлат хазиналсига келиб тушувчи ресурсларни иложи борича купайтириш ва бошкарувнинг давлат харажатларини имкон кадар камайтиришдир, нодавлат назоратнинг (асосан, фирма ичидаги назоратнинг) максади эса аксинча узининг давлат хисобига утказадиган чегирмалари ва бошка харажатлар микдорини иложи борича камайтириш йули билан сарфланган сармоядан олинадиган даромад меъёрини купайтириш.

Шу билан бир вактда иккала соха амалдаги конунларнинг хукукий доираси билан чегараланган.

Гарбнинг ривожланган мамлакатларидаги молиявий назорат тизими асосан бир турда булиб, куйидаги элементларни уз ичига олади.

-бевосита олий мажлис ёки президентга буйсунувчи бош тафтишга аудитор (хисоб палатаси) муассасаси. Ушбу муассасанинг асосий максади – давлат маблагларининг сарфланиши устидан умумий назоратни амалга ошириш;

-Президент, хукумат ёки Молия Вазирлигига буйсунувчи солик муассасаси у солик даромадларининг хазинага келиб тушишини назорат этади;

-давлат муассасалари таркибидаги назорат тузилмалари, улар буйсунувчи идораларнинг текшируви ва тафтишини амалга оширади;

- нодавлат назорат хизмати, улар хисобот хужжатларининг хакконийлиги ва молиявий операциялар конунийлигини тижорат асосида текширади;

- ички назорат хизмати, унинг асосий вазифаси харажатларни камайтириш, молиявий окимларни оптималлаштириш ва даромадни купайтириш.

Дунё хамжамияти куп йиллик тажриба асосида давлат молиявий назоратининг ташкил этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чикди. Хозирги замондаги цивилизациялашган хар бир давлат уларни амалга оширишга харакат килади.

Ушбу тамойиллар ИНТОСАИнинг Лима декларациясида баён этиладиган.

Уларга мустакиллик ва объективлик, ваколатлилик ва ошкорлик каби универсал тамойиллар киради.

Назоратнинг мустакиллиги назорат органнинг молиявий мустакиллиги, назорат органлари рахбарлари ваколатларининг парламент ваколати муддатларидан узунлиги, шунингдек конституцион характер билан таъминланиши керак. Объективлик ва ваколатлилик деганда назоратчиларнинг амалдаги конунларга катъий белгиланган стандартлар асосида ишларининг юкори касбий даражаси кузда тутилади.

Ушбу асосий тамойиллардан амалий характерга эга булган бошка тамойиллар келиб чикади, хусусан:

- назоратчилар томонидан такдим этилаётган талабларнинг аниклиги ва мантикийлиги;

- назорат субъектларининг виждонлиги (сотилмаслиги);

- текширув ва тафтиш далолатномаларидан келтирилган ахборотларнинг асослигини ва исботланганлиги; привентлик (юз бериш мумкин булган молиявий тартиб-бузишларнинг олди олиниши);

- молия жиноят содир этилишида гумон килинаётган шахсларнинг (судгача) айбсизлик презумпцияси;

- турли хил назорат органлари харакатларининг келишилганлиги ва бошкалар давлат молиявий назоратининг асосий методлари – комплекс тафтишлар ва тематик текширувлар хисобланади. ,

Тафтиш ва текширувлар утказиш усуллари назоратчилари юборган муассаса улар олдига куйилган вазифаларга богликдир. Агарда тафтиш молиявий операциялар утказишининг конунийлиги ва тугрилигини хамда молиявий ахборотларнинг хакконийлигини назорат килишни кузда тутса, текширув молиявий режалаштириш ва ишлатишнинг барча боскичларида молиявий ресурсларни бошкариш сифати устидан назорат килишни ва амалга оширилган молиявий операцияларнинг самарадорлигини ва максадга мувофиклигини бахолашни кузда тутади.

1.Назоратнинг самарадорлиги давлат назоратчилари ва мустакил аудиторларнинг касбий даражасигагина боглик булмай, тафтиш ва текширувлар ренгламентига хам богликдир.

Молиявий тафтишлар утказиш тартиби ва кетма-кетлиги бухгалтерлик хисоб стандартларига асосланади. Комплекс тафтиш утказишнинг кабул килинган умумий регламенти назорат органларининг куйидаги боскичма боскич фаолиятини уз ичига олади:

**1)**товар-материал мулк, тугалланмаган ишлаб чикариш (курилиш), яримфабрикат, офис ва бошка асбоб-ускуналар, пул маблаглари ва хисоб китоблар мавжудлиги ва бутунлигининг инвеетаризацияси:

**2)**хужжатларнинг тугри расмийлаштирилганлигининг визуал текшируви, реквизитлар тулдирилишининг туликлиги ва хакконийлиги; текширувга таким этилган хужатларнинг тасдиканган меъёрларига мувофикиги; сифатсиз (хужжатларни аникаш ) якунларнинг арифметик хисоб-китоби;

**3)** хужжатларда молиявий- хуалик операцияларининг тулик ва хакконий акс эттирилишини текшириш. Дастлабки кайдлар буйича таксировка (микдорий сумма маълумотларининг текшируви) ва котировка (бухгалтерия хисоблар кореспонденцияси тугрилигининг текшируви) утказилади. Шунингдек, хисоб-китоб регистрлар; ишлаб чикиш жадваллари, ордер – журналлар, бош китоб ва шу кабилардаги бухгалтерлик кайдларнинг тугрилигини ва туликлиги текширилади;

**4)** хисоб-китоб курсаткичларини (иш хаки, соликлар, амортизацион суммалар, резервлар, кредит учун фоизлар ва шу кабилар) хисоблаб чикилишининг тугрилигини текшриш;

**5)** мамлакат конунларида кузда тутилган бухгалтерлик, молиявий, солик, статистик, сугурта, кредит ва бошка хисоботлар шаклланиши тугрилигини текшириш;

Назоратнинг бошка шакллари, масалан тематик-хужжат текширувлари, тегишли назорат муассаса ёки фирма рахбари (ички назорат утказилаётганда) белгиланган регламент асосида утказилади.

Молиявий назоратнинг самарадорлигини шунингдек молиявий тартиббузарликларга нисбатан кулланиладиган жазо чоралари хам боглик булади.

Жахон амалиётида молиявий назоратнинг иккита шаклланган модели мавжуд.

**Инглиз** саксон модели тарафдори булган мамлакатларда назорат органларининг фаолияти текширув (тафтиш) тугрисида хисобот тайёрлаш билан чегераланади. Молиявий тартиббузарликлар учун жазо чораларини куллаш тугрисидаги масала маъмурий ва суд органлари томонидан куриб чикилади.

**Француз** модели тарафдори булган мамлакатларда назорат органлари баъзи функцияларини хам бажаради: улар шахсларнинг молиявий тартиббузарликлардаги айбдорлик даражасини аниклаш, молиявий зарар урнини коплашни талаб килишга хаклидир.

Молиявий назорат утказишнинг шакл ва методлари турличадир. Назорат шаклларини куйидаги мезонлар буйича классификация килиш кабул килинган:

**1.** Амалга ошириш регламенти буйича мажбурий (ташки) ташаббускор (ички) амалга ошириш вакти буйича аввалги, жорий (тезкор) кейинги.

**2.** Назорат субъектлари буйича Президент назорати, хокимият конун чикарувчи ва махаллий узини-узи бошкариш органлари назорати, хокимият ижроия органлари назорати, молия-кредит органларри назорати, аудиторлик назорати.

**3.** Назорат объектлари буйича бюджет назорати, нобюджет фондлари, устидан назорат, солик валюта, кредит, сугурта, инвестициявий назорат, пул массаси устидан назорат.

текширувлар;
курикдан утказиш;
назорат;
молиявий холат тахлили;
тафтишлар.

Жисмоний юридик шахсларнинг молиявий фаолияти устидан мажбурий назорат конун асосида амалга оширилади. Бу масалан, солик текширувлари, бюджет ресурсларининг максадга мувофик ишлатилиш устидан назорат, корхона ва ташкилотларнинг молиявий бухгалтерлик хисоботлари маълумотларининг аудиторлар томонидан мажбурий тасдикланишига тегишли булиб, асосан ташки, мустакил назоратчилар томонидан амалга оширилади.

Ташаббускорлик (ички) назорат молиявий конунлардан келиб чикмайди, аммо молия бошкарувининг ажралмас кисми булиб, тадкик стратегик максадларга эришиш учун амалга оширилади.

Аввалги молиявий назорат молиявий операцияларни амалга оширишда аввал утказилади ва молиявий тартиббузарликларнинг олдини олишда мухим ахамият касб етади. Унда маблагларнинг бебарака ва самарасиз сарфланишининг олдини олиш учун харажатларнинг молиявий асосланиши бахоланади.

Макро даражадаги бундай назоратга мисол килиб мамлакат иктисодиёти ривожи, макроиктисодий курсаткичлари, истикболи асосида барча даражадаги бюджетларни ва нобюджет фондларининг молиявий режалар ва сметалар кредит ва хазина (касса) талабномалари, бизнес режаларнинг молиявий булимлари ишлаб чикиш, истикболли балансларни кушма фаолият тугрисида шартномаларни тузиш ва бошкалардир.

Жорий (тезкор) молиявий назорат пулли битимлар, молиявий операциялар, карз (ссуда) ва субсидия (ёрдам пули) берилаётган вактида амалга оширилади. У маблагларни олиш ва сарфлашда содир булиши мумкин булган тартиббузарларнинг олдини олади: молиявий интизомга риоя килинишига ва пул хисоб-китобларининг уз вактида амалга оширилишига кумаклашади. Бухгалтерлик хизматлар бу ерда катта рол уйнайди.

Текширувлар утказиш жараёнида хисобот хужжатлари ва харажат хужжатлари асосида молиявий фаолиятнинг айрим масалалари куриб чикилади ва аникланган тартиббузарликларни бартараф этиш буйича чоралар белгиланади.

Курикдан утказиш текширувдан фаркли уларов курикдан утказилаётган спектрини камраб олади ва унинг молиявий холатини хамда ривожланиши истикболини аниклайди.

Назорат у ёки бу молиявий фаолият юритиш учун литсензия олган иктисодий субъектлар устидан назорат органлари томонидан амалга оширилади ва уларнинг белгиланган коида ва меъёрларга риоя килишларини текшириш кузда тутилади.

Молиявий холатнинг тахлили молиявий назоратнинг бир тури булиб, молиявий фаолият натижаларига ва унинг кувватига уз самарасига эга булиш ва ундан самарали фойдаланишига умумий бахо бериш максадида даврий ва йиллик молиявий бухгалтерлик хисоботни батафсил урганишни кузда тутади.

Кузатув (маниторинг) кредит ташкилотлари томонидан берилган карзнинг сарфланиши ва мижоз корхонанинг молиявий холати устидан доимий назоратидир, олинган карзнинг самарасиз сарфланиши ва мижоз кувватининг пасайиши карз бериш шартларининг катъийлашувига, карзнинг муддатдан аввал кайтариб берилишини талаб этилишига олиб келаши мумкин.

Тафтиш молиявий назоратнинг энг чукур ва кенг камравли методидир. Бу иктисодий субъект молиявий-хужалик фаолиятининг конунийлиги, тугрилиги, максадга мувофиклиги, самарадорлилигини текшириш максадида амалга оширилади.

Ревизиялар турли хил булади:

- тулик ва кисман;
- комплекс ва тематик;
- режадаги ва режадан ташкаридаги.

Тафтишлар бошкарув органлари томонидан узларига карашли корхона муассасаларда, шунингдек назоратнинг турли хил давлат ва нодавлат органлари томонидан утказилади. (УзРес Молия вазирлиги молиявий назорат ва аудит департаменти томонидан, казначейство, Марказий банки, аудиторлик хизматлари томонидан).

Тафтиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Унинг асосида тартиббузишларни бартараф этиш, моддий зарар урнини коплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш буйича чоралар курилади.

**Уз-узини назорат килиш саволлари**:

1. **Молиявий бошкарувни кандай усуллари мавжуд?**
2. **Молияни бошкарувни объектини таърифланг?**
3. **Молияни бошкарув субъектлари – ким?**
4. **Молияни бошкариш тизими нималардан иборат?**
5. **Кандай молиявий назоратни хусусиятларини биласиз?**
6. **Молиявий назорат нечта аспект оркали куриб чикилади?**
7. **Молиявий назорат кандай тамойилларини биласиз?**
8. **Молиявий назоратни кандай шакллари мавжуд?**
9. **Молиявий назоратни кандай усуллари мавжуд?**
10. **Молиявий назоратни кандай моделлари мавжуд?**

*6-МАЪРУЗА:* **Солик ва соликка тортиш. Сугурта.**

**РЕЖА:**

6.1 Соликларнинг мохияти ва белгилари.
6.2. Соликларнинг объектив зарурлиги.
6.3. Соликларнинг функциялари.
6.4. Сугуртанинг келиб чикиши ва мохияти.
6.5. Сугурта турларининг таснифи.
6.6. Сугурта компаниялари
6.7. Полис шартномаси, унинг мохияти.

Адабиетлар:1,2,4,56,76,59,92

Таянч иборалар: соликка тортиш, функция, солик муносабатлари, солик туловчи, солик механизми, сугурта, полис, шартнома, агент, хисобот, инвестиция, аспект, резерв.

Юридик шахсларнинг барчаси ва жисмоний шахсларнинг аксарият кисми, бир томондан у еки бу соликларни туловчилар ва улардан фойдаланувчилар сифатида, бошка бирлари эса, факат давлат ва махаллий бюджетлар харажатларидан фойдалаланувчилар сифатида соликлар Билан бевосита богланган. Демак, юридик ва жисмоний шахслар нафакат солик туловчилар, колаверса, солик тушумларидан фойдаланувчилар хам булиб хисобланадилар. Шу сабабли хам, факатгина соликларнинг мохияти ва унинг мамлакат ижтимоий-иктисодий хаетидаги урнини булган солик туловчигина соликларни уз вактида ват улик хажмда тулашни амалга оширадилар. Акс холда соликларни яшириш, уларни тулашдан буйин товлаш еки уларни уз вактида ва Тула микдорда туламаслик холатлари келиб чикади. Бу эса хар бир мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига узининг салбий таъсирини курсатади. Шунинг учун хам солик туловчилар соликлар борасида керакли билим ва малакага эга булишлари шарт. Бу эса булажак иктисодчилардан ва колаверса, барча солик туловчилардан соликлар ва соликка тортиш борасида етарли билимга эга булишликни талаб килади.

Соликлар хар бир мамлакат, айникса бозор иктисодиетига асосланган мамлакатлар иктисодиетига бенихоя ката роль уйнайди, улар куйидаги масалаларнинг ижобий хал килинишига хизмат килади:

- махсулот ишлаб чикаришнинг хажмини оширишга ва унинг сифатини яхшилашга;
- чет эл инвестициясини мамлакат иктисодиетига жалб кили шва улардан унумли фойдаланиш;
- мамлакатнинг экспорт салохиятини оширишга;
- кичик ва урта тадбиркорликни ривожлантиришга ваш у кабилар.

Бозор иктисодиети конунларини урганиб чикиб, давлат ялпи ички махсулот кийматини солик оркали таксимлаш вазифасини уз зиммасига олади. Шундай экан

давлатнинг иктисодиетни бошкаришда бош роль уйнаши – Солик ва соликка тортиш асос хисобланади. Давлат солик муносабатларини такомиллаштириб, бозор иктисодиетини амалга оширишда етакчилик, бошкарувчилик ролини уйнайди.

**Соликларнинг мохияти** ва у билан боглик булган тартиб-коидалар солик доктринасида ифодаланади. Солик доктринаси-давлат кабул килган молиявий-иктисодий сиесат доирасида умумий база буладиган, солик конунчилигининг барча жорий узгаришларида уз кучини саклайдиган асосий тамойиллар, меъерлар ва коидаларнинг умумлашган ифодаси куринишида намоен булади.

**Солик доктринаси** давлат хокимияти томонидан баркарор ва узок вакт мобайнида химоя килиб бориладиган карашларда акс эттирилади ва куйидаги асосий масалаларни ижобий хал этишга имкон беради:

- соликларнинг мамлакат иктисодий-ижтимоий тизимидаги роли ва ахамиятини оширишда;
- соликларнинг мамлакат ялпи ички махсулоти хамда бюджет даромадларидаги салмогини купайтиришда;
- бевосита ва билвосита соликларнинг узаро нисбатан, миллий иктисодиетнинг тармоклари, ахолининг айрим катламлари учун соликларни ундиришнинг энг макбул усулларини белгилашда;
- соликка тортишнинг прогрессивлиги (регрессивлиги)ни таъминлашда;
- жамгармалар ва инвестицияларни рагбатлантиришда солик тартиблари, солик органларининг солик туловчилар фаолиятини назорат килиш шаклларини такомиллаштиришда ва хоказо.

Соликларнинг объектив зарурлиги давлатнинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши билан боглик булган вазифаларини бажариши учун етарли маблагларни таъминлаш зарурлигидан келиб чикади. Бозор иктисодиети шароитида хар бир хужалик юритувчи субъект эркин фаолият курсатади ва бутун фаолиятига узи жавоб беради, давлат уларнинг фаолиятига факат соликлар оркалигина аралашади.

Соликларнинг функциялари уларнинг мохиятини,амалиетда харакатини курсатади. Шундай экан, функция, соликнинг мохияти ни курсатиб туриши зарур. Бугун пайдо булиб, эртаа йук булиб кетадиган холатлар солик функцияси булла олмайди. Демак, соликларнинг функцияси доимий, катъий таркорланиб турадиган вокеаликни ифодалайди.

Соликларнинг куйидаги функциялари мавжуд: **фискал, рагбатлантириш,назорат, кайта таксимлаш .**

**Сугурталаш** – иктисодий муносабат булиб, уда энг камида икки томон иштирок этади.

<u>Биринчи томон</u> (субъект)- бу сугурта ташкилоти (Давлат Хиссадорлик жамияти, хусусий) булиб, уни сугурта килувчи деб атайди.

<u>Иккинчи томон</u> (субъект) ёки сугурта килдирувчи – хукукий ва жисмоний шахс хисобланади. У тула фукаролик лаёкатига эга булади, уз шахсий манфаатини ёки учинчи томонни манфаатини сугурталайди, бунинг учун у сугурта манфаатини (туловлар бадаллари) тулайди ва конун ёки сугурта шартномаси буйича сугурта холати (табиий офат, бахтсиз ходиса, одам йикилиб майб булганда ва бошкалар) юз

берганда сугурта килдирувчига зиён (иктисодий ёки унинг саломатига) етказилган пайтда сугурта кайтимини (тавон) олиш хукукига эга булади.

Биз сугурта хакида гапирар эканмиз яъни, сугурта формаси тарихида империя давриданок мавжуд булиб хар хил максдалар учун куллаш кузда тутилган. Уша даврдаги сугуртанинг илк куриниши дафн хатлари (васиятнома) кассасига хам ухшаб келади. Кейинчалик бундай коллегиялар юзага кела бошлади ва аъзолик бадали 100 сестерцийни ташкил килиб, ойлик бадал эса 5 сестерцийни килиб белигланган булган агар коллегия аъзосига зарар етганда маълум микдорда товон туланар эди.

Мабодо коллегия аъзоси вафот этса васиятномада курстилган меросхурга 3 сестерций туланарди. Бу пуллар кушим ва етим колган оилани химоялаш максадида берилади.

Сугурта суммасини олиш хукукини узини жонига касд килганда ёки булмаса, ойлик бадални уз вактида туламаган холларда бекор килинади.

Кадимги Римда харбий коллегиялар даврининг ажралиб турувчи гурухи хисобланар эди. Аъзолик бадали 750 динор келиб белгиланган (1 динор- 4 сестертсийга тенг булган). Бундай юкори бадал хар ойда туланиб турилган буларнинг эвазига коллегия куйидаги мажбуриятларни олган эди:

Хизмат жойда юкори лавозимга кутарилган пайтда 5 динор беради. Агар бошка регионга кучиб кетаётганда харажатларни коплаш учун 200 динор ажратилади.

Отда юрувчиларга хизмат муддати тугаганда 500 динор берарди. Ишдан интизовий равишда бушатилса, буни ярим суммаси берилади.

Мабодо вафот этган такдирда меросхурга ёки бошка дафн маросимларини буйнига олган кишига 500 динор берилган.

Биринчи сугурта бирлашмаси XYI асрда Исландияда пайдо булган . бунда ахоли ёнгиндан, уй хойвонларининг кирилиб кетиши натижасида иттифокларнинг хар бир коплаш учун иттифокларга бирлашганлар. Бу ходиса руй берса курилган зарарнинг бир кисми пул билан колган ускуналар билан ёки иш кучи билан копланарди. Лекин Исландия бирлашма иттифоклари узок, яшай олмади.

XYII аср охирига келиб Схветсия ва Германияда кишлок хужаликларининг мол куйларини сугурта киладиган ташкилот тузилди. Булар унча катта булмаган регионларда узаро муносабатдан келиб чиккан эди.

1710 йилда Лондонда биринчи катта сугурта ташкилоти «Сун – Фиер Оффесе»га асос солинган. Бу узининг тугридан тугри иш юритиши билан ажралиб турар эди.

XYIII аср бошларига келиб сугуртанинг 3 хил тури юзага келди.

Булар:

денгиз сугуртаси;

мол – куйларни сугурталаш;

ёнгиндан (факат кучмас мулк) сугурталаниш кабилардир.

Бу даврда Шотландия, Ирландия, Франтсия ва Германияда градабиддан сугурта килиш кенг таркалган эди. 1852 йилда 26 та сугурта ташкилотига асос солинган булиб, улар асосан градабиддан курилган зарарни коплаш билан банд булган.

1853 йилда факат 12 та сугурта ташкилоти колиб, уларнинг сугурта суммаси 300 миллиондан ошиб кетган эди. 1895 йилда Германияда 25 та хусусий узаро жамиятлари мавжуд булиб, улардан 5 таси актсионерлик ва сугуртаси узаро

жамиятлар эди. Улар томонидан сугурта килинган мулк суммаси 2,5 миллион мартага тенг булган. Шулардан жами градабития чугурта килиш 1/3 кисмни ташкил килар эди.

ХХ аср бошларига келиб бошка Европа давлатларида, Австрияда сугурта ташкилоти, Францияда 20 та, Италияда 16 та, Англияда 3 ва Россияда 2 та сугурта ташкилотлари фаолият олиб бора бошладилар.

Сугурта жамиятлари айрим нарсаларни сугурта килиш билан чекланибгина колмай, уз имкониятларини кенгайтириб борди. Мол-холларни сугурта килиш янада кенгрок юлга куйилган эди.

ХХ аср бошида купгина иктисодий ривожланган мамлакатлар мехнаткашларнинг сугурта килишни давлат тизими ташкил топа бошлади.

ХХ асрнинг 20 йилларида Австрия, Болгария, Швейцария 12 та хонада ишсизлик мажбурий сугурта килиш мавжуд эди.

Сугурта ташкилотлари муваффакиятли иш олиб бориш максадида маълум бир сугурталаш хизматларини амалга оширишга мослашиб боради, бунда сугурта турларининг таснифи биринчи даражали масала булиб хисобланади. Собик СССРда давлат сугурта жамиятининг аник тизими ташкил килинган булиб, чет эл амалиётидан бирмунча яхши йулга куйилган эди. Барча бажарилган операциялар, сугурта химоялаш объектлари, сугурта жавобгарлиги хажим ва химоялаш даражасига кура гурухларга ажратилган. Бундан ташкари сугурталаш икки хил амалга оширилган:

-мажбурий сугурта;

-ихтиёрий сугурта.

Мажбурий тартибда куйидагилар сугурта килинади:

-фукароларга тегишли булган мулкларни мажбурий сугуртаси (уй, курилишлар, чорва моллари);

-ижарага берилган курилишлар мажбурий сугуртаси;

-пассажирларни бахтсиз ходисалардан давлат мажбурий сугуртаси;

-солик назорати ходимларини давлат сохаларда ишловчи ходимларни мажбурий сугуртаси;

-инсон хаёти учун хавфли булган сохаларда ишловчи ходимларни мажбурий сугуртаси;

-фукароларни мажбурий тиббий сугуртаси.

Мулкий ва шахсий сугуртанинг бошка турлари ихтиёрий асосида амалга оширилади. Сугурта манфаатларини химоя килиш ихтиёрий сугурта буйича булиб, сугурта килинувчи олдида сугуртачини танлаш имкониятлари юзага келади.

Уларнинг муносабатлари эса сугурта шартномаси билан тартибга солиниб борилади.

Шуни хам айтиб утиш керакки, собик СССРда хаёт фаолиятини сугурталаш тор доирада булган ва бу уринда тадбиркорликнинг молиявий жихатлари тушириб колдирилган. Бундай таснифлаш тизими хозирги сугурта бозори талабларига жавоб бермайди. Турли хил куриншларида булган чет эл таснифлаш тамойиллари тахлил килинганда куйидагиларни учратиш мумкин, яъни сугурта объектларга кура куйидагилрга булинади:

-шахсий сугурта;

-мулкий сугурта;

-иктисодий рисклар (таваккаллар) сугуртаси;

-жавобгарлик сугуртаси.

Шахсий сугуртанинг объекти булиб, фукароларнинг хаёти ва соглиги хисобланади. Сугуртанинг бу тури айникса хаётни сугуртаси жамгарма характерга эга, яъни бунда фукаролик молиявий таъминоти амалга оширилади.

Мулкий сугуртанинг объектлари булиб товар-материал бойликлар ва сугурталанувчининг мулкий манфаатлари хисобланади.

Булардан ташкари бозор хужалигида махсус рисклар сугуртаси хам мавжуд улар куйидагилар:

-барча таваккалчиликлардан сугурта килиш (табии офатлардан);

-ёнгиндан сугурта килиш;

-денгиз ва авиация сугуртаси;

-фойдани бой беришдан сугурта килиш;

-янги техника ва технология буйича сугурта килиш;

-банк кредитларини карз олувчини (заёмчи) тулай олмаслик рисдан сугурта килиш;

-гаровли операцияларни сугурта килиш;

-биржа операцияларини сугурта килиш;

-экспорт кредитларини сугурта килиш;

-валюта курсини узгариб туришидан сугурталаш;

-транспорт воситалари ва йукларни сугуртаси.

Яна бир сугурталашнинг асосий турларидан хисобланган **тадибкорлик фаолиятини сугурталаш.** Сугуртанинг бу тури сугурталанувчини коплаш жавобгарлиги кузда тутилган.

Бундан ташкари **жавобгарликни сугурталаш** хам мавжуд. Жавобгарликни мулкий ва шахсий сугурталашнинг турлари куйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

Автотранспорт воситалари хайдовчиларининг учунчи шахс олдидаги жавобгарлиги, тадбиркорларни ёлланиб ишлайдиганлар олдидаги жавобгарлиги;

касб-хунар жавобгарликни сугурталаш.

Сугурталашнинг бу тури мижозларни врачлар, бухгалтерлар, адвокатлар, инженерларнинг хато харакатлари окибатида етказиладиган зарардан химоялаш;

махсулот сифатига жавобгарликни сугурталаш. Бу сугуртада махсулот ишлаб чикарувчиларнинг истеъмолчилар олдидаги жавобгарлиги.

Сугуртани коплаш жавобгарликни сугурталаш шартномасига биноан куйидаги холларда сугурта туланади сугурталанувчининг харакати окибатида учинчи шахс соглигига етказилган зарар;

мулкий зарар;

рухий зарарлар (хатолик билан камаш, хусусий мулкичлик хукукларини конуний бузилиши ва бошк.);

реклама натижасида етказилган зарар.

Бизнинг сугурталанувчиларимиз учун янги булган кайта сугурталашни алохида бир тур деб курсатиш мумкин.

Кайта сугурталашни ривожланмасдан туриб, сугурта бозори тулаконли ривожланади деб айтолмаймиз.

Хар доим хамма нарсада узгариш буганлиги сабабли, сугурталашни хам янги турлари вужудга келаверади. Шунинг учун сугурта турларини таснифлаш доимо кушимча ва узгартиришлар киритишга мухтож.

Сугурталаш жисмоний ва хукукий шахсларнинг муайян ходиса (сугурта холати) юз берган пайтда мулкий манфаатларни улар тула сугурта бадалларидан шакллантирилган пул жамгармалари хисобидан мухофазалаш борасидаги муносабатларни англатар экан. Бу боисдан сугурталаш ишларини амалга ошириш учун сугурта компаниялари юзага келиши ва фаолият юргизишни табиий хол булиб хисобланади.

Сугурталаш – иктисодий муносабат булиб, унда энг камида икки томон катнашади. Шу катнашувчилардан бири албатта сугурталовчи компания булиб хисобланади.

Сугурта компанияларини вужудга келиши ва ривожланиши, унга сугурта холатининг шаклланиши билан юзага келган. У компаниялар олдинига жамолардан иборат булган ва уларда шартнома кейинчалик шаклланган.

Сугурта компаниялари ёки ташкилотларининг шартнома каби бир канча юридик хужжатлар булиши керак ва шу хужжатлар оркали сугурталанувчини ва узини фаолиятини тартибга солиб боради.

У уз фаолиятини амалга ошириш мубайнида сугурта компаниялари ва ташкилотларини ишлари хам кузатиб ва тартибга солиб боради. Бозор иктисодиёти шароитида бу асосий омиллардан бири булиб хисобланади.

Сугурта килувчи ва сугурта килдирувчи сугуртали иктисодий муносабаларини амалга оширадилар. Бу фаолият шартнома асосида амалга оширилади ва тартибланиб туради. Жахон тажрибасида у полис деган ном билан юритилади.

Полис – сугурта шартномасининг тузилишини тасдикланиб сугурта килувчиларнинг сугурта килдирувчига сугурта холати ва берган шартнома шарти билан белгиланган пул кийматини (сугурта товони ёки кайтариш) тулаш мажбуриятини ифодалаган хужжатдир. У номли булиши ёки такдим этувчига берилиши мумкин.

У куйидагиларни уз ичига олади:

-сугурта шартномаси субъектларини номларини;

-сугурта манфаатларини белгиланиши;

-сугурта килувчи содир булиши билан сугурта килдирувчига товон тулашга мажбур булган сугурта холатини руйхатини;

-сугурта маблагларини микдори;

-субъектлар сугурта муносабатларининг бошланиши ва тугалланиши;

-товон тулаш муддати ва сугурта килувчининг уни бузланлиги учун жавобгарлигини уз ичига олади.

Корхоналар ва тадбирокрлик фаолияти тугрисида сугурта тугрисида хозирги амалда булган конунлар билан бир каторда сугурта ташкилотларининг улар фаолиятини тартибга солувчилар хисобланадилар.

Кимматбахо когозлар чикариш ва сотиш йули билан йигилган пул взнослари асосида очик акционерлик жамиятлари очилади. Бу сугурта капиталани жалб етиш учун айнан универсал форма хисобланади. Акционерлар сони кенгайиши билан молиявий ресурслар купайиб, сугурта килинувчиларнинг шахсий капитали ошишига,

молиявий мустакиллигига эришилади. Бу уз вактида уз зиммасига йирик харажатларини олиб, сугуртанинг перспектив турларини узлаштиришга имкон яратади.

Сугурта компаниясининг молиявий баркарорлиги хусусий капитал хажми билан белгиланади. Хусусий капитал устав фонди, резерв фонди, булинмаган фойда ва соф фойда хисобига юзага келган йигув фонди ва унинг асосий манбаи сифатида акционерларнинг акциялар умумий йигилиши карори билан купайиши ёки камайиши мумкин.

Янги тузилаётган сугурта компаниялари учун устав капиталининг минимал хажми утказиладиган операциялар турига боглик булиб, дифференциал холда аникланади. Конун буйича, туланмаган минимал хажми аввал устав талабларига нисбатан айтарли даражада ошган.

Хаётни сугурта килишдан бошка турдаги сугурта турлари 25 минг минимал иш хакидан кам булмаслиги керак.

Хаётни сугурта килиш ва бошка турдаги сугурталар микдори минг минимал иш хакидан кам булмаслиги керак.

Факатгина сугуртани кайта сугурта килиш 50 минг минимал иш хаки микдоридан кам булмаслиги керак.

Бундай коидалар сугуртта бозорида ракобатбардош булган компанияларнинг юзага келишига сабаб булади.

Сугурта захиралари сугуртадаги томонидан тузилган сугурта шартномасининг бажариш учун тузилган булиб, сугурта взносларидан ташкил топади, биринчи холда сугурта тулов учун ажратилади. Улар сугуртани фойдасини мажбуриятларидан келиб чиккан холда тузилади.

Конунга асосан сугуртадагининг асосий молиявий баркарорлигини туланган устав капитали ва сугурта резервлари, шунингдек сугуртани сугурта килиш тизими аниклаб беради.

Сугуртанинг сугурта захиралари сугурта килинувчилар билан белгиланган шартнома, иш вактига келиб бажарилмаган холда мажбуриятларини белгилаб беради.

Мажбуриятнинг хар бир тури тегишли сугурта резервлари техник резервлар дейилади ва улар сугурта килинувчи молиявий ахволини курсатиб берувчи курсаткичидир.

Махаллий сугурта килувчилар учун давлат томонидан сугурталари буйича техник резервларни ташкил этиш коидаси курсатилиб, унда сугурта ташкилотларининг спецификаси ва жавобгарлиги белгиланган.

Коида буйича куйидагича сугурта захиралари белгиланган ишлаб топилмаган мукофот захираси;

- булиб утган лекин курсатилмаган зарар захираси;

-зарарнинг узгарувчилик захираси.

Сугурта ташкилотининг молиявий сугурта компанияси баланси (форма №1) ва молиявий натижа ва улардан фойдаланиш хисоботи (2 сонли форма) асосида аникланади.

Балансда сугурта компаниясининг мол-мулкий, молиявий ахволи мажбуриятлари хакида маълумотлар бералида. Баланс активида асосий воситалар, номатериал активлар, материал бойликлар ва харажатлар, пул воситалари ва молиявий

куйилмалар курсатилади. Баланс пассивининг бир булими хусусий капитал структураси (ташкилотлар, взнослар ва сугуртанинг фойдасидан ташкил топган) курсатади.

Пассивнинг 2 ва 3 булимлари заём капитал яъни сугурта килувчиларнинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятларини акс эттиради. Мажбуриятлар таркибига сугурта захиралари, банк кредитлари, заём ва бошка воситалар келажакдаги харажатлар резерви ва туловлар, хисоб-китоб мажбуриятлари ва бошка кредиторлик карзлари белгиланади.

Шундай килиб, сугуртачиларга хар бир сугурта тури сугурта захираларидан ташкари уларнинг ишончлиги, гарантияси булиши керак.

Фойда - сугурта жамиятининг асосий молиявий фаолияти курсаткичи булиб, олинган фойда ва бир вакт ичида килинган харажатлар орасидаги фаркни курсатади. Сугуртачи фойда ва харажатлари таркиби ва структураси молиявий натижалар ва улардан фойдаланиш хисоботида курсатилади. Фойда, сугурта, кайта сугурта, инвестиция фаолиятидан, хар хил хизмат курсатиш, маслахатлар, сугурта бизнесида мутахассис тайёрлаш жараёнидан келиб чикади.

Сугурта компанияларининг хусусий воситалари микдорларининг етарлигича 2 хилда тулов кобилиятини белгилайди. Булар уз урнига куйилган сугурта захиралари борлиги ва тугри инвестиция сиёсатидир.

Сугурта бизнесида молиявий ресурслар сугурта хизмати спецификаси шундан иборатки хизмат учун олинган хак булади ва кушимча фойда олиш учун бирор бир иш учун инвестиция килиниши мумкин. Бундай юналиш гарбий сугурта компанияларининг инвестицион-тижорат фаолиятида кенг кулланилади, улар уз буш резервларини юкори ликвид ва фойда келтирувчи молиявий мажбуриятларга жойлаштириб, шу билан бирга инвестицион фондларни устириб, капиталлар бозорида уз урнини мустахкамлайдилар.

Сугурта эхтиетларини инвестициялаш.

Сугуртачиларнинг – сугурта захиралари ва бошка воситалари инвестициялаш хаки умумфукаролик ва сугурта конунчилигида белгилаб берилган. Сугурта захираларини жойлаштириш тан олинган жахон амалиетида тамойиллари буйича амалга оширилади.

Диверсификация тамойили инвестиция воситалари учун кенг доирадаги объектларини таклиф этади, бу уз вактида инвестицион хатарни камайтиради ва сугуртасининг инвестицион баркарорлигини таъминлайди.

**Кайтиб бериш тамойили** – активларни максимал даражада ишончли жойлаштириш ва уларнинг тулик хажмда кайтарилиши мажбуриятларини таъминлайди.

**Фойда келтириш тамойили** – инвестиция туланиши буйича доимий ва юкори фойда келтириш.

Инвестициялашган активларнинг тез ва номинал кийматидан кам булмаган **нархда колишини тамойили.**

Тариф ставкаларининг элементи – нагрузка булиб сугуртачиларнинг сугурта шартномасини тузиш ва олиб бориш буйича харажатлари: захира фондларига туловлар; сугурта компанияси хизматчилари ва сугурта брокерларига иш хак учун харажатлари уз ичига олади. Бундан ташкари сугурта операцияларини утказишдан

олинган фойда киритилади. Тарифдаги нагрузка кисми сугуртатачи томонидан мустакил куйилади. Коида буйича заёмни сугурта килишда нагрузканинг 5-10 % сугуртанинг бошка турлари буйича бу курсаткич 30-35 % ни ташкил этади.

Нетто ставкани коплаб ва тарифдаги нагрузка кисмини булиб, куйидаги формула буйича брутто-ставкани аниклаш мумкин:

Б – брутто-ставка, %

Б к - Н – нетто ставка

ф – брутто ставкадаги нагрузканинг огирлиги

Брутто-ставка ва нетто ставкани оптимал куринишини хисоблаш янаям мушкул булиб, факат тариф сиёсати ва актуар хисоблар буйича мутахассислар амалга оширадилар.

Тариф ставкасига киритилган фойда сугурта хизмати нархининг мустакил элементи сифатида чикади сугуртачи сугурта тарифида фоизда ёки накд пул белгиланган фойда кисмини узи белгилайди. Лекин фойда тариф курсатилмаслиги хам мумкин балки алохида булишлари иш натижаси булиб тузилиши мумкин.

Сугуртачи сугурта операцияларидан ташкари инвестицияси фаолиятида хам даромад оладилар. Бу уз урнида унинг молиявий ахволини мустахкамлайди.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Солик тушунчаси ,функциялари**
2. **Солик туловчилари, солик объекти ва субъекти.**
4. **Солик механизми, солик муносабатлари.**
6. **Кандай сугурта турлари мавжуд?**
7. **Полис, кандай шартнома?**
8. **Кандай сугурта резервлари кандай мавжуд?**
9. **Кандай сугурта ставкалари мавжуд?**
10. **Таснифи деганда нимани тушунасиз?**
11. **Сугурта операциялар кандай утказилади?**
12. **Полис шартномаси кандай килиб тузилади?**
13. **Тариф ставка деганда нимани тушунасиз?**

## *7- МАЪРУЗА:* **Давлат буюртмалари, захиралари ва эхтиежларини молиялаштириш**.

Р Е Ж А :

7.1. Солик органлари фаолияти асослари.
7.2. Давлат Солик Кумитаси, унинг вазифалари.
7.3. Давлат Божхона Кумитаси ва унинг жойлардаги функциялари.

Адабиетлар: 1, 23, 46, 34, 37

Таянч иборалар: божхона иши,солик хизмати,мажбурий туловлар,солик туловчи,солик сиесати,солик имтиези,солик солиш база.

Юридик шахсларнинг барчаси ва жисмоний шахсларнинг аксарият кисми, бир томондан у еки бу соликларни туловчилар ва улардан фойдаланувчилар сифатида, бошка бирлари эса, факат давлат ва махаллий бюджетлар харажатларидан фойдалаланувчилар сифатида соликлар Билан бевосита богланган. Демак, юридик ва жисмоний шахслар нафакат солик туловчилар, колаверса, солик тушумларидан фойдаланувчилар хам булиб хисобланадилар. Шу сабабли хам, факатгина соликларнинг мохияти ва унинг мамлакат ижтимоий-иктисодий хаетидаги урнини булган солик туловчигина соликларни уз вактида ват улик хажмда тулашни амалга оширадилар. Акс холда соликларни яшириш, уларни тулашдан буйин товлаш еки уларни уз вактида ва Тула микдорда туламаслик холатлари келиб чикади. Бу эса хар бир мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига узининг салбий таъсирини курсатади. Шунинг учун хам солик туловчилар соликлар борасида керакли билим ва малакага эга булишлари шарт. Бу эса булажак иктисодчилардан ва колаверса, барча солик туловчилардан соликлар ва соликка тортиш борасида етарли билимга эга булишликни талаб килади.

Соликлар хар бир мамлакат, айникса бозор иктисодиетига асосланган мамлакатлар иктисодиетига бенихоя ката роль уйнайди, улар куйидаги масалаларнинг ижобий хал килинишига хизмат килади:

- махсулот ишлаб чикаришнинг хажмини оширишга ва унинг сифатини яхшилашга;
- чет эл инвестициясини мамлакат иктисодиетига жалб кили шва улардан унумли фойдаланиш;
- мамлакатнинг экспорт салохиятини оширишга;
- кичик ва урта тадбиркорликни ривожлантиришга ва шу кабилар.

Бозор иктисодиети конунларини урганиб чикиб, давлат ялпи ички махсулот кийматини солик оркали таксимлаш вазифасини уз зиммасига олади. Шундай экан давлатнинг иктисодиетни бошкаришда бош роль уйнаши – Солик ва соликка тортиш асос хисобланади. Давлат солик муносабатларини такомиллаштириб, бозор иктисодиетини амалга оширишда етакчилик, бошкарувчилик ролини уйнайди.

Соликларнинг мохияти ва у билан боглик булган тартиб-коидалар солик доктринасида ифодаланади. **Солик доктринаси** давлат кабул килган молиявий-иктисодий сиесат доирасида умумий база буладиган, солик конунчилигининг барча жорий узгаришларида уз кучини саклайдиган асосий тамойиллар, меъерлар ва коидаларнинг умумлашган ифодаси куринишида намоен булади.

Солик доктринаси давлат хокимияти томонидан баркарор ва узок вакт мобайнида химоя килиб бориладиган карашларда акс эттирилади ва куйидаги асосий масалаларни ижобий хал этишга имкон беради:

- соликларнинг мамлакат иктисодий-ижтимоий тизимидаги роли ва ахамиятини оширишда;
- соликларнинг мамлакат ялпи ички махсулоти хамда бюджет даромадларидаги салмогини купайтиришда;
- бевосита ва билвосита соликларнинг узаро нисбатан, миллий иктисодиетнинг тармоклари, ахолининг айрим катламлари учун соликларни ундиришнинг энг макбул усулларини белгилашда;
- соликка тортишнинг прогрессивлиги (регрессивлиги)ни таъминлашда;
- жамгармалар ва инвестицияларни рагбатлантиришда солик тартиблари, солик органларининг солик туловчилар фаолиятини назорат килиш шаклларини такомиллаштиришда ва хоказо.

Соликларнинг объектив зарурлиги давлатнинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши билан боглик булган вазифаларини бажариши учун етарли маблагларни таъминлаш зарурлигидан келиб чикади. Бозор иктисодиети шароитида хар бир хужалик юритувчи субъект эркин фаолият курсатади ва бутун фаолиятига узи жавоб беради, давлат уларнинг фаолиятига факат соликлар оркалигина аралашади.

Соликларнинг функциялари уларнинг мохиятини амалиетда харакатини курсатади. Шундай экан, функция соликнинг мохиятини курсатиб туриши зарур. Бугун пайдо булиб, эртага йук булиб кетадиган холатлар солик функцияси була олмайди. Демак, соликларнинг функцияси доимий, катъий таркорланиб турадиган вокеаликни ифодалайди.

Соликларнинг куйидаги функциялари мавжуд: **фискал, рагбатлантириш, назорат, кайта таксимлаш .**

**1990 йилнинг** охирида республикамизда солик тизимини барпо этиш буйича айрим ишлар амалга оширилди:

**1.** Узбекистон Республикаси Президенти кошидаги Вазирлар Махкамасининг **1990 йил 17-декабрдаги** «Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги кошида Давлат бош молия-солик бошкармасини ташкил этиш тугрисида»ги 383-сонли карори кабул килинди. Республика Олий Кенгаши **1991 йил 14 июнда** «Узбекистон Республикаси давлат солик органлари тугрисидаги Низом» ни тасдиклади ва **1991 йил 12 августда** Вазирлар Махкамасининг «Узбекистон Республикаси давлат солик органлари тугрисида» ги 217-сонли карори билан Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси кошидаги Давлат бош солик бошкармаси ташкил килинди ва солик органларининг мустакил давлат солик органи сифатидаги фаолияти бошланди;

**2.** Узбекистон Республикаси Президентининг **1994 йил 18 январдаги** «Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси кошидаги Давлат бош солик

бошкармасини Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитасига айлантириш тугрисида »ги Фармонига мувофик Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг **1994 йил 18 мартдаги** «Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитасини ташкил эти шва фаолият курсатиши масалалари тугрисида» ги 114-сон карорига биноан Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси кошидаги Давлат бош солик бошкармаси Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитасига айлантирилди ва Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси тугрисидаги Низом тасдикланди. Вазирлар Махкамасининг ушбу карорига биноан Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси солик ва божхона сиёсатини амалга ошириш, шунингдек давлатнинг иктисодий манфаатлари ва мулкий хукуклари химоясини таъминлаш сохасида давлат назорати органи эканлиги белгилаб куйилди;

**3.**Божхона ишини ташкил этишни такомиллаштириш, ягона божхона сиёсатини утказиш, божхона органлари фаолиятининг тезкорлиги, таъсирчанлигини ошириш, уларнинг мамлакат иктисодий хавфсизлигини мустахкамлашдаги ролини кучайтириш, шунингдек божхона иши сохасида халкаро хамкорликни янада кучайтириш максадида республика Президентининг

**1997 йил 8 июлдаги** «Узбекистон Республикаси Давлат божхона кумитаси ташкил этиш тугрисида»ги ПФ-1815-сонли Фармонига ва Вазирлар Махкамасининг **1997 йил 30 июлдаги** «Узбекистон Республикаси Давлат божхона кумитаси фаолиятини ташкил этиш тугрисида»ги 374-сонли карорига кура Давлат божхона кумитаси ташкил этилди. Шу муносабати билан Узбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги «Давлат солик хизмати тугрисида»ги 474-1-сонли Конуни ва Вазирлар Махкамасининг1998 йил 12 январдаги «Давлат солик кумитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тугрисида»ги 14-сонли, 2000 йил 13 мартдаги «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тугрисида»ги 87-сонли, 2000 йил 5 майдаги «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини хукукий тартибга солишни такомиллаштириш тугрисида»ги 180-сонли карори кабул килинди, уларда солик органларининг асосий функция ва вазифалари аниклаштирилди.

Давлат солик хизмати органлари Узбекистон Республикаси Конституциясига, солик Кодексига, «Давлат солик хизмати тугрисида»ги Конунга, бошка конуний хужжатларга, шунингдек Узбекистон Республикасининг халкаро шартномаларига амал килади.

Давлат солик хизмати органлари уз фаолияти ни давлат хокимияти ва бошкарув махаллий органларидан мустакил равишда, конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.

Давлат солик хизмати органлари томонидан уз ваколатлари доирасида кабул килинадиган карорларбарча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий хисобланади.

Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш Ваэирлар Махкамасининг **2000 йил 5 майдаги** «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини хукукий тартибга солишни такомиллаштириш тугрисида»ги 180-сонли карори билан тасдикланган «Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси тугрисида»ги Низомига биноан белгиланган.

Давлат солик кумитаси зиммасига юклаган **вазифаларга** мувофик куйидаги **функцияларни** бажаради:

**1)** Узбекистон Республикаси нинг амалдаги конун хужжатларига мувофик солик туловчилардан соликлар, йигимлар ва бошка мажбурий туловларни ундириш йули билан давлат бюджетига даромадлар тулик хажмда тушишини таъминлайди;

**2)** Солик туловчилар томонидан солик хакидаги конун хужжатларига риоя этилиши, соликлар тугри хисоблаб чикилиши, тклик ва уз вактида туланиши устидан назоратни амалга ошириш максадида:

- хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини солик хакидаги конунларга риоя этиш масалалари буйича хужжатлар асосида ва назорат тартибида текширади;
- назорат органлари фаолиятини мувофиклаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдикланган хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини хужжатлар асосида ва назорат тартибида текширишнинг белгиланган тартиби ва режасига риоя этилиши устидан назорат килади;
- солик туловчилардан тушунтиришлар олади, солик туловчининг мол-мулк мавжудлигини текширади, шунингдек, солик туловчи томонидан даромад олиш учун фойдаланадиганишлаб чикариш, омборхона, савдо, бошка бинолар ва худудларни текширади;
- содир этилган операцияларнинг, хужжатларда курсатилган пул маблаглари ва моддий бойликларнинг олиниши ёки берилишининг хакикийлигини, ишларни бажариш ёки хизматлар курсатиш амалда бажарилганлигини текширади;
- хужалик юритувчи субъектлар томонидан пул маблаглари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия хисобини бритишнинг белгиланган тартибга риоя килинишини, корхоналар худудига моддий бойликларни олиб кириш ва олиб чикишда корхоналарда рухсат бериш тихими ишининг ташкил этилиши холатини текширади;
- хужжатлар асосида текшириш давомида хисобот маълумотдарининг тугри лигини аниклаш, солик органларига такдим этилган хисоб-китобларни бузиб курсатувчи кушиб ёзишлар ва хар хил хатоларни аниклаш ва бартараф этиш учун бухгалтерия хисоботлари ва балансларини счётлар буйича текширади;
- солик хакидаги конунлар бузилиши холатларини тахлил килади ва тегишли органларга солик сохасида хукук бузилишларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

**3)** Солик солиш субъектлари ва объектлари тулик ва уз вактида хисобга олинишини таъминлаш, солик туловчиларни тулик камраб олиш механизмини такомиллаштириш учун:

- солик солиш субъектлари ва объектлари тулик ва уз вактида хисобга олинишини, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти Билан шугулланишнинг конун хужжатларида белгиланган тартидга риоя этилиши устидан назорат таъминлайди;
- конун хужжатларида белгиланган тартибда юридик ва жисмоний шахсларга уларга руйхатдан утиш (идентификациялаш) ракамлари берилган холда уларнинг солик туловчилар сифатида хисобга куйилганлиги тугрисидаги хужжатлар берилишини ташкил этади;
- банк томонидан хисоб ракамлари ёпилиши тугрисида ахборот такдим этилган такдирда олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналри учун – уч ой мобайнида) банк хисоб ракамлари буйича пул операциялари утказган холда молия-хужалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни аниклайди.

**4)** Солик солиш базасини кенгайтириш, соликлар йигилишини купайтириш ва солик сохасида хукук бузилишларни аниклаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш максадида:

- конун хужжатларида белгиланган тартибда тезкор-кидирув фаолиятини ташкил этади, хамда хукукни мухофаза килиш органлари билан узаро хамкорликда солик сохасида хукук бузилишларни содир этган шахсларни кидиради, давлатга етказган зарар белгиланган тартибда ундириб олишини таъминлаш чора-тадбирларини куради;
- соликлар, йигимлар ва бюджетга бошка мажбурий туловлвр буйича муддати утказиб юборилган карзлар ундирилишини таъминлашга каратилган конун хужжатларида назарда тутилган чора тадбирлар кулланилишини ташкил этади ва амалга оширади;
- солик туловчиларнинг соликларни тулашдан буйин товлашининг олдини олиш максадида накд айланмага эга булган хужалик юритувчи субъектлар томонидан накд пул айланишининг конун хужжатларида белгиланган тартиби бузилишини аниклаш, уларнинг олдини олиш ва уларга бархам бериш чора-тадбирларини ташкил этади ва амалга оширади;
- акциз солиги солинадиган товарлар ишлаб чикариш ва улранинг айланиш билан боглик хукук бузилишларни белгиланган тартибда аниклай, уларнинг олдини олиш ва уларга бархам беришни ташкил этади ва амалга оширади;
- ишлаб чикариш хажмлари ва даромад яширилиши, сотилган махсулот, бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар хажмлар пасайтирилиши механизмини урганиш ва аниклашни ташкил этади ва амалга оширади;
- мусодара килинган, эгасиз мол-мулк, хазина, щунингдек мерос хукуки буйича давлатга ёки фукароларнинг узини-узи бошкариш органларига утган мол-мулк хисобига олиниши, бахоланиши ва сотилиши устидан назоратни таъминлайди;
- тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар давлат солик хизмати хисобга туришдан буйин товлаши механизмини урганади ва аниклайди;
- маъмурий хукук бузилишлар буйича ишларни юритади;
- конун хужжатларига мувофик суриштирувни юритади, жиноий ишларни кузгайди ва уларни терговга тегишлилиги буйича хукукни мухофаза килиш органлларига беради;
- солик сохасида жиноят содир этилиши холатларини аниклаш, суриштирув, тергов ва судда яшириниб юрган шахсларни кидириш учун оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланилади.

**5)** Ягона умумдавлат солик сиёсатини амалга ошириш максадида:

- давлат бюджетига соликлар тушуми прогнозини ишлаб чикишда катнашади;
- солик хакидаги конун хужжатларини такомиллаштириш буйича услубий ишларни олиб боради;
- Молия вазирлиги, бошка вазирликлар ва идоралар билан биргаликда солик хакидаги конунларни ва бошка конун хужжатларини куллаш масалалари буйича Узбекистон Республикаси худудида бажарилиши мажбурий булган йурикномалар ва бошка норматив хужжатдарни Адлия вазирлигида тегишли равишда руйхатдан утказилгандан кейин белгиланган тартибда чикаради;

- соликларни хисоблаб чикиш ва тулаш билан боглик хисоб-китоблар ва хисоботлар, декларациялар ва бошка хужжатлар шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чикади;

- солик хакидаги  конунлар буйича норматив хужжатлар тупламларини нашр этади, узига карашли органларни конун хужжатлари ва йурикнома материаллари, солик туловчиларни  хисобга олиш шакллари билан таъминлаш чора-тадбирларини куради;

**6)** Солик хакидаги конун хужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, соликлар буйича мажбуриятларни бажаришда солик туловчиларга ёрдам бериш максадида:

-  солик хакидаги конун хужжатларини нашр этиш, купайтириш ва худудий солик органларига етказиш, маслахат ёрдамлари курсатиш, солик туловчиларни соликларни тугри ва уз вактида хисолблаб чикишга, хисоботлар ва декларациялар такдим этишга укитиш учун сервис-марказлар ташкил этади;

- солик хакидаги конун хужжатларининг кулланилиши масалалари буйича норматив хужжатлар солик туловчиларга уз вактида етказилишини ташкил этади;

- юридик ва жисмоний шахслар солик солиш хакидаги конунлар бузилиши масалалари буйича шикоятлар ва аризаларни белгиланган тартибда куриб чикади.

**7)** Солик туловчилар буйича алохида хисоблаб чикилган ва амалда тушган соликларни тулик хисобга олиш максадида солик тушумлари, барча солик туловчилар тугрисидаги маълумотларни кайта ишлашнинг ягона компьютер тизимини ташкил этади ва ундан фойдаланилади, солик ахбороти кабул килиниши, пухта ишланиши, берилиши ва сакланишининг куп мехнат талаб киладиган жараёнларнинг автоматлаштириш чора-тадбирларини куради, солик туловчиларнинг ягона реестрини шакллантиради ва юритади.

**8)** Давлат солик хизмати органларини юкори малакали, уз ишига содик ходимлар билан таъминлаш, кадрлар таркиби сифатини яхшилаш максадида:

- куйилган талабларга мувофик кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига куйиш ишларини ташкил этади;

- ихтисослаштирилган укув марказлари ташкил этиш, шунингдек, давлат олий укув юртлари имкониятларидан фойдаланиш йули билан солик органлари кадрларни тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

- давлат солик хизмати органлари ходимларининг лавозимлари, малака тавсифномаларини ишлаб чикади, рахбарлар ва мутахасисларни аттестациядан утказади, уларга белгиланган тартибда махсус унвонлар беради;

- кадрларни Узбекистон Республикасига содиклик, ватанпарварлик, тугрилик ва хукукий давлат гоялари ва асосларини хурмат килиш рухида тарбиялаш юзасидан узлуксиз иш олиб боради, бунда замонавий шакллар ва усуллардан фойдаланади.

**9)** Уз хавфсизлигини, режимни таъминлаш ва давлат солик хизмати органларида коррупция холларининг олдини олиш учун:

- солик органлари мансабдор шахслари томонидан гаразли максадларда солик туловчиларга нисбатан гайриконуний таъсир курсатиши мумкин булган холларни аниклайди уларга бархам беради:

- солик органларида  коррупция холларини аниклашга, уларнинг олдини олиш ва уларга бархамберишга каратилган чора-тадбирларини амалга оширади;

- солик органлари тизимида коррупция ривожланишига олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш  чора-тадбирларини куради;

- солик органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажараётганда уларниконуний тажовузлардан химоя килишни таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларини ишлаб чикади ва амалга оширади;

- давлат солик хизмати органлари томонидан солик хакидаги конунларга риоя этилишини назорат килади;

- конун хужжатларига мувофик солик туловчи тугрисидаги маълумотларнинг сир сакланишига риоя этиш ишларини ташкил этади.

**10)** Давлат солик хизмати органларида назорат-тафтиш ишларини амалга ошириш максадида:

- икки йил камида бир марта солик бошкармалари ва инспекцияларининг бюджет ва хужалик фаолияти буйича смета харажатлари ижроси буйича тафтишни амалга оширади. Жуда зарур булганда ва молия-хужалик фаолиятида конун бузилишларига йул куйишхоллари тугрисида ишончли ахборот мавжуд булган такдирда режадан ташкари тафтишлар утказилиши мумкин;

- куйи солик органлари томонидан моддий ва пул ресурсларидан окилона фойдаланиш чора-тадбирлари бажарилишини таъминлайди, хужасизлик, исрофгарчилик, давлат маблагларини асоссиз равишда сарфлаш, смета интизомини бузиш холларига бархам беради;

- куйи солик органлари тафтишлар давомида аникланган нуксонлар ва бузилишларни бартараф этиш, шунингдек, давлатга етказилган моддий зарарни коплаш  чора-тадбирларини куриш буйича ишларни ташкил этади;

- давлат солик хизмати органлари ижтимоий ривожлантириш ва уларни моддий-техник таъминлаш махсус жамгармасидан фойдаоанишнинг тугрилигининазорат килади.

Давлат солик хизмати органларида уз ваколатлари доирасида куйидаги **хукукларга** эгадир:

**а)** назорат органлари фаолиятини мувофиклаштириш республика Кенгаши томонидан тасдикланган режага мувофик бошка назорат килувчи ва текширувчи органларни жалб килган холда мулкчиликнинг барча шаклларидаги хужалик юритувчи субъектларнинг молия-хужалик фаолиятини комплекс текшириш;

**б)** солик туловчиларнинг молиявий хужжатларини,шартнома (конт ракт)ларини,бизнес-режаларини,сметаларини ,даромадлар тугрисидаги декларацияларини ва соликларни хисоблаб чикиш ва тулаш Билан боглик бошка хужжатларини,шунингдек,экспорт-импорт операциялари билан боглик хужжатларини хужжатлар асосида текшириш(шу жумладан,солик туловчи Билан боглик булган субъектларни мукобил текшириш)чогида пайдо булган масалалар буйича зарур тушунтиришлар ва маълумотномалар олиш;

**в)** юридик ва жисмоний шахслардан солик туловчиларнинг фаолиятига тегишли маълумотлар, хужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

**г)** конунда белгиланган тартибда:

- солик хакидаги конунлар бузилишига йул куяетган юридик ва жисмоний шахслардан даромад(фойда)ва солик солишнинг бошка объектлари яширилишидан далолат берувчи хужжатларни,шунингдек,буюмларини олиб куйиш;

- тадбиркорлик фаолияти Билан шугулланиш тартибини бузаетган жисмоний шахслардан лицензиялар, патентлар еки руйхатдан утказиш гувохномаларини олиб куйиш,конунни бузи шлар тугрисидаги материалларни кейинчалик курсатиб утилган фаолият билан шугулланишга рухсат берган органларга тегишли карор кабул килиш учун бериш;

**д)** касса ва товар-моддий бойликлар сакланадиган жойларни конунда белгиланган тартибда мухрлаб куйиш,товарлар,буюмлар,хом Аше,материаллар ва ярим тайер фабрикатлар намуналарини,шунингдек,хужжатларни олиб куйиш ва уларни тахлил,тадкик кили шва экспертизалар утказиш учун юбориш;

**е)** савдо, товарлар бери шва хизматлар курсатиш,акциз солиги солинадиган алкоголи ва тамаки махсулотларини сотиш ва маркалаш коидаларига риоя килиниши текшириш,накд пул маблаглари тулик кирим килинишини, назорат-касса аппаратларини куллаш буйича конун хужжатларига риоя килинишини назорат килиш;

**ж)** юридик шахслар (шу жумладан, алохида режимда ишлайдиган корхоналарнинг) ва жисмоний шахсларнинг даромад(фойда)куриш учун фойдаланиладиган, еход солик солиш объектларини саклаш Билан боглик ишлаб чикариш, омборхона,савдо бинолари ва бошка жойларни ва уринларни,улар жойлашган жойдан катъи назар, текшириш, бажарилган ишларни, курсатилган хизматларни назорат тартибида улчаш ва товар-моддий бойликларни хатлаш;

**з)** аникланган солик хакидаги конунлар бузилиши бартараф этилишини юридик ва жисмоний шахслардан талаб килиш;

**и)** юридик шахсларнинг, шунингдек, конун хужжатларида назарда тутилган холларда жисмоний шахсларнинг бенклардаги ва бошка молия-кредит ташкилотлардаги хисоб-китоб ракамлари ва бошка хисоб ракамлари буйича операцияларини, улар даромад(фойда)куриш учун фойдаланиладиган жойлар ва уринларни, еход солик солиш объектларини текшириш учун давлат солик хизмати органларининг мансабдор шахслари хужжатлар асосида (счетлар буйича) текшириш утказиши еки киришига тускинлик килган,давлат солик хизмати органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига молиявий хисоботлар,хисоб-китоблар,декларациялар ва соликларни хисоблаб чикиш,тулаш Билан боглик булган бошка хужжатларни такдим этмаган.

Солик назоратини амалга ошириш чогида солик орналари мансабдор шахсларнинг ноконуний харакатлари Билан етказилган зарарлар конунда белгиланган тартибда копланиши керак.

Жисмоний ва юридикшахслар конун хужжатларида белгиланган тартибда уларнинг хукук ва эркинликларини бузаетган давлат солик органлари мансабдор шахсларнинг харакатлари(карорлари) устидан юкори солик органларига еки бевосита судга шикоят килишга хаклидирлар.Давлат солик органлари ходимларининг уз хизмат ваколатларини ошириб юборишлари,шунингдек уз зиммаларига юкланган хизмат вазифаларини бажармасликлари Узбекистон Республикаси конун хужжатларида белгиланган тартибда интизомий,маъмурий еки жиноий жавобгарликка олиб келади.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Солик назорати.**
2. **Солик функциялари**
3. **Солик органлари фаолияти нимадан иборат.**
4. **Давлат Солик Кумитасининг вазифалари.**
5. **Солик органлари фаолияти асослари.**
6. **Солик хизмати органларининг асосий вазифалари.**
7. **Солик кумитаси зиммасига юклатилган вазифалар.**
8. **Солик хизмати органларининг хукуклари ва жавобгарлиги.**
9. **Давлат Божхона Кумитаси ва унинг жойлардаги функциялари.**

## *8 - МАЪРУЗА:* Иктисодиетнинг давлат ва тадбиркорлик секторлари молиясининг хусусиятлари.

**Р Е Ж А :**

**8.1. Иктисодиет секторларида молиявий бошкарув объектлари.**

**8.2. Молиявий бошкарувнинг ахамияти.**

**8.3. Давлат хокимиятининг бошкарув даражасига кура молиявий муносабатлар.**

**Адабиетлар: 1, 2, 32,54,5,27**

**Таянч иборалар: сектор, молиявий бошкарув,молиявий алока,молиявий муносабат, стратегик бошкариш,назорат бошкариш, оператив бошкариш.**

Бошкариш, аник бир натижага эришиш учун бирор объектга максадли – таъсир этиш методи ва усулларининг мажмуасидир. Бошкариш инсон фаолиятининг барча сохаларига хосдир, шу жумладан молиявий сохага хам хосдир. Инсоннинг онгли ва максадга мувофик фаолияти сингари, бошкариш жамият ривожланишининг объектив конунчиликни билишга асосланган, шунинг билан бирга бошкаришга давлат тегишли бошкаруви структураси сифатида катта таъсир курсатади.

Бошкарув фаолиятининг мухим сохаси булиб молияни бошкариш хисобланади. Уни алохида метод ва усуллар, шу жумладан турли хил рагбатлар ва жамгармалар ёрдамида махсус аппаратни амалга оширади. Бошкариш санъати олдига куйилган масалаларни тезрок ечиш максадида кулланилаётган методлардан окилона фойдаланиш оркали энг самарали методни танлашдан иборат. Хар кандай бошкарилаётган тизим сингари, молияни бошкаришда хам бошкариш объектлари ва субъектларига ажратилади. Объектлар сифатида турли хил молиявий муносабатлар чикади, субъектлар сифатида эса уша бошкаришни амалга ошираётган ташкилий тизилмаларга айтилади.

Молиявий алокаларнинг сохалари буйича туркумланишга мувофик, объектлар 3 турга булинади, яъни **корхоналар (ташкилотлар) молияси, сугурта алокалари** ва **давлат молияси.** Уларга куйидаги бошкариш субъектлари тегишли: корхоналар (ташкилотлар, муассасалар) молия (булими) хизмати, сугурта органлари, молия органлари ва солик инспекцилари. Молияни бошкаришни амалга ошираётган барча ташкилий тузилмалар мажмуи **молиявий аппарат** дейилади.

Режалаш молияни бошкариш тизимида мухим урин эгаллайди. Айнан режалаштириш вактида кайси хужалик субъекти бумасин албатта уининг молиявий холатини хар томонлама бахолайди, молиявий ресурсларни купайтириш, имкон даражада улардан янада самарали фойдаланишини курсатади. Режалаштириш жараёнида бошкариш карорлари молиявий маълумотларни тахлил килиш асосида кабул килинади ва бу маълумотлар тулик ва аник булиши лозим. Аник ва уз вактида олинган маълумотлар хар томонлама асосланган карорларни кабул килишни амалга оширади. Молиявий маълумотлар бухгалтерлик, статистик ва тезкор хисоблардан олинади. Тезкор бошкарувни ишлаб чикилаётган комплекс чораларни, тезкор тахлил килиш асосида кайта таксимлаш ёрдамида минимал харажат килиб максимал самара олиш максадини уз ичига олади.

Назорат-бошкариш элементи сифатида режалаштириш жараёнида хам ва тезкор бошкариш боскичда хам амалга оширилади. У молиявий ресурслардан фойдаланишдаги хакикатдаги маълумотларни режалаштиришдаги натижалар билан солиштириш, молиявий ресурсларнинг усиш захираларини аниклашга, эгалик килишнинг янада самарали усулларини аниклаш имкониятини беради. Молиявий бошкаришнинг стратегик ва тезкор бошкариш турларини фарклаш мумкин.

Стратегик бошкариш келажак учун башорат килиш оркали молиявий ресурсларни аниклаш, максадли дастурларни амалга оширишда молиявий ресурслар хажмини белгилашда намоён булади. У давлат ва иктисодий бошкариш органлари оркали амалга оширилади: Олий Мажлис, Президент Девони. Молия вазирлиги, бюджетдан ташкари фондлар директцияси, сугурта ташкилотлари, корхоналар ва ташкилотлар молия булимлари.

Молияни бошкаришда илмий ёндашиш уни стратегик ёки тезкор бошкаришдан катъий назар, улар молиявий алокаларнинг хар бир сохасида, хар бир звеносида бошкариш купкиррали характери ва тизимли ёндашиш аниклайди. Юридик конунларни, молиявий башорат ва режа карорларини расмийлаштириш характерига эга булган молиявий бошкариш ечимларни ишлаб чикиш: иктисодий ва юридик конунлар талабларини; нафакат утган хужалик даврининг иктисодий тахлил натижаларини, балки истикболларини; молияни бошкаришда иктисодий математик

усуллар ва автоматлаштирилган тизимлар; иктисодий ва бошкариш методларининг окилона уйгунлаштирилишини хам хисобга олади. Бозор иктисодиётининг барпо булиши ва ривожланиши шароитида молияни бошкариш куйидагиларни талаб килади: молия буйича бошкариш карорларининг илмий асосланишини кучайтириш, илгари кам кулланилган методларни амалга ошириш ва бошкалар. Бундай шароитларда Шаркий Европа мамлакатлари, яъни бозор иктисодиётига утган, куп йиллар ижтимоий аникланган бозор хужалигида яшаб келувчи иктисоди ривожланган капиталистик мамлакатлар тажрибаларини инобатга олсак булади.

Бизнинг мамлакатимизда узок вакт мобайнида таъсир этишнинг эски усуллари кулланилиб келинди, бу эса уз навбатида керакли самарага эришиш имконини бермас эди. Бошкариш тизимининг амалда кулланилаётган маъмурий буйрукбозлик усули янги молиявий воситаларни ишлаб чикиш ва уларни амалга тадбик этишни, амалдаги молия воситаларининг янги узок муддатли нормативларни кечиктиришига олиб келади (аммортизация ажратмалари нормалари, ижтимоий сугурта ажратмалари нормалари ва бошкалар).

Утган даврнинг ижобий тажрибаларини хисобга олмаслик молияни ривожлантириш ва уни бошкаришга салбий таъсир курсатади. Бюджетга хужалик туловларининг солик формаларидан суст фойдаланилди: давлат кредит формалари ривожлантирилмади; бюджет субвенциялар (максадли дотациялар)ни куллашдан воз кечилди ва х .к. Шу ва шунга ухшаш сабаблар натижасида молияни роли бир мунча пасайди.

Шундай килиб, молиявий бошкарувнинг асосий методлари режалаш, башорат килиш, соликка тортиш уз-узини молиялаш уларни ажратиш, хисоблар тизими, аммортизация ажратмалари тизими, рагбатлантириш масалалари, молиявий, санкциялари тизими кабиларни келтириш мумкин. оширилиши мумкин. Бунда соликлар тизими бевосита, умум давлат ва махаллий соликларнинг турларини уз ичига олиши мумкин. Хар бир солик эса узининг алохида, солик конунчилиги ривожи билан боглик холда узгариб турадиган соликка тортиш объекти ва субъектлари, ставкалари, имтиёзлари ва бошка элементларга эга.

<u>Молияни бошкариш</u> - давлат томонидан молия механизмини амалда куллаш билан богликлик максадларни кузда тутувчи фаолият махсус ташкилий тизимлар оркали амалга оширилади. Бу барча элементлар давлат органлари, жисмоний ва хукукий шахсларнинг кундалик фаолиятидан молиявий сиёсат вазифаларини куйилишида таърифлаш мумкин: Мумкин кадар купрок молиявий ресурслар шаклланиши учун шарт –шароитлар яратиб бериш;

молиявий ресурсларни, давлат манфаатларига мос холда окилона таксимлаш ва улардан самарали фойдаланиш;

Иктисодий-ижтимоий жараёнларни бошкариш хамда рагбатлантириш молиявий усуллар ёрдамида ташкил этиш; молия механизми ва унинг ривожи стратегиясининг максад ва вазифалари узгаришига мослаб ишлаб чикариш; молияни бошкаришнинг самаравий ва амалий ишлар учун кенг имконият яратувчи тизимини ташкил этиш.

Молия оператив бошкаришни молия аппарати оркали амалга оширади. Давлат молиявий фаолиятни халк хужалигини хамма тармокларида баробарлик килади. Айнан молия аппарти оператив молиявий режалаштириш ва анализ, назорат ва

тартибга солиш, молия режаларини ишлаб чикилиши ва бажарилиши каби масалаларни бажаради.

Молияни бошкариш корхоналарда ва халк хужалик тармокларида корхона,ташкилот, муассасалар, молия булимлари хамда сакланиб колинган идоралар молия бошкармалари ва булинмалари томонидан амалга оширилади.

Молияни бошкаришни тугри ташкил килиниши уларни биринчи даражада сарфланишида катта ахамиятга эгадир. Молияни оператив бошкаришдаги самара, бошкариш субъектлари ишлари молия органлари, хужалик инспекциялари, сугурта структуралари ва халк хужалиги тармокларидаги молия булинмалари аппаратлари кай даражада ташкил килинганлигига боглик. Молия аппаратини ташкилий даражаси юкори булиши лозим. Бу молия структураларидаги хамма хизматчиларни малакаси юкори булиши ва ишдан хабардор булишини талаб килади.

Молияни умумий бошкаришни бир булаги булиб бошкаришни автоматлаштирилган тизими АСУ хисобланади. Электрон хисоблаш машиналари ва иктисодий математик методлардан фойдаланишга асосланган яъни бошкаришдаги кайта куриш БАС дан кенг фойдаланиш имконини беради ва хар хир даражада молияни бошкаришдаги кабул килинаётган карорларни сифатини ошириш имконини яратади. Лекин БАС амалда фойдаланилаётган молияни бошкариш системаси билан бир каторда балки унинг органик бир булаги сифатида юзага келади.

Молия буйича бошкариш карорларни кабул килишда бошкарилаётган объект хакида, унинг ривожланиш тенденциялари, кабул килинаётган карорларни объектнинг келажакда ривожланишига таъсири хакида тулик маълумотларга эга булиш зарурдир.

Хужаликнинг хилма-хил формаларига, товар ишлаб чикарувчилар мусобакасига асосланган бозор иктисодиёти, молияни ривожланган тизимида иктисодий ва молиявий маълумотлар усишини вужудга келтиради, бу эса информатика сохасида маълумотлар йигиш, саклашни ташкил килиш ва уни кайта ишлаш тизими сингари илмий техник тараккиёт ютукларига эришишда тушунмокни талаб этади. Молияни омил корлик билан бошкаришда, молия орган-ходимларини молияни бошкариш (АСУФ), молиявий хисоб-китоблар автоматлаштирилган тизимларини (АСФР), куллашга асосланган информацион хизматлардан фойдаланмасликлари мумкин эмас. Буларни яратишда молиявий кибернетика теоретик холатлари молияни бошкариш хакида таълимотлар, бошкарувчи ва бошкарилувчи тизилмалар оркали молия-иктисод маълумотларни алмашишини ташкил килиш каби масалалар кулланилади.

**Молияни автоматлаштирилган бошкариш тизими** – бу электрон хисоблаш техникаси, оргтехника ва замонавий алока воситаларини иктисодий ва математик методлар йигиндисидир. У маълумотларни йигиш, кайта ишлаб умумдавлат автоматлаштирилган тизимининг сифатида хисоб-китоб, режалаштириш ва халк хужалигини бошкариш юзага келади.

Бошкаришни автоматлаштирилган тизими иктисодни ва молияни бошкаришни такомиллаштиришда янги кадамдир. Уларни ишлаш самарасини ошириш учун, замонавий компьютер техникасини ташкил этиш билан чора кабул килинмокда.

Давлат молия органларининг иш сифатини ошириш жуда мухимдир. Бунинг учун молия, солик ва божхона органлари аппаратининг малакасини ошириш, давлат хазинаси тузалмаларини жорий этиш, молиявий бошкариш консултацион ишлар сохасидаги функцияларни кенггайтириш тадбирлари кузда тутилган.

Молиявий назорат иктисодий категория сифатидаги молияга объектив равишда хос булган назорат килиш хусусиятининг амалда куринишидир.

Молиявий назорат одатда икки аспект асосида куриб чикилади:

**1.** Молиявий конунчиликка риоя килиниши ва барча иктисодий субъектларнинг молиявий интизом устидан назорат килувчи махсус органларни катъий белгиланган фаолияти сифатида;

**2.** Молиявий операцияларнинг максадга мувофиклиги ва самарадорлигини таъминлаш максадида маблагларни ва пул окимларини макро ва микро даражада бошкаришнинг ажралмас элементи сифатида;

Назоратнинг мазкур икки аспекти узаро боглик, аммо максади, методлари назорат субъектлари жихатидан фаркланади. Биринчи холатда молиявий назоратнинг тахлилий алохида эътибор берилади. Иктисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда молиявий назорат узаро таъсир этувчи. Аммо алохида сохага булинади: давлат ва нодавлат молиявий назорат.

Давлатнинг асосий конунлари коидаларига асосланган хокимият ва бошкарувнинг аник органлари иктисодий-хукукий фаолиятининг комплекс ва максадли тизимидир. Молиявий назоратни ташкил этишда мамлакат конституцияси хал этувчи уринни эгаллайди. Назоратнинг хукукий регламенти давлатнинг тури, унинг ижтимоий – сиёсий йуналиши, иктисодий ривожи даражаси, мулк шаклларининг узаро нисбатига боглик.

Давлатнинг молиявий назорати ялпи махсулот таксимотининг микдорий пропорциясини кузатиш учун сафарбар килинади. У давлат ресурсларининг шаклланиши билан боглик булган хар кандай пул ресурслари харакатининг барча каналларида жорий этилади, уларнинг туликлиги, уз вактида етиб келиши ва максадга мувофик ишлатилишини назорат килади.

Ички (фирма ичидаги, корпоратив)хамда ташки (аудиторлик) назоратга булинади. Назоратнинг давлат ва нодавлат турлари, методларининг ухшаш булишига карамай, уз охирги максадлари жихатидан фикрланади. Давлат назоратининг асосий максади – давлат хазиналсига келиб тушувчи ресурсларни иложи борича купайтириш ва бошкарувнинг давлат харажатларини имкон кадар камайтиришдир, нодавлат назоратнинг (асосан, фирма ичидаги назоратнинг) максади эса аксинча узининг давлат хисобига утказадиган чегирмалари ва бошка харажатлар микдорини иложи борича камайтириш йули билан сарфланган сармоядан олинадиган даромад меъёрини купайтириш.

Шу билан бир вактда иккала соха амалдаги конунларнинг хукукий доираси билан чегараланган.

Гарбнинг ривожланган мамлакатларидаги молиявий назорат тизими асосан бир турда булиб, куйидаги элементларни уз ичига олади.

- бевосита олий мажлис ёки президентга буйсунувчи бош тафтишга аудитор (хисоб палатаси) муассасаси. Ушбу муассасанинг асосий максади – давлат маблагларининг сарфланиши устидан умумий назоратни амалга ошириш;
- Президент, хукумат ёки Молия Вазирлигига буйсунувчи солик муассасаси у солик даромадларининг хазинага келиб тушишини назорат этади;
- давлат муассасалари таркибидаги назорат тузилмалари, улар буйсунувчи идораларнинг текшируви ва тафтишини амалга оширади;

- нодавлат назорат хизмати, улар хисобот хужжатларининг хакконийлиги ва молиявий операциялар конунийлигини тижорат асосида текширади;

- ички назорат хизмати, унинг асосий вазифаси харажатларни камайтириш, молиявий окимларни оптималлаштириш ва даромадни купайтириш.

Дунё хамжамияти куп йиллик тажриба асосида давлат молиявий назоратининг ташкил этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чикди. Хозирги замондаги цивилизациялашган хар бир давлат уларни амалга оширишга харакат килади.

Ушбу тамойиллар ИНТОСАИнинг Лима декларациясида баён этиладиган.

Уларга мустакиллик ва объективлик, ваколатлилик ва ошкорлик каби универсал тамойиллар киради.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Бошкариш тушунчаси**
2. **Молиявий алока**
3. **Режалаштиришнинг усуллари**
4. **Стратегик бошкариш**
5. **Назорат бошкариш**
6. **Молиявий бошкариш**
7. **Суурта ажратмалари**
8. **Оператив бошкариш**
9. **Бошкарув турлари**

## *9-МАЪРУЗА:* Турли ташкилий-хукукий шакллардаги корхоналарнинг молиявий хусусиятлари.

Р Е Ж А :

**9.1 Мулкнинг давлат тасарруфидан чикарилиши.**
**9.2.Хусусийлаштириш жараени.**
**9.3.Хусусийлаштириш жараенининг корхоналар молиявий хусусиятларига таъсири.**

**Адабиетлар: 1, 2, 39,65,42,49**

**Таянч иборалар: хусусийлаштири,жамоа,мулк,воситалар,хусусий корхона,истеъмолчи,тадбиркор.**

Бизнинг Республикамизда хусусийлаштириш бир неча боскичда амалга оширилмокда, дастлаб кичик савдо, маиший хизмат сохасидаги корхоналар хусусийлаштирилиб, кейинчалик урта ва йирик корхоналарга утилади. Энг мухим томони шундаки, хусусийлаштириш аукционда сотиш оркали еки йирик корхоналарда хар бир ишловчининг улушини аниклаш туфайли амалга оширилади. Хусусийлаштирилган прогрессив шаклдаги епик ва очик турдаги акциядорлик жамиятлари вужудга келди.

Умуман олганда, **хусусийлаштириш,** аввало, давлат мулкининг олдин жамоа ва кейинчалик шахсга утишидир.

Республикамизда хусусийлаштириш адолатли хал килинди, чунки бу жараенда уч нарса аник-равшан тарзда белгилаб куйилади, жумладан:

**1.** Хар бир жамоа еки корхона аъзосининг мулкка эгалик хукуки бор еки йуклиги аникланади;

**2.** Хар бир шахснинг мулкка эгалик хукукига таъсир этувчи омиллар (мезонлар) топилади ва эгалик хукукининг микдори аникланади;

**3.** Хар бир жамоа аъзосига мехнатга ва иш мавкеига нисбатан мулкка эгалик хужжати (акция) берилади.

Шуни хам таъкидлаб утиш зарурки, корхона еки жамоа мулки таксимлаетганда икки кисмга ажратилади;

**1.** Шахсларга булиб бериладиган воситалар (асосий ва оборот фондлар);

**2.** Шахсларга булиб берилмайдиган мулк (хужаликнинг карзи, ер ва сув ресурслари, ижтимоий сохадаги бино ва иншоатлар,жумладан мактаб,шифохона ва хоказо).

Масалан, хукуматнинг мулкни давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш сиесатига асосан, Кувасой гушт заводида хам бир канча тадбирлар бажарилди. Чунончи, 1992 йили жамоа карорига мувофик завод ижара корхонасига айлантирилди. Шартнома шартларига мувофик бошкарма завод балансидаги барча ишлаб чикариш воситаларини ижарага бериш Билан биргаликда уларнинг таъминоти Билан хам шугулланиб,ишлаб чикарилган гиштларни хам узлари келишилган бахоларда олиши керак. Лекин, кузда тутилган барча масалалар хам уз вактида сифатли бажарилмади.Заводни ишлаб чикариш ресурслари Билан таъминлашда,олинган махсулот учун хак тулашда доимо узилишлар булиб турди. Бу холл завод фаолиятининг ривожланишини таъминлашга доимо ижобий таъсир курсатавермади. Бундай холл жамоада мулк ислохотини янада чукурлаштиришни такозо этди. Шуни эътиборга олган холда жамоа аъзоларининг умумий йигилиши карорига мувофик 1994 йилда «Керамика» номли ижара корхонаси «Буюк Турон» номли хусусий корхонага айлантирилди. Корхонани хусусийлаштириш жараенида энг асосий эътибор куйидагиларга каратилди:

- ишлаб чикариш воситаларининг холатини эътиборга олиб, зарур булганларини корхона ихтиерида колдириш,яъни сотиб олиш;
- барча талабларни тулик эътиборга олган холда зарур булган ишчи ва хизматчи, бошкарувчиларни уларнинг кобилиятини хисобга олиб танлашга, хар бири билан батафсил шартнома тузишга;

- ишлаб чикариш жараенларини техника ва технологиялар асосида тугри ташкил этишга, бошкаришга, корхонада маркетинг иларини максадга мувофик амалга оширишга;

- ишчи хизматчиларнинг мехнатларини тугри ташкил этишга, уларни иктисодий рагбатлантиришга хамда ижтимоий жихатдан химоя килишга;

- ишлаб чикаришда амалга ошириладиган узгарувчан хамда доимий харажатларни имконият доирасида камайтириб,купрок даромад олиш ва бошкаришга.

Мулк хакикий эгасини топгандан кейин хар ким бор моддий, молиявий ва мехнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланидан манфаатдор булади.

Авваломбор, мулк эгаси эртанги кунни уйлаб иш юритади, корхонанинг келажагини уйлайди. Рахбар ходимларнинг маъсулияти ошади ва ишла чикаришга янгилик (Янги техника, янги гоя) жорий этишга харакат килади.

Ишлаб чикарувчиларнинг уртасида ракобат вужуда келади ва мослашув содир булади. Натижада махсулот сифати ошади,таннархи пасаяди.

Келажакда корхона рахбарияти фойдани купайтириш максадида нисбатан арзонрок булган мавжуд хом ашелардан фойдаланишга, махсулотларни сотишда реклама, маркетинг ишларини ривожлантиришга хамда ишчи-хизматчиларни моддий рагбатлантириш даражасини оширишга эътибор бериши кераклигини белгилаб олди.

Республикада амалга оширилаетган иктисодий ислохотларнинг иккинчи боскичида хусусий тадбиркорликни, кичик ва урта бизнесни ривожлантириш ва куллаб-кувватлаш И.А.Каримов томонидан таъкидланганидек, мулкдорлар гурухини шакллантиришга имкон беради, чунки мулк эгалари куп булса, мамлакатнинг иктисодий кудрати шунча ошади, бозор халк истеъмоли товарлари Билан тулади.

Ана шу максадларни амалга ошириш борасида «Буюк Турон» хусусий корхонаси чет Эл инвестициясини жалб килиш, ишлаб чикариш кувватларини ошириш, техникавий таъминотни яхшилаш Билан мутазам шугулланмокда.

Узбекистон Республикасида мулкчиликнинг бундай шаклига утиб ишлаетган корхоналар сони кун сайин ортиб бормокда.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Хусусийлаштириш тушунчаси**
2. **Мулкни тасарруфидан чикариш**
3. **Хусусийлаштириш боскичлари.**
4. **Инвестиция тушунчаси**
5. **Асосий фондлар тушунчаси**
6. **Оборот фондлар тушунчаси.**
7. **Чет эл инвестицияларни жалб килиш йуллари.**
8. **Техникавий таъминоти.**

## *10- МАЪРУЗА:* **Корхоналарнинг молиявий ресурслари.Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси.**

Р Е Ж А :

10.1.Корхоналарнин молиявий ресурсларининг мохияти.
10.2.Молиявий ресурсларидан фойдаланиш йуналишлари.
10.3.Тижорат корхона ва ташкилотлар молиясини мохияти ва функциялари.
10.4.Корхоналар молиясини ташкил килиш тамойиллари.
10.5.Корхонанинг молиясини ташкил килишга таъсир этувчи омиллар.
10.6.Давлат томонидан марказлашган холда капитал куйилмаларни молиялаштириш.

Адабиетлар: 1,2,4,56,70,78,35,67

Таянч иборалар: молиявий ресурслар, жорий харажатлар,фойда,бадал туловлари, ишлаб чикариш, хужалик объекти, хужалик субъекти, тижорат корхона, харидор, корхона молияси, молиявий муносабатлар, аудит, аммортизация.

**Молиявий ресурслар -** корхона ихтиеридаги пул маблаглари булиб, улар жорий харажатлар ва ишлаб чикаришни ривожлантириш учун хизмат килади, молиявий мажбуриятларни бажариш ва ишчиларнинг иктисодий ахволи баркарорлигини таъминлаш учун ишлатилади.

Молиявий ресурсларни шакллантириш бир катор манбалар хисобидан амала оширилади .Мулкчилик хукуки асосида молиявий ресурслар манбаи иккита йирикк гурухга ажратилади, буларга: хусусий ва бегона пул воситаларидир.Уларни янада аникрок тоифалаш  хам мумкин, яъни: хусусий ва унга тенглаштирилган маблаглар; молиявий бозордаи ресурслар; кайта таксимлаш тартибидаги пул киримлари.

Молиявий ресурслар корхона ташкил топаетган вактда, яъни устав капитали ташкил этилганда (хиссадорлик ва куйилма капитал) шаклланади. Устав капитали –бу таъсисчилар капитали хисобига хосил килинган корхона мулкидир. Амалдаги конунларга асосан, устав капиталининг энг кам улчамлари белилаб куйилади.

Молиявий ресурслар биринчи галда асосий ва ердамчи фаолият натижасида олинган фойда, шунингдек, ишлаб чикаришдан чикарилган мулкни сотишдан тушган тушум, баркарор пассивлар, турли максадли тушумлар, мехнат жамоаси аъзоларининг бадал туловлари ва хиссаларидан таркиб топади. Баркарор пассивларга устав, резерв ва бошка капиталлар; узок муддатли карзлар; корхона айланмасида доимий мавжуд булган кредиторлик карзлари ( тулов муддатларининг узгариб туришидан келиб чикадиган иш хаки буйича карзлар, бюджетдан ташкари фондлара ажратмалар буйича карзлар, бюджетдан карзлар, харидорлар ва таъминотчилар билан хисоб-китоблар буйича карзлар ) киради.

Янги ташкил этилаетган еки кайта тикланаетган корхоналарнинг молиявий ресурслари молия бозорида акция сотиш, корхона томонидан чикарилаетан

кимматбахо коозларни сотиш оркали шаклланади. Корхоналар узлари карайдиан ассоциациялар, концернлардан молиявий ресурслар олишлари мумкин; тармок структуралари саклаб колинган холларда юкори ташкилотлардан, давлат бошкарув органларидан бюджет субсидиялари куринишида, сугурта ташкилотлардан хам молиявий ердам олишлари мумкин.

Молиявий ресурслардан фойдаланиш куйидаги йуналишлар буйича амалга оширилади:

- ишлаб чикариш харажатлари ва махсулот сотиш жорий харажатлари (хизматлар ва ишлар);
- ишлаб чикаришни кенгайтириш, уни техник жихатдан янилаш, номоддий активлардан фойдаланиш Билан болик булган капитал куйилмаларни молиялаш;
- молиявий ресурсларни кимматбахо коозлара инвестициялаш;
- молия, банк тизимларига куйилмалар, бюджетдан ташкари фондлара туловлар;
- турли хил пул жамгармаларини ва резервларини ташкил этиш;
- хомийлик ва мехр-шавкат максадлари ва х.к. ларга йуналтириш.

Тижорат корхона ва ташкилотлари молиявий фаолиятини юритиш маълум молиявий муносабатларга киришади. Бу ишлаб чикаришни ташкил килиш, махсулотларни сотиш, молия ресурсларни ташкил килиш, даромадни таксимлаш ва фойдаланиш муносабатларидир.

Тижорат корхона ва ташкилотларни молияси, ишлаб чикариш фонларини юзага келишида, ишлаб чикариш ва махсулот сотишда, узининг молиявий ресурсларини ташкил килиш, четдан молиявий манбаларни жалб килиш уларни таксимлаш ва узлаштириш каби иктисодий муносабатларда юзага келади.

Бутун корхонанинг молиявий муносабатларини иктисодий мазмунини куйидаги йуналишлар буйича тартиблаштириш мумкин:

**1.** Хужалик субъектининг бошлангич сармояни шакллантириш билан боглик булган омили. Бошлангич сармояни аник холда ташкилий, хукукий ташкил килиш, чунки бошлангич сармоя – ишлаб чикариш фондлари юзага келишида номоддий активларни эгаллаш манбаидир.

**2.** Ишлаб чикариш ва махсулот сотиш натижасида юзага келадиган янгидан яратилган кийматга богликлиги.

**3.** Бунга харидор билан етказиб берувчи транстпорт билан мижоз буюртмасини билан бажарувчи уртасидаги ва бошка пул маносабатлари киради.

**4.** Тижорат корхоналари ва ташкилотлари уртасида кимматбахо когозлар кадрсизлиниши ва уни жойлаштириш, узаро кредитлаш ва кушма корхоналарни ташкил килиш чогида уларнинг кушган хиссалари билан боглик булган.

**5.** Тижорат корхоналари ва ташкилотларининг алохида ходимлари уртасида акция, облигация чикариш ва жойлаштириш диведендтлар ва фоизлар таксимлаш ва жойлаштириш вактида юзага келадиган.

**6.** Хужалик субъектлари ва давлатлари ва давлатнинг молиявий тизими уртасида, соликларни ва бошка туловларни бюджетга утказиш, бюджетдан ташкари фондлар ташкил килиш, бюджетдан ассигнация олиш, солик имтиёзларига эга булиш молиявий жазолар куллаш.

**7.** Хужалик суъбектлари билан сугурта компаниялари уртасида мулкни ходимларни тадбиркорлик ва тижоратдаги таваккалчиликларини сугурталашда юзага

келадиган алокалар билан боглик йуналишлар, молиявий муносабатлар, пул муносабатларини бир кисми булиб, пул маблагларининг раел харакати натижасида пул фондлари микдорининг узгариши ёки яратилиши юз беради.

Хужалик субъектлари фаолиятини молиявий назорати куйидагиларда намоён булади.

Бевосита хужалик субъектларининг молиявий курсаткичларини тахлил килиш молиявий режаларнинг бажарилиши тезкорлик хамда товар моддий бойликларни буюртмачиларга, махсулот истеъмолчиларига давлат банклари олдидаги мажбуриятларини назорат килиш;

Солик органлари томонидан назорат килинган соликлар ва бошка хужжатларни уз вактида туланишини таъминлаш;

Молия вазирлиги томонидан корхона ташкилотларининг молиявий хужалик фаолиятини тафтиш килишда бюджет томонидан бериладиган маблагларнинг фойдаланишини назорат килиш.

Тижорат банкларининг ссудаларни бериш ва кайтариш чогида ва бошка банк хизматларини назорат килиш.

Мустакил аудит фирмаларини аудит текширишларни назорат килиш.

Тижорат корхоналари ва ташкилотларининг хужалик фаолиятидаги молиявий натижаларини яхшилаш молиявий ресурсларни бошкаришнинг шакли ва усулларини куллаш натижасидан далолат беради. Аксинча молиявий ресурслар бошкаришни ва ишлаб чикаришни ташкил килади, юл куйилган камчиликлар хужалик суъбектларини банкротлик даражасига тушиб колишига олиб келади.

Тижорат ташкилотлари ва корхоналаридаги молиявий муносабатлар хужалик фаолияти асосидаги алокаларга боглик булган маълум бир томойиллар асосида курилади. Корхона мустакиллиги уз-узини молиялаштириш моддий рагбатлантириш, моддий жавобгарлик ва молиявий жамгармалар билан таъминлашдир.

Бу тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойилларидан бири булиб хужалик субъектларини ракобатбардош рухини таъкинлаб беради. Уз-узини маблаг билан таъминлаб ишлаб чикариш харажатларини коплаш унинг ривожланишини керак булса тижорат ва банк кредитларини ошишини билдиради. Хозирги вактда тижорат корхоналари хам бундай имкониятга эга эмас.

Иктисодиётнинг бир неча тармоклари уз махсулотларини чикариш ва истеъмолчиларни объектив сабабга кура топа олмаслик ва ушнинг окибатида етарли рентабелликка эришмайди. Бунга шахар юловчи ташийдиган транспортлар комунал жой хужалиги, кишлок хужалиги мудофаа учун ишлайдиган саноат ва казиб чикарувчи тармоклар киради.

**Моддий рагбатлантириш тамойили** – фойда олишда тадбиркор фаолиятига объектив таъсир утказувчи омилдир. Хужалик фаолиятининг натижалари корхона колллективи ва ташкилотларнинг хар бир ходими ва бутун давлатнинг манфаатларини белгилаб беради.

Бу тамойилни амалга ошириш биринчи навбатда иш хакининг етарлигини, солик сохасидаги давлат сиёсатининг тугри йулга куйилишини соф фойданинг истеъмол ва жамгаришга таксимлашни, улар уртасидаги тахлил киланган иктисодий пропорцияни тугри белгилаш лозим.

**Моддий жавобгарлик тамойили** – молиявий хужалик фаолияти натижалари устидан маълум жавобгарлик тизимини талаб килади. Бу молиявий усулни амалга ошириш хар бир хужалик суъбектлари учун турлича булиши мумкин. Асосан хужалик субъектлари учун бу тамоилни амалга ошириш шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги. Корхона рахбарлари солик конунчилигини бузганлиги учун моддий жавобгарлик жарималар тизими кулланилади. Айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари учун жарималар мукофотлардан махрум килиш механт интизомини бузганлиги сифатсиз махсулотлар ишлаб чикканлиги учун ишдан бушатиш усуллари оркали кулланилади.

**Молиявий захираларни таъминлаш тамойиши** - тадбиркорлик фаолияти билан боглик булган таваккалчилик билан амалга оширилади. Бозор муносабатлари шароитида бундай таваккалчилимк тадбиркорнинг уз режаларини амалга оширишда узининг тамойилига ва таваккалчилигига асосланади. Хужалик субъектларининг харидорлар учун буладиган иктисодий курашида махсулотларини кредитга бериши ва бунинг учун уз вактида пулни кайтара олмаслиги холати шароитида юз беради.

Шунинг учун маълум бир буш колган пул маблагларни кадрсизланишини усиши даражасидаги фоизлар микдорида депозитларга куйиш ёки кимматбахо когозлар олиши ва бошка даромад келтирувчи сохаларга куйишади. Охир окибат ишлаб чикариш режаларини иктисодий хисобларини тугри олиб боришга имкон тугилади.

Конунчиликда бу тамойил очик ва ёпик турдаги хиссадорлик жамиятлари оркали намоён булади. Мулкчилик шаклидаги хужалик субъектлари захира жамгармаларини узининг соф фойдасидан солик ва бошка туловларни бюджетга утказиб булгандан кейин ташкил киладилар.

Хужалик субъектларини молиясини ташкил килишга иккита омил таъсир этади:

**1.** Хужаликнинг ташкилий хукукий шакли.

**2.**Тармокнинг техник иктисодий холати.

Хужаликнинг хукукий шакли Узбекистон Республикаси фукаролик кодексида хужалик субъектларининг хукукий маокми белгилаб берилган. Юридик шахс конунда ёзилади.

Тижорат ташкилотлари юридик шахс сифатида жамият ва хужалик ташкилотларини ишлаб чикариш кооперативларини давлат ва худудий корхоналар шаклида тузилиши мумкин.

Молиявий муносабатлар хужалик субъектларининг ташкил топган вактидаги бошлангич сармоянинг шаклланиши жараёнида бошланади. Хужалик юритишнинг ташкилий хукукий шакли бошлангич сармояни ташкил килиш жараёнидаги молиявий муносабатлар мазмунига караб белгиланади

Ёпик ва очик турдаги хиссадорлик жамиятларининг бошлангич сармояси хиссадорлик жамияти томонидан узлаштириб олинган актсияларниенг номинал кийматига боглик булади. Унинг микдорини конунда курсатиб бериш лозим.

Шундан куриниб турибдики, молиявий муносабатлар хужалик юритувчиларнинг ташкилий хукукий тизимига боглик экан. Молиявий муносабатларнинг мазмунидан келиб чиккан холда, хужалик субъектларининг молиявий ишлари унинг кайси тармокка тегишли эканлигидан техник иктисодий узига хослиги келиб чикади.

Тармокларнинг узига хослиги, унинг фондлари таркибига ишлаб чикариш жараёнлари узоклигига, маблаглар доиравий айланиш хусусиятларига оддий кенгайтирилган такрор ишлаб чикаришнинг молиявий манбаларини шакли ва кушимча махсулотда уз аксини топади.

Транспорт хизматидаги хисобкорни узига хослигидан асосий фондларнинг такрор ишлаб чикаришда пул маблагларининг маълум бир кисмини марказлаштирилган холда кайта таксимлаш зарурияти тугилади. Савдо корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чикариш билан истеъмолни богловчи булим булиб, товар шаклидаги ижтимоий махсулот доиравий айланишини охирига етказади ва шу билан бирга унинг доимий узулксизлиги таъминлайди. Бу сохани узига хослиги шундаки, у хам ишлаб чикариш характерида булган (саклаш, кадоклаш, навларга ажратиш, кишлок хужалик махсулотларини саклаш, кайта ишлаш ва бошкалар) операцияларини бажариш билан киймат шаклини узгариши билан боглик, яъни бевосита махсулот сотишга бориб такалади.

Хужалик субъектларининг Низом жамгармасининг бошлангич манбаларини ишлаб чикариш фондлари номоддий активлар ва айланма маблаглардан иборат булади. Мана шунинг хисобига тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун зарур шароитлар тугилади. Шундан кейин ишлаб чикарилган махсулот ( бажарилган ишлар курсатилган хизматлар)нинг яъни киймати яратилади ва махсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотиш бахоси аникланади. Унинг сотиш натижасида тушум пайдо булади ва у корхона хисоб ракамига  келиб тушади.

Тушумни бошлангич боскичи бу таксимот жараёни булади. Олинган тушум моддий харажатлар хом-ашё, ёкилги, электр энергия ва бошка мехнат предметлари учун сарфланади. Ундан кеинги таксимот асосий ва номоддий фондларни, такрор ишлаб чикаришнинг манбаи булган амартизация ажратмаларига ажратилади.

Амартизация ажратмалари пул шаклида асосий фондларнинг кучган бир кисмидир. Бу инвестиция жараёнининг молиявий манбаидир.

Амортизация ажратмалари асосий фондларнинг меъёрий муддат даврида утказилади утказилишининг учта усули мавжуд:

**1)** Тенг микдорларда утказиш.

**2)** Бажарилган ишлар хажмига караб.

**3)** Амортизация муддатларини хисобига.

Биринчи усули асосий фондларнинг меъёрий муддатларига асосланади.

**1.** Амортизация меъёри мехнат воситаларининг жисмоний ва маънавий эскириш ва асосий фондлар кийматининг меъёрий муддатларига боглик холда белгиланади.

Аммортизация меъёри асосида фондларни ривожлантириши хусусиятларига боглик холда белгиланади

Аммортизация ажратмалари микдорининг иктисодий асоси биринчи навбатда асосий воситалар кийматига этибор берилади. Хозирги вактда инфляциянинг кучайиши асосий фондларнинг баланс кийматини хозирги бахоларда такрор ишлаб чикаришни белгилаш нуктаи назарида куриб чикиш лозим.

**2.** Иккинчи усулда бу казиб чикарувчи ва тарнспорт тармокларида бажарилган иш хажмига караб белгиланади. Бу ерда аммортизация уша объектга фойдаланиш натижасида юз беради, хеч кандай рол уйнамайди.

**3.**Учинчи усул аммортизациянинг муддатларини тезлаштиришда аммортизациянинг катта кисми биринчи йили колган кисми иккинчи йили утказилади. Турли мамлакатларда бу жараён асосий фондларнинг янгилаш хисобига хамда инфляция натижасида берадиган йукотишлар механизми сифатида каралмокда.

Хужалик фаолиятини юритиш учун корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чикариш фондлари асосий ва айланма фонларга булиниши лозим.

Асосий ишлаб чикариш фондлари ва номоддий активлар ишлаб чикариш жараёнида уз кийматларини яратилаётган тайёр махсулот булиб утказади.

Уларнинг доиравий айланишига куйидагилар:

**1)** асосий фондлар ва номоддий активлар эскириши;

**2)** аммортизация ажратмалари;

**3)** тула тикланиш учун маблаглар жамгармаси;

**4)** бевосита инвестицияни молиялаштириш йули киради.

Тижорат корхоналари ва ташкилотлари учун асосий фондларни шакллантиришнинг асосий усуллари:

**а)** узок муддатли инвестициялар оркали.

**б)** хиссадорлик жамиятларини муассислари сифатида низом капиталига уз хиссаларини кушиш.

Хужалик субъектларининг маблаги деганда уларнинг муассаса сифатида кушган улуши, фойда ва аммортизация ажратмалари тушунилади. Молиявий маблагларни жалб килиш деганда акцияларни жойлаштириш мехнат жамоаларини аъзолик жисмоний ва хукукий шахсларнинг туловлари тушунилади.

Давлат томонидан марказлашган холда капитал куйилмаларни молиялаштириш факат давлат микёсида зарур булган курилма ва объектлар учун ажратилади.

Капитал таъмирлашни молиялаштириш, хужалик субъектлари томонидан режалаштириш асосида махсулот олиб борилади хамда уни таъмирлаш учун килинган харажатларини 3 та йули бор:

- капитал таъмирлашни бажариш чогида килинган харажатлар хар бир килинган харажатлар елементи буйича;
- махулот таннархи хисобига бошка харажатлар таркибида булиши;
- килинган харажатлар, келгуси даврларга олиб борилади ва ойма ой ишлаб чикариш харажатларидан учириб борилади.

Ишлаб чикаришни айланма фондлари бу буюм куринишида мехнат предметлари ва мехнат куролларидан иборат булиб, унинг таркибига кам кийматли ва тез эскирувчи предметлар хам киради. Ишлаб чикаришнинг айланма фондларини ишлаб чикариш жараёнида хизмат килиб, уз кийматини тула яратилаётган махсулотга утказади.

Ишлаб чикаришнинг айланма фонди ва муомала фонди доимий харакатда булиб, доиравий айланишни узлуксизлигини таъминлайди, яъни киймат пул шаклидан товар шаклига, кейин ишлаб чикариш ва яна товар ва пул шаклига айланади. Шундай килиб, ишлаб чикаришнинг айланма ва муомала фондларининг доиравий узлуксизлигини таъминлаш максадида ишлаб чикариш захираларини ташкил килиш, тугалланмаган ишлаб чикариш, тайёр махсулот ва унинг реализацияси тухтамаслик зарурдир.

Фойда иктисодий категория сифатида, кушимча мехнат натижасида яратилган соф даромадлар. Фойданинг уч вазифаси булиб, улар хужалик фаолиятини натижаларини молиявий характерини курсатувчи иктисодий курсаткич:

- таксимлаш ва фойдаланиш жараёнида унинг рагбатлантирувчи вазифаси;
- корхона ва ташкилотларнинг молиявий шаклланишининг хамда давлат бюджетининг даромад кисмини асосий манбаидир.

Хужалик субъектлари олаётган фойда микдорига объектив ва субъектив омиллар таъсир килади. Субъектив омилга тадбиркорлик фаолиятини бошкаришнинг ташкилий техник даражаси, ишлаб чикарилаётган махсулотларни ракобатбардошлиги, мехнат унумдорлиги даражаси ишлаб чикариш ва махсулот реализациясидаги харажатлар ва унинг бахоси киради.

Объектив омилга истеъмол килинадиган моддий энергетика ресурсларининг бахо даражаси аммортизация ажратмалари бозор коньюктураси.

Хозирги иктисодиётда инфляция товар ишлаб чикарувчиларнинг монопол хукмронлигида фойда факат товар бахоларини ошириш хисобига яъни инфляциянинг усиши хисобига бормокда. Ишлаб чикариш хажми билан фойда микдори уртасида богликлик булмаяпти.

Фойда эхтиёжининг турли томонларини молиялаштириш манбаидир. Унинг таксимлаш жамият тимсолида давлат хужалик субъектлари ва уларни шерикларини ва сиёсат ходимларининг манфаатлари узаро туknашади. Таксимот объекти ялпи фойдадир.

Фойданинг таксимланиши конунчилик асосида бир кисми давлат бюджетга, махаллий бюджетга соликлар ва туловлар сифатида амалга оширилади акционерлик жамиятлари учун конунчилик билан фойда соликка тортилгунча резерв фондларни ташкил килиш тартибида ишлаб чикарилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг максади, нафакат фойда олиш, шу билан бирга хужалик фаолиятини юкори рентабеллигини таъминлашдан иборатдир. Фойда рентабеллиги корхонанинг даромадлилик даражасини курсатади. Рентабелликнинг учта курсаткичи мавжуд: махсулот рентабеллиги, ишлаб чикариш фондлари рентабеллиги ва корхонанинг куйилмалари рентабеллиги.

Махсулот рентабеллиги бу барча махсулотларни сотиш сифатида хамда алохида махсулотрлари тушунилади. Биринчи холатда махсулот сотишнинг шу махсулотларнинг ишлаб чикариш ва сотиш учун килинган харажатларига нисбатан фоиз хисобида аникланади.

Махсулотнинг баъзи турлари бахога караб реализатсия килинган махсулотнинг тула таннархига боглик булади.

Ишлаб чикариш фондларининг рентабеллиги маълум даврда олинган фойда микдорининг шу вактда фойдаланилган йиллик асосий ишлаб чикариш фондлари ва асосий воситалар киймати йигиндисига нисбати сифатида хисобланади. Бу курсаткич, соф фойдани аниклашда хисобга олинади.

Хозирги вактда корхоналарнинг молиявий ишларини ташкил килиш, узининг сифат жихатдан янги мазмуни ташкил килинмокда, бу бозор муносабатларини объектив таъсири натижасида юз бермокда. Бозор иктисодиёти шароитида молиявий хизматнинг мухим вазифалари, банк бюджет, буюртмачилар, узининг ходимлари ва

бошка молиявий мажбуриятлар билан бир каторда молиявий менеджментликни ташкил килишдан хам иборат эканлигини билмогимиз лозим.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Молиявий ресурлар нималардан иборат?**
2. **Молиявий мажбуриятларнинг тушунчаси**
3. **Фойдани тушунчаси**
4. **Узок муддатли карзлар, кандай карзлар?**
5. **Молиявий ресурслардан фойдаланиш йуналишлари нималардан иборат?**
6. **Тижорат корхона молиясини кандай функциялари мавжуд?**
7. **Корхоналарда молиявий муносабатлар кандай юналиш оркали тартибланади.**
8. **Корхоналар молияси ташкил килинганда кандай тамойилларидан фойдаланилади?**
9. **Хужалик субъектларини молиясини ташкил килишда кандай омиллар таъсир этади?**
10. **Молиявий фаолият деганда нимани тушунасиз?**
11. **Аудит деганда нимани тушунасиз?**
12. **Моддий жавобгарлик тамойили кандай тамойил?**
13. **Молиявий захира нима?**
14. **Хужалик субъектлари деганда нимани тушунасиз?**
15. **Аммортизация ажратмалари кандай ажратмалар?**

## *11- МАЪРУЗА:* **Нотижорат фаолиятини олиб борувчи муассасалар ва ташкилотлари молияси.**

Р Е Ж А :

11.1Нотижорат асосида фаолият курсатувчи ташкилот, муассасалар, молиявий ресурсларининг манбалари.

11.2.Нотижорат асосида фаолият курсатувчи субъектларнинг хужалик ва молия механизми.

11.3.Молия режасининг мохияти.

11.4.Бозор иктисодиётига утиш шароитида молиявий режалаштиришдаги узгаришлар.

11.5.Молиявий режанинг асосий вазифалари.

11.6.Молиявий режани тузиш тартиби.

11.7.Молиявий режанинг булимлари.

Адабиётлар:1,3,45,67,23,40,80,79

Таянч иборалар: нобозор сектори,молия механизми, молиявий режа,норматив,жараен,товар захиралари,пул маблаглари, муомала харажатлари, банк кредитлари, пул харажатлари, фойда,объект, субъект, экстрополяция усули, баланс.

Нотижорат асосида фаолият курсатувчи ташкилот ва муассасалар турли хизматлар - ижтимоий характердаги, бошкарув, ижтимоий тартибни саклаш, мамлакат мудофааси ва хоказолар курсатади. Якин вактларгача бу муассасаларнинг деярли барча харажатлари бюджетдан молиялаштирадилар, истеъмолчиларга асосан бепул хизмат курсатилар эди.

Кейини йилларда эса нотижорат асосида фаолият курсатувчи муассасалар утказмалари асосида молиявий манбалар таркиби анча кенгайди.Иктисодиетнинг нотижорат сектори: ташкилот ва муассасалари молиявий ресурслари бу уз фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш учун турли манбалардан жалб этиладиан пул маблагларидир. Молия ресурсларининг юзаа келиш сабаблари иккита омилга боглик; курсатилган хизмат турлари ва хизмат курсатиш характери (пули ва бепул). Бунда хизматларнинг бири «дастлабкиси, биринчи даврда бепул хизмат курсатиши, бошкаси факат пули, учинсиси, иккитасининг йигиндиси булиши мумкин)

Иктисодиетнинг нобозор секторига ижтимоий-маданий характердаи хизматлар киради. Улар турличадир ва шунга кура истеъмолчиларга дастлабки даврда пули хамда бепул курсатилиб, кейинчалик молиялаштиришнинг турли манбаларига эа булади. Ижтимоий-маданий талаблар учун йуналтирилган молиявий ресурсларнинг аник таркиби авваламбор талаб характерига боглик булади.Бунда талабларни уч гуруха ажратиш мумкин: жамият учун мухим ахамиятга эа булган талаблар- бу талаб таъминоти хар бир фукаро оладиан даромада боглик булмай, балки давлат

конституцияси оркали кафолатланган булиши керак. Буларнинг молиялаштириш манбаи булиб, бюджет ва ундан ташкари ажратиладиган умумдавлат молия ресурслари хисобланади. Умумий характерга эа булган, бирок умумдавлат ресурсларидан зарурий минимум микдордаги таъминоти бошланган норматив даражасида бошка молиявий манбалар хисобидан, шу жумладан ахолии маблаглари хисобидан амала оширилади.

Хозири вактда турли хизмат курсатувчи, корхона ва муассасаларни молиялаштириш учун куйидаги манбалардан фойдаланилаяпти:

- белгиланган нормативлар асосида ташкилот ва муассасаларга ажратилган бюджет маблалари. Бюджетни молиялаштириш нормативлари давлат томонидан истеъмолчига бериладиган и шва хизматлар бахоси ролини уйнайди. нормативлар тегишли йуналишдаги ижтимоий-маданий муассасалар фаолиятининг якуний натижаларига каратилиши лозим.

- давлат ва махаллий, хусусий ва кооператив корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, ахолии, бажарилган иш (хизмат) учун бериладиган пул маблаглари, юридик шахслар шартномаси ва ахолии буюртмаси буйича утказиладиган пулли намойишлар. Бунга фукаролар тиббий хизмати сохаси буйича киладиган нормадан ортикча хизматлар учун пул маблагларининг келиши, халк маорифи сохасидаги кушимча хизматлар киради. Тузиладиган шартномалар хизмат хажми тузилиши ва сифати, муассасанинг материал ва молиявий ресурслари Билан таъминлаш тартиби, буюртмачи маблагидан молиялаштириш шакллари ва бошкалар курсатилади. Муассаса томонидан кушимча иш берилганда бюджет ажратмаси суммаси мос равишда камаймайди, шартнома буюртма буйича олинган пул маблаглари муассаса молиявий ресурсларидан камайтиради;

- ахолии ва бошка истеъмолчиларга пули хизматдан келадиган тушум (турли хил кургазмалар, конкурслар,фестиваллар,билетлар сотиш ва узида ишлаб чикарилган буюмларни сотиш. Пули хизмат истеъмолчилар тегишли амалдаги прейскурант ва таърифлар буйича курсатилади, бунда пуллик хизмат курсатиш бюджетдан молиялаштириладиган фаолият урнига амала оширилмайди;

-бино, иншоат ва ускуналарни ижарага беришдан тушадиган тушум, турли ижтимоий фондлар, айрим фукаролар томонидан кайтариб бермаслик асосида ташкилот ва муассасаларга бериладиган моддий бойликлар;

- бошка пул тушумлари.

Иктисодиетнинг нобозор секторидаги корхона ва муассасаларда молиявий ресурсларни ишлатиш ва жалб килиш хужалик юритиш усулига караб турлича олиб борилади Смета молиялаштириш ва тулик узини коплаш учун ажратилади.

Смета молиялаштиришда истеъмолчиларга асосий хизматлар, бепул курсатилади. Молия ресурслари ташкил топишда асосий манба булиб, даромад ва харажат сметасида курсатилган бюджет маблаглари хисобланади. Ташкилот ва муассасалар бюджет ажратмалари Билан биргаликда сметада курсатилган бошка маблагларни хам ишлатади.

Узини коплаш ва молиялаштириш асосида фаолият юритувчи ташкилотлар харажати номоддий хизматлар хисобига копланади.Уларга айрим маданий-маориф ташкилотлар, алохида тиббий муассасалар, санъат муассасалари ва бошкалар киради.

Нотижорат асосида купгина ижтимоий бирлашмалар уз фаолиятини юритадилар (иждий иттифоклар, ташкилотлар, хайр-эхсон фондлари, ассоциациялар ва бошкалар). Уларнинг молиявий узаро алокаси корхонанинг уз хусусияти ва ташкилотлар фаолияти характери Билан фаркланади. Жамоат ташкилотлари тузиш эркинлиги шунга олиб келадики, уларнинг молиявий узаро алокаси корхонанинг уз хусусияти ва ташкилотлар фаолияти характери Билан фаркланади.

Бозор иктисодиёти муносабатларига утиш жараёни барча жабхаларда янгича фикрлаш ва тадбиркорликни талаб этади.

Бунинг учун корхоналар, ташкилотлар, бирлашмаларда янгича иш усулларига утиш, капиталистик дунё, бой тажрибасини иктисодиётга жорий этиш ва бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар каторида урин олиш, барча инкирозни бошидан кечираётган давлатларнинг асл орзусидир. Албатта бундай даражага молиявий жихатдан мустахкам булиб олгандан кейингина эришиш мумкин.

Молиявий режалаштириш куп жихатдан ишлаб чикариш ижобий махсулининг кафолати булиб хизмат килади. Маблаглар ва уларнинг харакатини олдиндан билмасдан туриб аник бир ишга кул уриш жуда мушкул. Ана шу мушкулни молия режаси осонлаштиради. Иктисодий жихатдан молиявий режалаштириш куйдаги принциплар асосида амалга оширилади. Бу принциплар каторига демократив марказлаштириш ва илмийлик принципи етакчи рол уйнайди.

Илмийлик принципи кенг тушунча булиб, унинг мезони режа курсаткичларига иктисодий ривожланиш коидаларининг тугри келишидир. Бу принципда куйидагилар кайд этилади:

1. Молия режасининг аник ва узгармаслиги.
2. Молия режаси курсаткичлари ишлаб чикариш натижаларига мос келиши.
3. Илмий асосланган норма, нормативлардан фойдаланиш.
4. Иктисодий методлардан фойдаланиш.
5. Режалаштириш узлуксизлик жараёнини таъминлаш.

Молия режасини аник тузиш режалаштиришда асосий боскич булиб хисобланади. Куп холларда ноаник тузилган режалар узининг салбий окибатларини курсатгани кайд этилади.

Молия режасида курсатилган курсаткичлар канчалик аник булса хисобот курсаткичларига шунчалик якин булади.

Ишлаб чикаришда илмий асосланган норма ва нормативлардан фойдаланиш ишнинг маромийлигини таъминлайди. Иктисодий кийинчиликларни чунончи товар захираларини тупланиб колиш, айланма маблаглар айланишини секинлашуви ва уларнинг кай микдорда зарурлигини белгилаб берувчи омил булиб хизмат килади.

Айрим корхоналарда норма ва нормативлардан фойдаланмаслик окибатида ортикча ёки кам махсулот ишлаб чикарилади. Бу эса шу корхонанинг жамоа ахволини заифлашувига олиб келади. Ушбу кийинчиликларни иктисодий томондан куйидагича гурухларга ажратиш мумкин:

1. Корхонада товар захираларини тупланиб колиши вужудга келади.
2. Пул маблаглари айланишдан четлатилади.
3. Тузилган шартномалар микдори купаяди.
4. Муомала харажатлари купайиб кетади.

**5.** Банкдан олинган кредитлар уз вактида кайтарилишига тусиклар юзага келади ва хоказо., чунки бу режада маблагларни кайси тармокка купрок жалб килиш, фойдали звено кайси, кандай килиб юкори рентабелликка эришиш мумкин. Кискача, корхонанинг молиявий мустахкамлаш йуллари иктисодий санокларда уз аксини топади.

Демак корхоналарда молиявий режалаштиришнинг мохияти шундаки, бу режалаштириш оркали ишлаб чикариш потенциали ортади, натижада хар кандай ишлаб чикаришнинг асосий максади булган фойда микдори усади.

Бу эса уз навбатида шу ишлаб чикаришда банд булган ишчи – хизматчиларининг турмушини фаровон булишига асос булиб хизмат килади.

Умумий жихатдан олганда молиявий режалаштиришнинг мохияти – бу инсоннинг яхши яшаши, порлок келажаги учун хизмат килишидадир.

**Молиявий режалаштиришнинг объекти** – бу давлат ва хужалик субъектларининг молиявий фаолияти хисобланади. Молиявий режаларнинг шакли корхоналар, муассасалар ва бирлашмаларнинг ишлаб чикариш хамда хизмат курсатиш фаолиятидан келиб чикиб, алохида муассасасинг «Сметаси»дан бошлаб, давлатнинг «йигма молиявий баланси»гача булади. Хар бир молиявий режада маълум бир муддатга мклжалланган даромадлар ва харажатлар хамда молия сохалари ва кредит тизими билан алокалари (бадаллар, ажратмалар, бюджетга соликлар, банк кредити учун туловлар ва бош.) Аник килиб белгиланади. Молия тизимининг барча бугинлари молиявий режалаштиришни амалга оширади, бирок молиявий режасининг шакли, таркиби, тузилиши ва хажми хар бир туриннинг узига хос хусусиятидан келиб чикади. Масалан, тижорат асосида фаолият курсатаётган хужалик субъектлари «даромадлар ва харажатлар баланси» шаклидаги солик режасини тузса, нотижорат асосида фаолият курсатаётган хужалик субъектлари «смета харажатлари» тузади, жамоа бирлашмалари, кооператив, сугурта ташкилотлар молиявий режалар тузса, давлат бошкарув органлари, махаллий органлари махаллий бюджетларни тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг муайян вазифалари молиявий сиёсат томонидан белгиланиб, куйидаги курсаткичларни камраб олади:

- режа топширикларни бажариш учун зарур булган пул ресурслари ва уларнинг манбаларини аниклаш;
- даромадлар хажмини ошириш ва харажатларни тежаб иктисод килиш;
- марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари уртасида пул ресурсларини таксимлашда оптимал пропорцияни белгилаш ва бошкалар.

Маъмурий кумондонлик бошкаруви тизимида пул даромадлари ва жамгармаларининг шаклланиши ва таксимланиши, уларни марказлашган ва марказлашмаган пул фондларига гурухлаш деректив режалаштириш оркали амалга оширилар эди. Директив ривожлантириш бошкарув тизими функцияларидан бири булиб, узгармас катъий хусусияти билан ажралиб туради. Бозор иктисодиёти шароитида режалаштириш бошкарув тизимининг асосий функцияси була туриб, давлатнинг иктисодий ва социал фаолиятини туликлигича камраб олмайди.

Агар режали иктисодда молияни бошкариш жараёнида, асосан, таксимлаш сохасига эътибор каратилган булса, бозор иктисодиёти шароитида эса ишлаб чикариш жараёнининг айирбошлаш сохасига асосий эътибор каратилади. Чунки,

айирбошлаш оркали махсулот ишлаб чикаришга хамда сотилишига кетган махсулот зарурий харажатлар том маънода тан олинади.

Бозор иктисодиёти режалаштиришни рад этмайди, аммо маъмурий буйрукбозлик иктисоддаги режалаштиришга нисбатан эгилувчан ва давр талабига мос харакат кила оладиган булади. Бозор иктисодиёти шароитида бундай ижобий натижага эришиш тахлиллаш ва программалаш оркали амалга ошади.

Молиявий курсаткичларнинг тахлилий ва режали хисоботлари турли хил усулларда кулланилади. Аммо асосийлари хакида куйидагиларни курсатиш мумкин.

- Экстраполяция усули
- Норматив усули
- Баланс усули
- Математик моделлаштириш усули

Экстраполяция усулининг мохияти шундан иборатки, хужалик фаолиятининг давр молиявий натижаларини ижобий ва салбий томонларини зимдан хисобга олиб, келгуси давр режалаштиришда улар эътиборга олиниши зарурлигини курсатади.

Масалан, утган йили даромадлар тушуми 2.000 млрд сумни ташкил килган, режада эса 1.900 млрд сум эди. Келгуси йили реда 1.950 млрд сум килиб белгиланиши зарур. Бу экстраполяция усулининг ижобий курсаткичидир. Мазкур усулнинг салбий курсаткичи вужудга келганда куйидаги куриниш вужудга келиши зарур.

Утган молия йили даврида режа буйича 1990 млрд сум, тасдикланган. Бирок, хакикатда, 1800 млрд сум даромад маблаглари шаклланди. Бундай холатда келгуси йилги молия режаси даромадлар буйича 1850 млрд сумни ташкил килиш лозим.

Норматив усулдан фойдаланиш белгиланган, тасдикланган норма ва нормативларга таянган холда бажарилади.

Математик моделлаштириш усули реал иктисодий ва социал жараёнлар окимини акс эттирувчи молиявий моделлари куринишида гавдаланади.

Баланс усулида, молиявий ресурсларнинг шаклланиши манбалари ва улардан фойдаланишдаги богликлик хамда тенгликни таъминлаш уз ифодасини топади.

Режали иктисод даврида куплаб деректив ва адресли режалар кабул килинар эди, шу жумладан, молия режа – режалар кабул килинганда чамалаш (прогноз) усулидан фойдаланиш рад этилмасди. Иктисодий ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор иктисодиёти шароитида асосий элементлар куйидагилар хисобланади: нарх-наво, товар ва хизматларга талаб ва таклиф, ишчи кучи, ссуда капиталлари, ракобат ва бошкалар.

Бахонинг тебраниши ва унинг микдори товар ва хизматларга булган талаб ва таклифларга боглик булади. Бундай шароитларда бошкаридиган ассортиментини аниклайдиган, бозорни бошкарадиган тизимнинг мавжудлиги булиши зарур. Бозорни ташкил килиш, унинг тахлили ва режалаштириш элементлари билан бошкариш маркетинг оркали ташкил этилади.

Бозор иктисодиёти шароитида утказилаётган иктисодий ислохотларда молиявий режалаштириш бошкарувнинг асосий фунцияси булиб колмокда ва хужалик юритишнинг давр талабларига мослашмокда. Бундай холат тармоклар иктисодидаги бюджетдан молиялаштирилаётган маориф, согликни саклаш ва бошкарув йуналишларида хам ижобий узгаришлар билан кузатилмокда.

Жумладан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Давлат бюджети хисобига маблаг билан таъминланадиган тармокларда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблагларидан самарали ва аник фойдаланиш максадида 3 сентябр 1999 йилда карор кабул килди. Ушбу карорга мувофик, юридик шахс макомига эга булган бюджет ташкилотларига ривожлантириш жамгармасини шакллантириш хукуки берилиб, жамгарманинг куйидаги молиявий манбалар хисобидан шаклланиши кузда тутилган:

- режага мувофик бюджетдан маблаг билан таъминлаш хисобига тушган ва хисобот чорагининг охирги иш кунида бюджет ташкилотлари хисоб варакаларида колган, тежаб колинган (фойдаланмаган) маблаглар (капитал куйилмаларни маблаг билан таъминлаш учун назарда тутилган маблаглар бундан мустаснодир);

- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофик товарлар (иш, хизматлар) ишлаб чикариш ва сотишдан олинган даромадлар ;

- вактинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошка мол-мулкини ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблагларнинг 50 фоизи, колган 50 фоиз маблаг махаллий бюджетлар даромадига утказилиши белгилаб куйилган;

- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган хомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) хисобига шакллантирилади.

Мазкур молиявий жамгармаларни куйидаги йуналишларда фойдаланиш режалаштирилган:

- аввало, мавжуд кредиторлик карзларини тулашга;

-бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустахкамлаш тадбирларига;

-ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рагбатлантириш тадбирларига ва бошка йуналишларга тааллукли тадбирларга.

Молия режаси корхона даромад ва харажатларини балансдалигини ифодаловчи хужжатдир. Молия режасининг даромадлар ва харажатлар кисми алохида харакат турлари хамда уларни коплаш манбалари аникланганда сунг тузилади.

Режада курсатилган молиялаштириш манбалари ва хажми, режа хажми ва капитал куйилмаларни молиялаштириш режаси курсаткичларига тугри келиши керак. Бунинг учун албатта молия режасидаги даромад ва харажатлар алохида кисмлар буйича узаро балансда булиши шарт. Хар бир харажат турлари буйича балансга эга булиб туриб, уларни коплаш мабалари излаб топилади.

Молия режасининг асосий вазифалари булиб куйидагилар хисобланади:

1. Хужалик фаолиятини амалга ошириш учун молиявий ресурслар излаб топиш ва аниклаш;

Корхона хужалик фаолиятини таъминловчи воситалар юналишини ва улардан максадли фойдаланиш йулларини ифодалаш.

Давлат бюджети, давлат банки ва юкори ташкилотлар билан буладиган молиявий алокаларни аниклаб бериш ва бошкалар.

Куриниб турибдики, молия режасида корхона учун зарур барча курсаткичлар кайд этилади ва у назорат килиб борилади. Ушбу молия режасини тузиш учун эса бир канча хужжатлар талаб килинади:

**1.** Реализация хажмини режаси.

**2.** Пул харажатлари ва тушум баланси.

**3.** Даромадлар ва харажатлар жадвали.

**4.** Корхона актив ва пассивларнинг йигма баланси.

**5.** Фойдани критик нуктаси графиги.

Юкорида кайд этилган хужжатар жахон бухгалтерия хисобига асосланган булиб бизнинг республикамизда хам узининг урнини топмокда. Бу хужжат «Бизнес - режа» деб аталади.

Реализация хажмининг режаси. Бу хужжат корхонанинг узининг махсулоти билан бозорда тутадиган улуши курсатади. Бундай режа 3 йилга тузилади.

Биринчи йилнинг курсаткичлари ойларга булинади, иккинчи йилники кварталларга, учинчи йилга тузилган режада 12 ой давомида сотиладиган махсулотнинг умумий суммаси курсатилади.

Шундай килиб биринчи йилда махсулот сотиб олувчилар билан олдиндан шартнома тузилган булади. Иккинчи йилда эса факат режа килиш мумкин, чунки иккинчи ва учинчи йилларнинг шартномаси булмаслиги мумкин – бу бозорнинг талаб ва таклифига боглик.

Пул харажати ва тушумлар балансида махсулот ишлаб чикарилгандан сотилгангача пул маблагларнинг махсулот ва харажати курсатилади. Демак бу курсаткич корхонанинг ликвидлигини аникланди.

Даромадлар ва харажатлар жадвалида куйидаги курсаткичлар ифодаланади

**1.**Товар сотишдан даромад.

**2.**Товар сотиш харажатлари.

**3.** Сотишдан олинган фойда /1-2/.

**4.** Ишлаб чикариш умумий харажатлари /турлари буйича/.

**5.** Соф фойда / 3 - 4/.

Бу хужжатда фойданинг узгариши курсатилади биринчи йилда – ойлар буйича, иккинчи йилда – кварталлар буйича, учинчи йилда эса – йил давомида.

Корхона актив ва пассивларнинг йигими баланси . Биринчи лойиха реализация килингандан йилнинг бошига ва охирига тузилади. Бу хужжатда караб тижорат банклари корхонанинг кайси актив кисмига пул утказишни аниклайдилар.

Фойдани критик нуктаси графиги фойдага таъсир этувчи омилларни курсатади ишлаб чикариш хажми, сотиш бахоси ва мехнат таннархи.

Шундай илиб бозор иктисодиётига утиш даврида корхоналарда тузиладиган молия режасининг формаси хам турлари узгариб бормокда. Бугунги кунда эса корхоналарда тузиладиган молия режасини формаси «Даромад ва харажатлар баланси» деб аталади, турлари эса – бир йиллин, бир ойлик ва дакадаларга тузилади.

Молия режаси даромад ва харажатлар формасида булиб куйидаги булимларни уз ичига олади:

**1.** Даромад ва тушумлар..

**2.** Харажатлар ва тушумлар.

**3.** Бюджетга туловлар.

Молия режасининг даромад ва тушумлар кисмида фойда даромад,амортизация ажратмалари, корхоналарга юкори ташкилотлардан тушадиган тушум, ота-оналардан /мактабгача муассасаларни саклаш учун/ тушумлар хам акс эттиради.

Юкори акс эттирлган барча даромадлар ва тушумлар молия режадаги харажатлар ва ажратмалар булими курсаткичлари умумий суммасига тенг булиши керак.

Молия режасининг харажатлар ва ажратмалар кисмида таъминот ишлаб чикариш, автотранспорт ва бошка хизмат турлари буйича килинадиган барча харажатлар курсатилади. Бу харажатларга ремонт харажатлари, турли фондларга ажратмалар, узок муддатли кредитларни коплаш харажатлари, автотранспорт курилишига ажратмалар, хамда операцион харажатлар, маданий ташкилотлари ва пионер дам олиш лагерларига килинадиган харажатлар ва бошка харажатлар курсатилади.

Ана шу курсатилган барча харажат ва ажратмалар молия режасидаги даромадлар ва тушумларнинг умумий суммасига тенг булиши керак.

Молия режасининг яна бир булими «Бюджет билан алокалар» булимидир. Ушбу булимда бюджетга тулов ва бюджетдан килинадиган ажратмалар курсатилади.

Бюджетга туловлар кисмида куйидагилар курсатилади:

- мулкдан олинадиган солик;
- даромаддан олинадиган солик;
- ер солиги /ер учун туланма/;
- кушилган кийматдан олинадиган солик;
- акциз солиги;
- экспорт бож пошлиналари;
- импорт бож пошлиналари;
- четга сикариладиган моллардан олинадиган солик;
- транспорт эгаларидан олинадиган солик;
- даромад солиги;
- бошка соликлар.

Бюджетдан ажратмалар кисмида турли маросимларни утказиш учун килинадиган ажратмалар, болалар муассасаларини саклашга ажратмалар, ва бошкалар курсатилади.

Молия режасининг харажатларидан усган кисми бюджетга килинган туловнинг бюджетдан ажратилган маблагларнинг усган кисмига тенг булиши керак.

Корхонанинг молия режасини тузишдан олдин биринчи хисоб –китоблар тузилади, шу жумладан :

- махсулот /ишлар, хизматлар/ сотишдан тушган пул /ялпи даромад/;
- аммортизация ажратмалари ва ундан фойдаланиш ;
- корхонанинг айланма маблагларига булган эхтиёжи ва уни коплаш манбалари;
- корхонанинг фойдаси /даромад/, тугри ва аналитик усулларини хисобга олган холда;
- рентабеллиги ва уни аниклаш турлари;
- капитал куйилмаларнинг хажми ва молиялаштириш манбалари;
- корхонанинг кредитга булган эхтиёжи;
- корхона балансидаги уй-жой коммунал хужалик харажат ва даромадининг сметаси;
- бюджетга соликлар ва туловлар.

Юкоридаги курсаткичларни хисоблагандан кейин корхонанинг фойдаси /даромад/ таксимланади. Шундан кейин молия режаси тузилади ва уни текшириш учун шахмат жадвали тузилади.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Нотижорат ташкилотларнинг молиявий ресурслари нималардан иборат?**
2. **Нотижорат асосида фаолият курсатувчи субъектлар?**
3. **Нотижорат асосида фаолият курсатувчи ташкилотлар?**
4. **Молиявий манбалар тушунчаси?**
5. **Бюджетдан молиялаштириш?**
6. **Смета асосида молиялаштириш?**
7. **Молиявий режа кандай принциплар асосида амалга оширилади?**
8. **Молиявий режалаштиришнинг объектини таърифлаб беринг?**
9. **Кандай молиявий режанинг шаклларини биласиз?**
10. **Молиявий режалаштиришнинг кандай курсаткичлар оркали амалга оширилади.**
11. **Молиявий режалаштиришни таърифлаб беринг?**

## *12- МАЪРУЗА:* Молия-саноат гурухлари. Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш.

Р Е Ж А :

12.1 Корхоналарни молиялаштириш принциплари.
12.2 Корхона фаолияти самарадорлиги курсатгичи.
12.3 Молиявий рискларнинг мохияти.
12.4 Кредитлаштиришнинг мохияти.
12.5 Кредит шартномасининг мазмуни.

Адабиетлар: 1, 3, 6, 8, 25, 45,23

Таянч иборалар: молиялаштириш, кредитлаштириш, самарадорлиги, рискларнинг тури, молиявий риски, кредит шартномаси.

Тижорат ташкилотлари ва корхоналаридаги молиявий муносабатлар хужалик фаолияти асосидаги алокаларга боглик булган маълум бир тамойиллар асосида курилади. Корхона мустакиллиги уз-узини молиялаштириш моддий рабатлантириш, моддий жавобгарлик ва молиявий жамгармалар Билан таъминлашдир.

Бозор муносабатларининг ривожланиши хужалик субъектларининг мустакиллигини кенгайтириб юборди, хамда пул маблагларини инвестицияга жалб килиш имкониятларини очиб берди. Кушимча фойда олиш максадида фирмалар киска ва узок муддатли инвестицияга, кимматбахо когозлар олишга, ишлаб чикаришга

бошка хужалик субъектларининг бошлангич сармояси хиссаларини кушишади ва тижорат банкларида пул маблагларини узларининг хисоб ракамларига куймокдалар.

Иктисодиетнинг бир нечта тармоклари уз махсулотларини чикариш ва истеъмолчиларни объектив сабабларга кура топа олмаслик ва шунинг окибатида етарли рентабеликка эришмайди. Бунга шахар йуловчи ташийдиган транспортлар коммунал жой хужалиги, кишлок хужалик, мудофаа учун ишлайдиган саноат ва казиб чикарувчи тармоклар киради.

Моддий рагбатлантириш тамойили - фойда олишда талбиркор фаолияти натижалари корхона кооператив ва ташкилотларининг хар бир ходим ива бутун давлатнинг танфаатларини белгилаб беради. Бу тамойилни амалга ошириш биринчи навбатда иш хакининг етарлигини, солик сохасидаги давлат сиесатининг тугри йулга куйилишини, соф фойданинг истеъмол ва жамгаришга таксимлашни, улар уртасидаги тахлил килинган иктисодий пропорцияни тури белгилаш лозим.

Моддий жавобгарлик тамойили молиявий хужалик фаолияти натижалари устидан маълум жавобгарлик системасини талаб килади. Бу молиявий усулни амалга ошириш хар бир хужалик субъектлари учун турлича булиши мумкин. Асосан хужалик субъектлари учун бу тамойилни амалга ошириш шартномавий мажбуриятларни бажармаганлиги. Векселларни коплаб олмаганлиги, солик конунларини бузганлиги ваш у Билан бирга фаолияти Самара бермаетган корхоналар учун банкротлик эълон килиш устама жарималар белгилаш оркали амалга оширилади. Корхона рахбарлари солик конунчилигини бузганлиги учун моддий жавобгарлик жарималар системаси куланилади. Айрим корхона ва ташкилотларнинг ходимлари учун жарималар мукофотлардан махрум килиш мехнат интизомини бузганлиги сифатсиз махсулотлар ишлаб чикканлиги учун ишдан бушатиш усуллари оркали кулланилади.

Молиявий захираларни таъминлаш тамойили - тадбиркорлик фолияти Билан боглик булган таваккалчилик Билан амалга оширилади. Бозор муносабатлари шароитида бундай таваккалчилик тадбиркорнинг уз режаларини амалга оширишда узининг тамойилига ва таваккалчилигига асосланади. Хужалик субъектларининг харидорлар учун буладиган иктисодий курашида махсулотларини кредитга бериши ва бунинг учун уз вактида пулни кайтара олмаслиги холати шароитида юз беради. Шунинг учун маълум бир буш колган пул маблагларни кадрсизланишини усиши даражасидаи фоизлар микдорида депозитларга куйиш еки кимматбахо когозлар олиши ва бошка даромад келтирувчи сохаларга куйишади. Охир окибат ишлаб чикариш режаларини иктисодий хисобларини тугри олиб боришга имкон тугилади.

Фойда иктисодий катеория сифатида, кушимча мехнат натижасида яратилган соф даромаддир. Фойданинг уч вазифаси булиб, улар хужалик фаолияти натижаларини молиявий характерини курсатувчи иктисодий курсаткич:

- таксимлаш ва фойдаланиш жараенида унинг рабатлантирувчи вазифаси;
- корхона ва ташкилотларнинг молиявий шаклланишининг хамда давлат бюджетининг даромад кисмини асосий манбаидир.

Хужалик субъектлари олаетган фойда микдорига объектив ва субъектив омиллар таъсир килади. Субъектив омилга тадбиркорлик фаолиятини бошкаришнинг ташкилий техник даражаси, ишлаб чикарилаетган махсулотларни ракобатбардошлиги, мехнат унумдорлиги даражаси ишлаб чикариш ва махсулот реализациясидаги харажатлар ва унинг бахоси киради.

Хозирги вактда корхоналарнинг молиявий ишларини ташкил килиш, узининг сифат жихатидан Янги мазмуни ташкил килинмокда. Бу бозор муносабатларини объектив таъсири натижасида юз бермокда. Бозор иктисодиети шароитида молиявий хизматнинг мухим вазифалари, банк, бюджет, буюртмачилар, узининг ходимлари ва бошка молиявий мажбуриятлар Билан бир каторда молиявий менеджментликни ташкил килишдан хам иборат эканлигини билмогимиз лозим. Бу дегани маълум бир молиявий стратегияни, молиявий хисоботларни тахлил килиш асосида хужалик субъектларининг тактикасини актив ва пассивдаги таркибий узгаришлар натижасида юз бериши мумкин булган даромадлилик даражаси истикболларини ишлаб чикиш.

**Риск эхтимоллик категорияси** булганлиги учун уни маълум даражадаги зарар (йукотма)ларнинг эхтимоллиги сифатида улчаш мумкин. Хар бир ишбилармон узи учун йул куйилиши мумкин булган риск даражасини белгилайди.

Йул куйилиши мумкин булган риск сифатида у еки бу лойихадан еки ишбилармонлик фаолиятидан фойдани тулик йукотилиши хавфини кабул килиш мумкин.

**Критик риск** дейилганда факат фойданинг йукотилиши эмас,балки кузда тутилган тушумнинг хам олиниши мумкин эмаслиги тушуниладики, бу холда килинган харажатларнинг маълум бир кисмини уз маблалари хисобидан коплаш(тиклаш)га тугри келади.Ишбилармон учун энг хавфли риск фалокатли риск хисобланади, у, пировардида,корхонанинг касодга учрашга, инвестициялардан махрум булишга ва, хатто, ишбилармоннинг уз шахсий мол-мулкидан ажралиб колишигача олиб келиши мумкин.

Рискни бахолаш хар бир рахбарнинг кабул этиши бевосита богликдир. Рахбарлар хар кандай рискдан кочиб кутилишига харакат киладилар,лекин хар хил рахбарлар бор,бошка тоифадаги рахбарлар рискни узлари танлайдилар.

Рискни бахолаш учун бир нечта усуллари мавжуд: статистик,эксперт ва комбинация.

**Статистик усули**-бу корхонада булган даромадсизликни аниклаш ва келажакка прогноз тузиш.

**Эсперт усули** - бу усул оркали олий тоифали мутахассисларнинг фикрлари хисобга олиниб уларни тахлил килиш.

Статистик ва эксперт усуллари бираликда комбинация усулини ташкил этади.

Статистик усули оркали рискни хисоблаш учун асосий курсаткичлардан бири вариация ва дисперсия, корреляция хисобланади.

Корхона ва ташкилотларнинг уз айланма маблагларининг вактинчалик етишмовчилигини тулдириш учун ссудалар олиш кенг таркалиб борган.

Кредит туфайли пул муомаласи доирасига чек, кредит карточкалари каби воситалар киритилиб, накд пулли хисоб-китобларни накд пулсиз операциялар билан айлаштиради. Бу эса давлат ичидаги халкаро бозордаги иктисодий муносабатлар механизмини осонлаштиради ва тезлаштиради.

Фан – техника тараккиётининг жадаллашуви хам кредит оркали самрали амалга оиширилиши мумкин. Кредитнинг фан-техника тараккиётини жадаллаштиришдаги ролини фан-техника билан шугулланувчи ташкилотларининг фаолиятини молиялаштириш жараёни оркали кузатиш мумкин. Илмий тадкикот ишларини

олиб борувчи марказларнинг нормал ишлаб туришини молиялаштириш учун хам, улар фаолиятини молиялаштиришда кредит ресурслари ишлатилиши мумкин.

Кредит инновацион жараёнларда ишлаб чикаришга илмий тадкикот натижаларини жорий килиш ва ишлаб чикариш технологиясини узгартириш билан боглик харажатларни молиялаштириш жараёнларини амалга ошириш учун зарур.

Албатта, корхоналарнинг маблаглари етарли булган холда бу турдаги харажатлар корхоналарнинг уз маблаглари хисобидан молиялаштирилади, ушнингдек уз маблаглари етарли булмаган шароитда банкнинг максадли урта ва узок муддатли ссудалари хисобидан бу иш хам амалга оширилиши мумкин.

Иктисодий категория сифатида кредит бир неча тамойилларга эга.Булар кредитнинг кайтиб беришлилиги, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, максадлилиги ва туловлилик тамойилларидир.

**1.** Кредитнинг кайтариб бериш тамойили.

Кредитнинг кайтариб беришлик асосий белгиси хисобланади. Кредитдан самарали фойдаланиш асосидаги кайтариб беришлик – бутун банк фаолиятининг марказий пункти хисобланади.

Олдин, собик иттифок даврида, кредитнинг «кайтарилмайдиган ссуда» тушунчаси булган. Тамойили кредит берувчидан олинган кредитни уз вактида кайтариб бериш муддатини, яъни кредитнинг кандай муддатга берилганлиги билан характерланади.

Шу муддатлилик тамойилларига кура кредит узок ва киска муддатли кредитларга булинади. Кредитнинг муддатлилиги хар иккала томон, кредитор ва карз олувчи учун мухимдир.

Кредитнинг муддатлилиги ишлаб чикариш, чикарилган махсулотни жунатиш муддатлига, товарларни сотиш муддатлига ва фондларининг доиравий айланишининг тезлигига богликдир.

**3.** Кредитнинг товар – моддий бойликлар билан таъминланганлиги.

Кредит олаётган корхона банкка товар ёки товар хужжатларини, бошка бирор шаклдаги мулкини гаровга куяди. Агарда банк берган кредит, карз урнини коплаш хукукига эга булади. Баъзида кредит варрант асосида хам бурилиш мумкин (варрант бу – гаров учун хизмат килувчи хужжат).

**4.** Туловлилик тамойили.

Бу тамойилга асосан корхоналар фойдаланилган карз маблаглари учун кредиторга фоиз шаклида туловни утказадилар.Кредитнинг туловлилиги корхоналарнинг фойдасига боглик.

Бу тамойилнинг амалиётда 3 та асосий функциясини куришимиз мумкин: Хукукий шахслар фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг таксимланиши.

Банк мижозларининг пул маблагларини инфляциядан химоялаш.

**5.** Кредитнинг максадлилиги.

Бу тамойилнинг мохияти шундаки карз олувчи томонидан кредитлар аник бир максадларни амалга оширишга юналтирилган булиши зарур.

Кредитнинг кайси максадга юналтирилганлиги, масалан, товар моддий бойликлар сотиб олишга ёки бирор ишлаб чикариш харажатларини коплашга банк ва корхона уртасидаги тузиладиган кредит шартномада курсатилган булади. Корхона олган шартномада курсатилган ишни бажаришга сарфлаши керак.

Кредит аник объектга: ишлаб чикариш харажатларига, ишлаб чикариш захираларига тайёр махсулотга, жунатилган товарларга, хисоб-китоб хужжатларига берилади.

Бозор иктисдоети шароитида кредитнинг юкорида келтирилган тамойиллардан ташкари, кредитдан окилона фойдаланишни ифодаловчи тамойил кредитнинг самарадорлигини тамойилидир.

Бу кредит ёрдамида кредитланадиган ёки молиялаштириладиган соха, тармок, корхона канча самрадаорликка эришишини ифодалаш зарур.Бозор иктисодиети шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойихаларнинг бажарилишига юналтирилган булади.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

1. **Молиялаштиришнинг усуллари**
2. **Молиявий муносабатлар**
3. **Моддий рагбатлантириш**
4. **Молиявий захиралар**
5. **Кредитнинг мохияти, усуллари.**
6. **Кредитнинг муддатлилиги**
7. **Кредитнинг таъминланганлиги**
8. **Кредитнинг максадлилиги**
9. **Кредит объекти ва субъекти.**

## *13-МАЪРУЗА:* **Корхона пул маблаглари окимларини бюджетлаштириш.**

Р Е Ж А :

13.1. Корхонанинг пул маблалари, уларнинг ахамияти.
13.2. Корхонанинг пул окимларини бошкариш.
13.3. Хозирги замон молиявий менежмнетнинг мохияти.

Адабиетлар: 1, 4, 23, 39,69,42

Таянч иборалар: пул маблаглари,менежмент,карор кабул килиш,операцион фаолият, инвестицион фаолият,молиявий фаолият,пулни келиши ва чикиши, пулсиз операциялар.

Пул окимлари тугрисидаги хисобот субъектнинг операцион,инвестицион ва молиявий фаолиятнинг уз пул маблагларига маълум хисобот даври ичида таъсирини акт эттиради, шу давр ичида пул маблагларининг узгариши тушунилади.

Пул окимлар тугрисидаги 9-сонли БХМС «Пул окимлари тугрисидаги хисобот» асосида тузилади. Пул окимлари тугрисидаги маълумотни куллаш куйидагиларни аниклашга ердам беради:

- ташкилотнинг пул маблагларини ва уларнинг эквивалентларини топа олиш кобилиятини ва ташкилотнинг шу каби пул окимларини ишлатишга эхтиежини аниклаш;

- ташкилотнинг соф активларидаги узгаришлар, унинг молиявий тузилишини (унинг ликвидлигини ва тулов кобилияти билан бирга) ва унинг узгариб турган шароит ва имкониятларга мослашиш учун уз вактида пул микдорига ва пул окимларига таъсир этиш кобилиятини аниклаш;

- хар хил ташкилотларининг операцион фаолиятларини таккослаш,чунки бу Айни операцион ва хужалик фаолиятининг ходисалари учун хар хил хисоблаш усулларини куллашни инкор этади.

Пул окимлари тугрисидаги хисоботда хисобот даври давомидаги пул окимлари акс эттирилади ва улар куйидаги шаклларга таснифланади:

- операцион фаолияти
- инвестицион фаолияти
- молиявий фаолият.

Операцион фаолиятидан пул окимларининг хажми ташкилотнинг ссудаларни тулаш учун етарли пул маблагларини йигиш, ишлаб чикариш даражасини саклаш, дивидентларни тулаш ва ташки молиялаштириш манбаларни жалб килмай Янги капитал куйилмаларни амалга ошириш ишларини кила олишнинг асосий курсаткичидир, операцион фаолиятидан пул окимлари биринчи навбатда, асосий фаолиятдан даромад олишнинг натижаси булиб хисобланади.

**Инвестицион фаолият** -бу пул эквивалентларига кирмайдиган узок муддатли активларни ва бошка инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш,туланадиган кредитларнинг берилиши ва олиниши.

**Молиявий фаолият** - бу фаолият натижасида ташкилотнинг хусусий капиталининг ва карзларининг хажмида ва тузилишида узгаришлар содир булади.

Бозор иктисодиетига утиш муносабати билан Узбекистон иктисодиетида хам кескин узгаришлар содир булаяпти. Бу уз навбатида бошкарувнинг олдинги услубларидан принципиал жихатдан тубдан фарк киладиган услубларнинг булиши такозо этса, бир вактнинг узида, худи шу нарсанинг узи Янги тоифадаи мутахассисларнинг булишини хам талаб килади.

Хозирги шароитда бундай Янги тоифадаги мутахассислар чукур ва кенг камровли билимларга эга булишлари, узлари танлаган мутахассисликларнинг касбий сирларини аъло даражада мушохада эта олишлари, пухта уйланган ва хар тарафлама асосланган карорларни кабул килишга кодир булишлари лозим.

Узбекистон мустакиллика эришиб, бозор иктисодиетига утиш муносабати Билан корхоналар молиясини бошкаришни тубдан узгартириб, бозор конуниятлари асосида олиб боришни такозо килди. Бу уз навбатида олимлар ва корхоналар олдига куйган стратегия ва тактикасига эришиш максадида унинг молиясини бошкаришнинг чукур урганиш амалиетчи, бизнесмен хамда олий укув юртларининг иктисодиет йуналишларидаги талабаларга укитишни вазифа килиб куйди.

Бозор иктисодиет шароитидаги соликка тортиш ва юкори инфляция мухити фойда массаси ва динамикаси, акциядорлар мулкини купайтириш,акциялар курси кийматини ва дивидент сиесатини назорат кили шва корхона фаолиятининг бошка

томонларини бошкаришда молиявий манбаларни кидириб топиш каби масалаларни ечими молиявий менежментнинг асосини ташкил килади.

Молиявий менежментни йулга куймасдан туриб, мамлакатдаги бирорта хам корхона бозор иктисодиети шароитида бир меъерда ишлай олмайди. Бунга хеч Ким эътироз билдира олмайди. Лекин бунинг учун корхонага тегишли хизмат булимии керак булади. Унинг вазифаси самарали молиявий механизмини яратиш, молиявий сиесатини илаб чикиш, молиявий сиесатни амалга ошириш ва молияни оператив бошкаришдан иборат булмоги керак.

Агар бундай булинма булмаса, бу ишни ким бажараетганлигини аниклаш зарур. Эхтимол у режа – иктисодий булимдаги еки бухгалтериядаги бирор кишига топширилгандир.

Корхонада самарали молиявий механизмини яратиш осон иш эмас. Бу механизм бир меъерда ишлаши учун прогрессив молиявий усулларни куллаш, молиявий воситаларини, хукукий ва ахборот технологиялардан фойдаланиш, уни тахлил кили шва мунтазамлаштириш Билан шугулланиш керак.

Корхонада молиявий сиесатни ишлаб чикиш- молиявий ривожланиш дастурини яратиш,инвестиция,кредит,валюта сохасидаги сиесатни белгилаш демакдир.

Молиявий менежмент узининг ишлатиш усуллари мажмуасига ва бошкарув ташкилотига эга. Усул бу маълум бу еки бошка турдаги фаолиятнинг усуллари тизимига айланади. Иктисодни бошкарувнинг махсус изланиш усуллари сифатида куйидагиларни келтириш мумкин:

**1.** Тизим усули бошкарув муаммоларини ечишда ишлатилади ва тизимни бир бутунлигича асосланади. Тараккиет топган давлатларда менежментнинг бир неча куринишлари ишлатилади: тизимли,мажмуа,тизимли-таркиб,тизимли-функционал,тизимли-коммуникацион ва бошкалар.

**2.** Изланишнинг комплекс усули вокеаларни ва уларни бир-бири билан булган алокаларини факат ушбу фан усули билан эмас, балки бошка бир хил ходисаларни урганувчи фанлар Билан урганади. Масалан, жамоага таъсир курсатишни урганаетган менежмент хес бир иккиланмай бошкаижтимоий фанлар услубиятини бирга урганди: психология,социология,этика ва бошка фанлар.

**3.** Изланишнинг таркибий усули- бу мураккаб ходисаларни таркибий булакларга ажратишдан иборат.

**4.** Вазиятли ендошиш-бу бошкарув фаолиятини макбул усулларини ички ва ташки шароитга караб белгилаш.

**5.** Интеграцион ендошиш-бу изланиш усули бошка усуллар курсаткичлари хисобга олиш асосида, яъни тизимли,таркибий вазиятли.

**6.** Моделлаштириш усули Билан бошкарувда такомиллаштиришга бошкарув шаклларини бунед этиш имкониятлари укиб урганилади.Моделлаштиришда ташкилий таркибини самарадорлиги олдиндан белгилаш хам бажарилади.

**7.** Математик (иктисодий-математик усуллари хисоблаш техникасини кенг меъерда кароорлар) карорларни макбул вариантларини излаб топишда асбоб сифатида ишлатилади.

**8.** Кузатиш усули- бу кузатиш ва бошкарувни хакикий амалиетни маълум ташкилотни белгиланган вакт оралигида урганишдир.Вазиятли усул ката микдорда

объектив маълумотларни олишга имкон яратади,уларни тахлили умумийлаштиришда, натижалар чикарилишда ва олдиндан белгилашда асос булиб хизмат килади.

Молиявий менежмент ижтимоий-иктисодий фанлар тоифасига тааалукли булла туриб, амалиетда бошкарувчилар билан буладиган ижтимоий изланиш усуллари тупламига эга (анкеталаштириш, сухбатлашиш, интервью олиш, тестлаштириш, ракамлар таркибини тахлил килиш жамиятда узаро муносабат).

Хозирги замон молиявий менежменти иктисоди тараккиет топган давлатларда (Япония, АКШ, Гарбий Европа) узининг ката хажмдаги интилишларини ижтимоий изланишларга йуналтирилган, чунки айнан уларда ташкилотни муваффакиятли тараккиет топиш имконини куради.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

**1.Молиявий менежментни мохияти**
**2. Молиявий менежментнинг усуллари**
**3. Пул маблагларининг окимлари**
**4. Операцион фаолит тушунчаси**
**5. Инвестицион фаолият тушунчаси**
**6. Молиявий фаолият тушунчаси**
**7. Пулсиз операциялар**
**8. Молиявий менежментни ривожлантириш**
**9. Молиявий ресурсларни оператив бошкариш**

## *14- МАЪРУЗА:* **Корхоналарнинг оборотдан ташкари активлари.**

Р Е Ж А :

14.1. Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги курсаткичлари.
14.2. Жамгармалар ва инвестициялар.
14.3. Жамгариш ва инвестициялашнинг зарурлиги.

Адабиетлар: 1, 4, 45, 67, 9, 15, 54, 32

Таянч иборалар: асосий фондлар, воситалар, амортизация ажратмалари, муддатли кредитлар, молиялаштириш, инвестиция жараени,лизинг, капитал таъмирлаш.

Хужалик фаолиятини юритиши учун корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чикариш фондлари асосий ва айланма фондларга булиниши лозим.

Хозирги вактда айланма активлардан ташкарида янги узок муддатли номоддий активлар асосий воситалар каторида юритилмокда.

Асосий ишлаб чикариш фондлари ва номоддий активлар ишлаб чикариш жараенида уз кийматларини яратилаетган тайер махсулот булиб утказади. Уларнинг доиравий айланишига куйидагилар:

- асосий фондлар ва номоддий активлар эскириши;
- амортизация ажратмалари;
- тула тикланиш учун маблалар жамгармаси;
- бевосита инвестицияни молиялаштириш йули киради.

Тижорат корхоналари ва ташкилотлари учун асосий фондалрни шакллантиришнинг асосий усуллари:

- узок муддатли инвестициялар оркали
- хиссадорлик жамиятларини муассасалари сифатида низом капиталига уз хиссаларини кушиш;
- давлат хукукий ва жисмоний шахслар томонидан бекорга асосий воситаларни берилиши номоддий активларни узлаштиришни асосий услуби;
- номоддий активларни узок муддатли инвестицияга жойлаштириш билан;
- уз кучи еки узок муддатли кредитларни жалб кили шоркали;
- номоддий активларни айирбошлаш шартлари асосида жойлаштириш;
- кайтариб бермаслик шарти билан номоддий активларни олиш;
- оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чикариш жараенида асосий фондлар ва номоддий активларни узок муддатли инвестиция оркали амалга ошириш.

Узок муддатли инвестиция манбаи куйидаги куринишда булади:

- хужалик субъектларининг уз маблалари хисобига;
- махалий ва Республика бюджети хисобига;
- чет эл инвесторлари;
- банк кредитлари.

Хужалик субъектларининг маблаги деганда уларнинг муассаса сифатида кушган улуши, фойда ва амортизация ажратмалари тушунилади. Молиявий маблаларни жалб килиш деганда акцияларни жойлаштириш, мехнат коллективларини аъзолик жисмоний ва хукукий шахсларнинг туловлари тушунилади. Заем маблагларига, Тижорат банкларнинг узок муддатли кредитлари асосий фондларнинг лизинги ва солик кредитлари оркали инвестициялаш киради. Федерал бюджет маблаглари кайтариш еки кайтармаслик асосида берилади.

Хозирги вактда инвестициялашнинг пасайиш тенденцияси кузатилмокда бу эса асосий фондларни жисмоний ва маънавий эскиришига олиб мамлакатда асосий фондларнинг эскириши 504 мартадан ошиб кетади.

Инвестициялаш жараенининг молиявий манбаси, корхоналарнинг уз маблалари хисобига амалга оширилмокда.

Давлат томонидан марказлашган холда капитал куйилмаларни молиялаштириш факат давлат микесида зарур булган курилма ва объектлар учун ажратилади.

Капитал таъмирлаш асосий фондларнинг такрор ишлаб чикариши бил булаги булиб, асосий борада фондларнинг жисмоний эскириши кисман олиб борилади. Капитал таъмирлашни молиялаштириш, хужалик субъектлари томонидан режалаштириш асосида махсулот таннархига олиб борилади хамда унинг таъмирлаш учун килинган харажатларини 3 та йули бор:

1. капитал таъмирлашни бажариш чогида килинган харажатлар хар бир килинган харажатлар элементи буйича;
2. махсулот таннархи хисобига ташкил килинган таъмирлаш фонд ива унинг хисоби бошка харажатлар т аркибида булиши;
3. килинган харажатлар, келгуси даврларга олиб борилади ва ойма ой ишлаб чикариш харажатларидан учириб борилади.

Ишлаб чикаришни айланма фондлари бу буюм куринишида мехнат предметлари ва мехнат куролларидан иборат булиб, унинг таркибига кам кийматли ва тез эскирувчи предметлар хам киради. Ишлаб чикаришнинг айланма фондлари ишлаб чикариш жараенида хизмат килиб, уз кийматини Тула яратилаетган махсулотга утказади, хамда узининг дастлабки шаклини узгартиради. Муомала фонди, илаб ч икариш жараенига таалукли булмасада, лекин ишлаб чикариш ва муомала жараенини таъминлайди. Узининг характер ива вазифасидан келиб чиккан холда муомала фонди тушунчаси киритилган. Ишлаб чикаришнинг айланма фонд ива муомала фонди доимий харакатда булиб, доиравий айланишни узлуксизлигини таъминлайди, яъни киймат пул шаклидан товар шаклига, кейин ишлаб чикариш ва яна товар ва пул шаклига айланади. Шундай килиб, ишлаб чикаришнинг айланма ва муомала фондларининг доиравий узлуксизлигини таъминлаш максадида ишлаб чикариш захираларини ташкил килиш, тугалланмаган ишлаб чикариш, тайер махсулот ва унинг реализацияси тухтатмаслик зарурдир.

Ишлаб чикаришнинг айланма ва муомала фондларини харакатида улар характер жихатдан бир хилдалиги ва ягона жараенни ташкил килгани учун уларни ягона айланма воситалар тушунчаси Билан аташ имконини беради. Айланма маблаглар, бу пул маблагларининг йигиндиси булиб, ишлаб читариш ва махсулот реализацияси жараенини узлуксизлигини таъминлаш максадида, ишлаб чикаришнинг айланма ва муомала фондларини аванслаб туришни билдиради. Хужалик субъектларининг айланма маблаглар манбаи фойда, банк ва тижорат кредитлари, минимат микдордаги кредит карзлар булиши мумкин.Инфляцион жараенинг юкори эканлиги сабабли,киска муддатли ссудалар олиш ваш у маблаглар хисобига айланма маблаглар ташкил килинади. Кредитларни ката кисми асосан савдо-воситачи, фирма ташкилотларга берилади.

Инвестиция (сармоя)- бу фойда олиш максадида муайян ишга йуналтирилган узок муддатли капитал куйилмадир. Инвестициялар молиявий ва реал булиши мумкин.

Молиявий инвестицияга кимматли когозлар, акцияларакцияларни сотиб олиш,фоиз эвазига банкларда депозит хисоб ракамларга пул куйиш киради.

Реал инвестиция эса капитал курилиш,ишлаб чикаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга капитал куйилишини англатади.

Нормал фаолият курсатувчи корхоналарнинг асосий хужалик вазифаларидан бири максимал даромад олиш максадида уз пулидан унумли фойдалана олиш хисобланади. Эркин бозор шароитида утиш даврини бощдан кечираетган хар кандай мамлакатда муайян молиявий кийнчиликларнинг келиб чикиши табиий холдир. Бундан Узбекистон Республикаси хам истисно эмас.

Мамлакат иктисодиетини юксалтиришда, унинг ривожланган мамлакатлар каторидан жой олишида ишлаб чикаришнинг жахон андозалари асосида

юритилиши мухимдир.Ишлаб чикаришга Янги техника ва технологияларни жалб этишда хорижий сармояларга кенг урин берилмокда. Бу борада шахсан республика Президентининг узи жонбозлик курсатмокда. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг давлат мулкини хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб килишни рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисидаги карори кабул килингач, хорижий инвестициялар киритиш учун янада кенг имкониятлар яратилди. Шу Билан бир каторда республика иктисодиетига салбий таъсир курсатувчи катор муаммолар борки, уларнинг айримлари устида тухталиб утиш максадга мувофикдир.

Инвестицион соха ислохотида хусусийлаштирилган корхоналарнинг сармоявий фаолиятига хам мухим урин ажратилади. Корхоналар, мулкини ва акцияларини сотиш хисобига капитал куйилмаларни молиявий таъминлаш учун кушимча имкониятларга эга булади, деб хисобланади. Аммо акцияларга талабнинг сустлиги ва катта кисми мехнат жамоаси хамда маъмуриятга биркитилганлиги туфайли бир катор холатларда хусусийлаштиришнинг инвестицион самарадорлиги кутилган натижадан паст буляпти.

Оддатда хорижий инвесторларни корхона фаолиятининг 5 мухим жихати кизиктиради:

- ишлаб чикариш имкониятлари;
- корхонанинг бозор нуктаи назаридан тутган мавкеи ва бунинг корхона рахбарияти томонидан тушунилиши;
- бошкарув тизимининг ахволи;
- корхонанинг ижтимоий мухит Билан муносабати;
- бошкарув  тизимининг ахволи;
- корхонанинг ижтимоий мухит Билан муносабати;
-корхона рахбарияти томонидан инвестицион жараен вазифалари ва мураккабликларининг англаниши.

Инвестиция ишлаб чикаришнинг ривожланишини жадаллаштиради, ахолии учун кушимча иш жойлари яратилишига имкон беради. Узбекистонда чет Эл инвестицияларини жалб этиш борасида курилаетган чора-тадбирлар миллий иктисодиетни баркарорлаштиришда узининг ижобий натижаларини бермокда.

## Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. **Асосий фондларнинг тузилмаси нимадан иборат?**
2. **Асосий фондларнинг гурухланиши**
3. **Асосий фондларнинг курсаткичлари**
4. **Инвестиция тушунчаси**
5. **Инвестиция турлари**
6. **Молиявий инвестиция кандай?**
7. **Реал инвестиция кандай?**
8. **Хорижий инвестицияларнинг ахамияти**
9. **Республикамизда жалб килинаетган сармоялар манбалари**

## *15-МАЪРУЗА:* **Корхоналар айланма маблагларини молиялаштириш.**

Р Е Ж А :

**15.1.** Айланма маблагларининг мохияти.
**15.2.** Товар моддий бойликлар захираларини бахолашнинг, хакикий сотиб олиш бахолари.
**15.3.** Корхона айланма маблагларини шаклланиши ва улардан фойдаланиш.

Адабиетлар: 1, 2, 5, 43, 12

Таянч иборалар: восита, моддий бойликлар, захира, асосий воситалар, пул маблалари, меъер, бахо, кредиторлик карзи, хужалик субъекти.

**Айланма воситалар** - бу пул маблагларининг йигими булиб, айланма ишлаб чикариш фондлари ва муомала фондларини ташкил этади ва пул маблагларининг доимий айланишини таъминлайди.

**Айланма фондларнинг манбаи** фойда ва бюджетдан ташкил топадиган хусусий маблаглар, карзлар, банк кредити ва ташкаридан жалб килинган магбаглардир. Корхона ва бирлашмалар хусусий айланма фондларига уз ихтиерича эгалик килади-сотиши, айирбошлаши,карз бериши мумкин. Айланма фондларнинг етишмаган кисми корхонанинг даромади еки вазирликнинг эхтиет фондидан тулдирилиши мумкин, бундан ташкари хусусий айлунма фондларни амалдаги нормативлар даражасига келтириш максадида банк кредити берилади.

**Айланма воситалар** бир вактнинг узида ишлаб чикаришнинг хамма боскичлари ва шаклларида амалга оширилади. Бу эса, корхона фаолиятининг доимий ва узлуксиз давом этишини таъминлайди.

**Айланма воситалар** меъери корхона иши учун зарур булган минимал хисоб суммаларини урнатади.

Товарлар захираси буйича айланма воситаларга булган талаб харид нархлари буйича бу товарларнинг бир кунлик айланишини уларнинг захира меъерларига купайтириш оркали аникланади.

Фойда, банк кредитлари, тижорат, акциядорлик(устав)капитали, бюджет маблаглари, кайта таксимланган ресурслар(сугурта), кредиторлик карз ва бошкалар айланма воситалар шаклланишнинг манбалари хисобланади.

Кредиторлик карзи-бу корхонага тегишли булмаган воситалардан, яъни акцепт ва бошка хисоб хужжатлари буйича карзлар (тулов муддати тугамаган); муддатида туланмаган хисоблар буйича карзлар, бюджетга туловлар буйича карзлар, тижорат кредитлари, иш хаки ва бошкалардан фойдаланишдир.

Айланма воситалардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятининг молиявий натижасига сезиларли таъсир курсатади. Уни тахлил этишда куйидаги

курчаткичлардан фойдаланилади: узига тегишли айланма воситаларнинг мавжудлиги, уз ресурслари ва бошка ресурслар уртасидаги богликлик, корхонанинг туловга кодирлиги, айланма воситаларнинг айланувчанлиги ва бошкалар.

Узига тегишли айланма воситаларнинг мавжудлиги,шунингдек уз ресурсларининг ва бошка айланма ресурсларининг узаро алокаси корхонанинг молиявий баркарорлигини билдиради.

**Корхонанинг туловга кодирлиги**, яъни уз мажбуриятини уз вактида ва доимий бажара олиш имконияти корхонанинг хакикий ва доимий молиявий ресурслари, унинг мажбуриятлари ва пул тушумлари, шунингдек бошка киска муддатли ва узок муддатли даврдаги активларни хисобга олувчи коэффициетлар Билан аникланади.

**Айланма воситаларнинг айланувчанлиги -** улардан фойдаланишнинг энг самарали курсаткичидир. Вакт омиллари айланма воситаларни самарали бошкаришни бахолаш курсаткичлари хисобланади: айланма воситалар у еки бу шаклда канчалик куп туриб колса (пул еки товар куринишида), бошка тенг шароитларда улардан фойдаланиш самарадорлиги шунчалик паст булади. Айланма воситаларнинг айланувчанлиги улардан фойдаланиш интенсивлигини характерлайди.

Кунлик айланиш канчалик ката булса, корхонага пул маблаги шунчалик кам зарур булади, шунчалик молиявий ресурслар тежамкорлик Билан ишлатилади. Жуда ката айланувчанлик шароитида туловга кобилиятсизлик, хом Аше, материаллар, бошка эхтиет кисмларни етказиб беришда узилишлар эхтимоли кучаяди. Айланувчанлик айланишлар сони Билан улчанади:

$$\frac{\text{Муайян вакт оралигидаги реализация хажми}}{\text{Уша вакт оралигидаги айланма воситаларнинг урт. суммаси}}$$

Агар айланма воситалрнинг айланишлари сони купайса еки бир хилда булса, у холда корхона бир текис ишлаетган ва молиявий ресурсларидан рационал фойдаланаетган булади. Курилаетган даврдаги айланишлар сонининг пасайиши корхонанинг ривожланиш суръати пасайганлигини ва унинг молиявий ахволи огирлашаетганлигини билдиради.

Корхонанинг айланма воситаларини бошкаришнинг самарадорлиги унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларига ката таъсир курсатади.

Бир томондан, мавжуд айланма воситалардан иложи борича рационал фойдаланиш зарур – бу ерда суз, асосан ишлаб чикариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чикаришни кискартириш, хисоб шаклларини такомиллаштириш ва бошкалар тугрисида бормокда.

Корхоналар айни пайтда харажатни таннархга олиб борувчи турли хил вариантлардан фойдаланиш имкониятига эгадирлар, махсулот сотишдан тушган тушумни соликка тортиш учун аниклашлари мумкин.

Кабул килинган карорлар таннархга, фойда ва соликлар улчамига кандай таъмир этишини кузатиб бориш мумкин ва зарурдир. Курсатилган имкониятларнинг анчагина кисми корхона айланма воситаларини бошкаришда мухим ахамиятга эга.

Кам бахоли ва тез эскирувчи буюмлар буйича Айни пайтда уларни айланма воситалар таркибига олиб борувчи киймат чегараси белгиланган. Корхона рахбари кам бахоли ва тез эскирувчи буюмларнинг энг кам киймати чегарасини белгилаш хукукига эга, бу эса харажат камайишига олиб келади, чунки эскириш оз даражада булиб, таннархга борувчи сумма оз булади.

Моддий ишлаб чикариш захиралари айланма активлар ичида энг кам йукотувчан хисобланади. Уни кисман пул маблагига айлантириш учун факат харидор излаш учун эмас, балки сотилган махсулот пулини ундириб олиш учун хам вакт йукотилади.

Буни тахлил килиш самарали молиявий бошкариш учун ката ахамиятга эга. Захиралар факат айланма активлар таркибидагина эмас, балки бутун корхона активлари таркибида хам сезиларли ахамият касб этади. Бу шундан далолат берадики, корхона уз махсулотини сотишда кийинчиликларга дуч келади ва бу уз вактида махсулот сифатининг пастлигидан, технологик ишлаб чикаришнинг бузилиши, самарасиз сотиш усулларини танлаш, бозорни урганмасликдан келиб чикади. Моддий ишлаб чикариш захиралари оптимал даражасининг бузилиши, корхона фаолиятини зарарга олиб келади, чунки бу захираларни саклашга ортикча харажат булади, товарлар бахосининг тушиши хавфини тугдиради,, товарнинг Бирон-бир курсаткичи бузилиши окибатида мижозларни узидан узоклаштиради. Шу сабабли захиралар хажмини бир хилда тутиб туриш молиявий фаолиятда мухим хисобланади.

Моддий ишлаб чикариш захиралари хисоботларда таннарх еки бозор накс эттирилади. Кабул килинган стандартларга асосан моддий ишлаб чикариш захираларини бахолашда база сифатида уларни харид килиш харажатларини ифодаловчи таннарх хисобланади. Бу харажатлар доимий булмай, товарлар нархларининг узгариши Билан узгариб туради, шунинг учун бир хил товар тури уни сотиб олиш вактида турли бахода булиши мумкин.

Захиралар микдори хаддан зиед булган такдирда, кайта ишлаш жараенида булган ва омборларда турган товарларнинг хакикий таннархини аниклаш мушкул. Бу муаммони хал этиш учун хисобга олишда маълум йул куйишлардан фойдаланилади, уларга асосан кайта ишлашга киритилаетган захиралар кетма-кетлиги товарлар бирлигининг физик окими сифатида эмас, балки улар кийматининг харакати сифатида каралади.

Сотиб олинаетган захиралар хар бир бирлигининг таннархи асосида бахолаш усули-бу уларнинг хакикий таннарх буйича харакати хисобидир. Бу усулдан фойдаланиш учун товар-моддий бойликларнинг барчасини сотиб олишнинг жисмоний индетефикацияси зарур булиб, буни йирик серияли ишлаб чикаришда амалга ошириш кийин. Шунинг учун бу усулни, унинг аниклигига карамасдан, факат махсус буюртмалар тайерлайдиган еки кимматбахо товар ишлаб чикарадиган компаниялар куллаши мумкин.

Уртача таннарх буйича захираларни бахолаш уртача катталиклар хисоби формуларидан фойдаланишга асосланган.

Бахолаш тартиби материаллар харакати кетма-кетлигига боглик эмас. Хисоблашда куйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$Р = Н + П - К$$

Бу ерда, Р – сарфланган материаллар киймати;

Н – давр бошига материаллар колдиги;

П – давр мобайнида келиб тушган материаллар киймати;

К – давр охирига материаллар колдиги.

Таннарх моддий ишлаб чикариш захираларини бахолашнинг асоси булиб хизмат килади. Лекин айрим шароитларда бу захираларнинг бозор нархи таннархидан кам булса, хисоботларда бозор нархидан фойдаланилади. Моддий ишлаб чикариш захираларининг бозор нархи корхона учун моддий ишлаб чикариш захираларининг кандайдир элементларини алмаштириш учун зарур булган харажатлардир.

Корхона активларини, шу жумладан айланма воситаларини бошкаришдан кузланган асосий максад, корхонанинг туловга кодирлигини таъминланган холда, куйилган капиталдан максимум фойда куришдир. Бу борада, иктисодий инкирозлар шароитида, туловга кодирлик фойдаликдан кура мухимдир (туловга кодир булмаслик, зарар куришига Караганда аянчлирок булиши мумкин).

Корхона, молиявий ахволини яхшилаши учун, айланма активларнинг дебитор карзларга айланишини камайтириши лозим, яъни бошка корхона айланмасида юрган уз маблагларини камайтириши лозим.

Корхона балансида туриши ва аниклашишига кура дебитор карзларнинг ишлаб чикариш захираларига нисбатан ликвидлиги булади. Шу боисдан, дебитор карзларнинг мавжудлиги шу суммадаги ортикча запасларнинг булишидан кура макбулрокдир.

## Уз-узини назорат килиш саволлари:

1. **Айланма воситаларнинг ахамияти**
2. **Айланма ишлаб чикариш фондлари**
3. **Айланма фондларнинг манбаи**
4. **Муомала фондлари**
5. **Моддий ишлаб чикариш захиралари**
6. **Корхона активлари нималардан иборат?**
7. **Таннарх асосида бахолаш усули**
8. **Захиралар микдори**
9. **Айланма активлар**

## *16- МАЪРУЗА:* **Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижалари. Корхоналарнинг молиявий ночорлиги (банкротлиги).**

Р Е Ж А :

16.1. Молиявий натижаларнинг шаклланиши.
16.2. Молиявий режанинг мохияти.
16.3. Стратегик, жорий,оператив молиявий режа.
16.4. Банкротликнинг давлат томонидан тартибга солиниши.
16.5. Банкротлик жараени.

Адабиетлар: 1, 2, 46,39, 24
Таянч иборалар: молиявий натижа,

Корхоналар уз махсулотларини истеъмолчиларга сотади ва бунинг учун пул маблаглари оладилар. Лекин бу хам хали фойда олишни билдирмайди. Молиявий натижага эга булиш учун тушумни махсулот ишлаб чикаришга кетган харажатлар, яъни таннарх Билан солиштириб куриш керак. Агар тушум таннархдан куп булса, корхона фойдага эга булади; агар тушум таннархга тенг булса, у холда корхона факатгина килган харажатларини коплаган булади ва фойда булмайди; агар харажатлар тушумдан куп булса, у холда корхона зарар куради, яъни салбий молиявий натижага эга булади, бу корхонани кийин молиявий ахволга солиб куяди ва инкирозга учратиши хам мумкин.

Фойда ялпи даромад олиш билан боглик булган корхона молиявий ресурсларининг асосий манбасидир. Корхонанинг ялпи даромади моддий харажатлар ишлаб чикариб ташлангандан сунг иш хаки ва фойдани уз ичига олган махсулот сотишдан тушган тушумдир. Таннарх, ялпи даромад ва корхона фойдаси уртасидаги узаро алока.

Якуний молиявий натижа (фойда еки зарар) махсулот (иш,хизматлар) сотишдан олинган молиявий натижа, бошка операциялардан олинган даромадлар, асосий фонд ва корхонанинг бошка мулкларини сотишдан тушган тушумларнинг йигиндисидан кели чикади.

Махсулот (иш, хизматларни реализация килиш) сотиш оркали олинадиган фойда амалдаги нархларда (кушимча киймат солиги ва акцизларсиз) сотувдан тушган тушум хамда махсулотни ишлаб чикариш ва сотиш Билан боглик харажатлар уртасидаги фарк оркали аникланади.

Корхона ишининг самарадорлигини оширишда ишлаб чикариш хажмлари, махсулот сотишни купайтириш, унинг таннархини пасайтириш резервларини аниклаш мухим урин тутади.

Даромад микдорини ошириш резервларини аниклаш йулларига таъсир курсатувчи омиллар турли белгиларига караб турли тоифаларга ажратилади. Ташки омилларга табиий шароит, нархларнинг,тарифларнинг, соликлар ва имтиезларнинг,

жарима санкцияларининг  давлат томонидан бошкарилиши ва бошкалар киради. Бу омиллар корхона фаолиятига боглик эмас, лекин даромад салмогига муайян даражада таъсир курсатади.

Ички омиллар ишлаб чикариш билан боглик ва ишлаб чикаришдан ташкари омилларга булинади. Ишлаб чикариш омиллари мехнат предметларининг мавжудлигини ва кулланилишини, мехнат ва молиявий ресурсларни характерлаб, уз навбатида экстенсив ва инстенсив булиши мумкин.

Молия-хужалик фаолиятини юритишда юкорида курсатиб утилган омиллар узаро узвий богликдир. Моддий ресурслар сарфининг махсулот таннархига, демак, олинадиган фойдага хам таъсири бевоситадир.

Молиявий режалаштириш куп жихатдан ишлаб чикариш ижобий махсулининг кафолати булиб хизмат килади. Маблаглар ва уларнинг харакатини олдиндан билмасдан туриб аник бир ишга кул уриш жуда мушкул. Ана шу мушкулни молия режаси осонлаштиради. Иктисодий жихатдан молиявий режалаштириш куйдаги принциплар асосида амалга оширилади. Бу принциплар каторига демократив марказлаштириш ва илмийлик принципи етакчи рол уйнайди.

Илмийлик принципи кенг тушунча булиб, унинг мезони режа курсаткичларига иктисодий ривожланиш коидаларининг тугри келишидир. Бу принципда куйидагилар кайд этилади:

**1.** Молия режасининг аник ва узгармаслиги.
**2.** Молия режаси курсаткичлари ишлаб чикариш натижаларига мос келиши.
**3.** Илмий асосланган норма, нормативлардан фойдаланиш.
**4.** Иктисодий методлардан фойдаланиш.
**5.** Режалаштириш узлуксизлик жараёнини таъминлаш.

Молия режасини аник тузиш режалаштиришда асосий боскич булиб хисобланади. Куп холларда ноаник тузилган режалар узининг салбий окибатларини курсатгани кайд этилади.

Молия режасида курсатилган курсаткичлар канчалик аник булса хисобот курсаткичларига шунчалик якин булади.

Ишлаб чикаришда илмий асосланган норма ва нормативлардан фойдаланиш ишнинг маромийлигини таъминлайди. Иктисодий кийинчиликларни чунончи товар захираларини тупланиб колиш, айланма маблаглар айланишини секинлашуви ва уларнинг кай микдорда зарурлигини белгилаб берувчи омил булиб хизмат килади.

Айрим корхоналарда норма ва нормативлардан фойдаланмаслик окибатида ортикча ёки кам махсулот ишлаб чикарилади. Бу эса шу корхонанинг жамоа ахволини заифлашувига олиб келади. Ушбу кийинчиликларни иктисодий томондан куйидагича гурухларга ажратиш мумкин:

**1.** Корхонада товар захираларини тупланиб колиши вужудга келади.
**2.** Пул маблаглари айланишдан четлатилади.
**3.** Тузилган шартномалар микдори купаяди.
**4.** Муомала харажатлари купайиб кетади.
**5.** Банкдан олинган кредитлар уз вактида кайтарилишига тусиклар юзага келади ва хоказо, чунки бу режада маблагларни кайси тармокка купрок жалб килиш, фойдали звено кайси, кандай килиб юкори рентабелликка эришиш мумкин. Кискача,

корхонанинг молиявий мустахкамлаш йуллари иктисодий санокларда уз аксини топади.

Демак корхоналарда молиявий режалаштиришнинг мохияти шундаки, бу режалаштириш оркали ишлаб чикариш потенциали ортади, натижада хар кандай ишлаб чикаришнинг асосий максади булган фойда микдори усади.

Бу эса уз навбатида шу ишлаб чикаришда банд булган ишчи–хизматчиларининг турмушини фаровон булишига асос булиб хизмат килади.

Умумий жихатдан олганда **молиявий режалаштиришнинг мохияти** – бу инсоннинг яхши яшаши, порлок келажаги учун хизмат килишидадир.

**Молиявий режалаштиришнинг объекти** – бу давлат ва хужалик субъектларининг молиявий фаолияти хисобланади. Молиявий режаларнинг шакли корхоналар, муассасалар ва бирлашмаларнинг ишлаб чикариш хамда хизмат курсатиш фаолиятидан келиб чикиб, алохида муассасасинг «Сметаси»дан бошлаб, давлатнинг «йигма молиявий баланси»гача булади. Хар бир молиявий режада маълум бир муддатга мклжалланган даромадлар ва харажатлар хамда молия сохалари ва кредит тизими билан алокалари (бадаллар, ажратмалар, бюджетга соликлар, банк кредити учун туловлар ва бош.) Аник килиб белгиланади. Молия тизимининг барча бугинлари молиявий режалаштиришни амалга оширади, бирок молиявий режасининг шакли, таркиби, тузилиши ва хажми хар бир туриннинг узига хос хусусиятидан келиб чикади. Масалан, тижорат асосида фаолият курсатаётган хужалик субъектлари «даромадлар ва харажатлар баланси» шаклидаги солик режасини тузса, нотижорат асосида фаолият курсатаётган хужалик субъектлари «смета харажатлари» тузади, жамоа бирлашмалари, кооператив, сугурта ташкилотлар молиявий режалар тузса, давлат бошкарув органлари, махаллий органлари махаллий бюджетларни тузадилар.

Молиявий режалаштиришнинг муайян вазифалари молиявий сиёсат томонидан белгиланиб, куйидаги курсаткичларни камраб олади:

- режа топширикларни бажариш учун зарур булган пул ресурслари ва уларнинг манбаларини аниклаш;
- даромадлар хажмини ошириш ва харажатларни тежаб иктисод килиш;
- марказлашган ва марказлашмаган пул фондлари уртасида пул ресурсларини таксимлашда оптимал пропорцияни белгилаш ва бошкалар.

Маъмурий кумондонлик бошкаруви тизимида пул даромадлари ва жамгармаларининг шаклланиши ва таксимланиши, уларни марказлашган ва марказлашмаган пул фондларига гурухлаш деректив режалаштириш оркали амалга оширилар эди. Директив ривожлантириш бошкарув тизими функцияларидан бири булиб, узгармас катъий хусусияти билан ажралиб туради. Бозор иктисодиёти шароитида режалаштириш бошкарув тизимининг асосий функцияси була туриб, давлатнинг иктисодий ва социал фаолиятини туликлигича камраб олмайди.

Агар режали иктисодда молияни бошкариш жараёнида, асосан, таксимлаш сохасига эътибор каратилган булса, бозор иктисодиёти шароитида эса ишлаб чикариш жараёнининг айирбошлаш сохасига асосий эътибор каратилади. Чунки, айирбошлаш оркали махсулот ишлаб чикаришга хамда сотилишига кетган махсулот зарурий харажатлар том маънода тан олинади.

Бозор иктисодиёти режалаштиришни рад этмайди, аммо маъмурий буйрукбозлик иктисоддаги режалаштиришга нисбатан эгилувчан ва давр талабига мос

харакат кила оладиган булади. Бозор иктисодиёти шароитида бундай ижобий натижага эришиш тахлиллаш ва программалаш оркали амалга ошади.

Молиявий курсаткичларнинг тахлилий ва режали хисоботлари турли хил усулларда кулланилади. Аммо асосийлари хакида куйидагиларни курсатиш мумкин.

- Экстраполяция усули
- Норматив усули
- Баланс усули
- Математик моделлаштириш усули

Экстраполяция усулининг мохияти шундан иборатки, хужалик фаолиятининг давр молиявий натижаларини ижобий ва салбий томонларини зимдан хисобга олиб, келгуси давр режалаштиришда улар эътиборга олиниши зарурлигини курсатади.

Масалан, утган йили даромадлар тушуми 2.000 млрд сумни ташкил килган, режада эса 1.900 млрд сум эди. Келгуси йили реда 1.950 млрд сум килиб белгиланиши зарур. Бу экстраполяция усулининг ижобий курсаткичидир. Мазкур усулнинг салбий курсаткичи вужудга келганда куйидаги куриниш вужудга келиши зарур.

Утган молия йили даврида режа буйича 1990 млрд сум, тасдикланган. Бирок, хакикатда, 1800 млрд сум даромад маблаглари шаклланди. Бундай холатда келгуси йилги молия режаси даромадлар буйича 1850 млрд сумни ташкил килиш лозим.

Норматив усулдан фойдаланиш белгиланган, тасдикланган норма ва нормативларга таянган холда бажарилади.

Математик моделлаштириш усули реал иктисодий ва социал жараёнлар окимини акс эттирувчи молиявий моделлари куринишида гавдаланади.

Баланс усулида, молиявий ресурсларнинг шаклланиши манбалари ва улардан фойдаланишдаги богликлик хамда тенгликни таъминлаш уз ифодасини топади.

Режали иктисод даврида куплаб деректив ва адресли режалар кабул килинар эди, шу жумладан, молия режа – режалар кабул килинганда чамалаш (прогноз) усулидан фойдаланиш рад этилмасди. Иктисодий ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, бозор иктисодиёти шароитида асосий элементлар куйидагилар хисобланади: нарх-наво, товар ва хизматларга талаб ва таклиф, ишчи кучи, ссуда капиталлари, ракобат ва бошкалар.

Бахонинг тебраниши ва унинг микдори товар ва хизматларга булган талаб ва таклифларга боглик булади. Бундай шароитларда бошкаридиган ассортиментини аниклайдиган, бозорни бошкарадиган тизимнинг мавжудлиги булиши зарур. Бозорни ташкил килиш, унинг тахлили ва режалаштириш элементлари билан бошкариш маркетинг оркали ташкил этилади.

Бозор иктисодиёти шароитида утказилаётган иктисодий ислохотларда молиявий режалаштириш бошкарувнинг асосий фунцияси булиб колмокда ва хужалик юритишнинг давр талабларига мослашмокда. Бундай холат тармоклар иктисодидаги бюджетдан молиялаштирилаётган маориф, согликни саклаш ва бошкарув йуналишларида хам ижобий узгаришлар билан кузатилмокда.

Жумладан, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Давлат бюджети хисобига маблаг билан таъминланадиган тармокларда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблаг билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблагларидан самарали ва аник фойдаланиш максадида

3 сентябр 1999 йилда карор кабул килди. Ушбу карорга мувофик, юридик шахс макомига эга булган бюджет ташкилотларига ривожлантириш жамгармасини шакллантириш хукуки берилиб, жамгарманинг куйидаги молиявий манбалар хисобидан шаклланиши кузда тутилган:

- режага мувофик бюджетдан маблаг билан таъминлаш хисобига тушган ва хисобот чорагининг охирги иш кунида бюджет ташкилотлари хисоб варакаларида колган, тежаб колинган (фойдаланмаган) маблаглар (капитал куйилмаларни маблаг билан таъминлаш учун назарда тутилган маблаглар бундан мустаснодир);
- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофик товарлар (иш , хизматлар) ишлаб чикариш ва сотишдан олинган даромадлар ;
- вактинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошка мол-мулкини ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблагларнинг 50 фоизи, колган 50 фоиз маблаг махаллий бюджетлар даромадига утказилиши белгилаб куйилган;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган хомийлик ёрдами (бегараз ёрдам) хисобига шакллантирилади.

Мазкур молиявий жамгармаларни куйидаги йуналишларда фойдаланиш режалаштирилган:

- аввало, мавжуд кредиторлик карзларини тулашга;
-бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустахкамлаш тадбирларига;
-ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рагбатлантириш тадбирларига ва бошка йуналишларга тааллукли тадбирларга.

Молия режаси корхона даромад ва харажатларини балансдалигини ифодаловчи хужжатдир. Молия режасининг даромадлар ва харажатлар кисми алохида харакат турлари хамда уларни коплаш манбалари аниклангандан сунг тузилади.

Режада курсатилган молиялаштириш манбалари ва хажми, режа хажми ва капитал куйилмаларни молиялаштириш режаси курсаткичларига тугри келиши керак. Бунинг учун албатта молия режасидаги даромад ва харажатлар алохида кисмлар буйича узаро balanceда булиши шарт. Хар бир харажат турлари буйича балансга эга булиб туриб, уларни коплаш мабалари излаб топилади.

Молия режасининг асосий вазифалари булиб куйидагилар хисобланади:

**1.**Хужалик фаолиятини амалга ошириш учун молиявий ресурслар излаб топиш ва аниклаш;

**2.**Корхона хужалик фаолиятини таъминловчи воситалар юналишини ва улардан максадли фойдаланиш йулларини ифодалаш.

**3.**Давлат бюджети, давлат банки ва юкори ташкилотлар билан буладиган молиявий алокаларни аниклаб бериш ва бошкалар.

Куриниб турибдики, молия режасида корхона учун зарур барча курсаткичлар кайд этилади ва у назорат килиб борилади. Ушбу молия режасини тузиш учун эса бир канча хужжатлар талаб килинади:

**1.**Реализация хажмини режаси.

**2.**Пул харажатлари ва тушум баланси.

**3.**Даромадлар ва харажатлар жадвали.

**4.**Корхона актив ва пассивларнинг йигма баланси.

**5.**Фойдани критик нуктаси графиги.

Юкорида кайд этилган хужжатар жахон бухгалтерия хисобига асосланган булиб бизнинг республикамизда хам узининг урнини топмокда. Бу хужжат «Бизнес - режа» деб аталади.

Реализация хажмининг режаси. Бу хужжат корхонанинг узининг махсулоти билан бозорда тутадиган улуши курсатади. Бундай режа 3 йилга тузилади.

Биринчи йилнинг курсаткичлари ойларга булинади, иккинчи йилники кварталларга, учинчи йилга тузилган режада 12 ой давомида сотиладиган махсулотнинг умумий суммаси курсатилади.

Шундай килиб биринчи йилда махсулот сотиб олувчилар билан олдиндан шартнома тузилган булади. Иккинчи йилда эса факат режа килиш мумкин, чунки иккинчи ва учинчи йилларнинг шартномаси булмаслиги мумкин – бу бозорнинг талаб ва таклифига боглик.

Пул харажати ва тушумлар балансида махсулот ишлаб чикарилгандан сотилгангача пул маблагларнинг махсулот ва харажати курсатилади. Демак бу курсаткич корхонанинг ликвидлигини аникланди.

Даромадлар ва харажатлар жадвалида куйидаги курсаткичлар ифодаланади

**1.** Товар сотишдан даромад.

**2.** Товар сотиш харажатлари.

**3.** Сотишдан олинган фойда /1-2/.

**4.** Ишлаб чикариш умумий харажатлари /турлари буйича/.

**5.** Соф фойда / 3 - 4/.

Бу хужжатда фойданинг узгариши курсатилади биринчи йилда – ойлар буйича, иккинчи йилда – кварталлар буйича, учинчи йилда эса – йил давомида.

Корхона актив ва пассивларнинг йигими баланси. Биринчи лойиха реализация килингандан йилнинг бошига ва охирига тузилади. Бу хужжатда караб тижорат банклари корхонанинг кайси актив кисмига пул утказишни аниклайдилар.

Фойдани критик нуктаси графиги фойдага таъсир этувчи омилларни курсатади ишлаб чикариш хажми, сотиш бахоси ва мехнат таннархи.

Шундай илиб бозор иктисодиётига утиш даврида корхоналарда тузиладиган молия режасининг формаси хам турлари узгариб бормокда. Бугунги кунда эса корхоналарда тузиладиган молия режасини формаси «Даромад ва харажатлар баланси» деб аталади, турлари эса – бир йиллин, бир ойлик ва дакадаларга тузилади.

Молия режаси даромад ва харажатлар формасида булиб куйидаги булимларни уз ичига олади:

**1.** Даромад ва тушумлар..

**2.** Харажатлар ва тушумлар.

**3.** Бюджетга туловлар.

Молия режасининг даромад ва тушумлар кисмида фойда даромад,амортизация ажратмалари, корхоналарга юкори ташкилотлардан тушадиган тушум, ота-оналардан /мактабгача муассасаларни саклаш учун/ тушумлар хам акс эттиради.

Юкори акс эттирлган барча даромадлар ва тушумлар молия режадаги харажатлар ва ажратмалар булими курсаткичлари умумий суммасига тенг булиши керак.

Молия режасининг харажатлар ва ажратмалар кисмида таъминот ишлаб чикариш, автотранспорт ва бошка хизмат турлари буйича килинадиган барча

харажатлар курсатилади. Бу харажатларга ремонт харажатлари, турли фондларга ажратмалар, узок муддатли кредитларни коплаш харажатлари, автотранспорт курилишига ажратмалар, хамда операцион харажатлар, маданий ташкилотлари ва пионер дам олиш лагерларига килинадиган харажатлар ва бошка харажатлар курсатилади.

Ана шу курсатилган барча харажат ва ажратмалар молия режасидаги даромадлар ва тушумларнинг умумий суммасига тенг булиши керак.

Узбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Банкротлик тугрисида»ги Конуни кредиторларнинг даъволарини кондириш максадида хужалик юритиш субъектлари булмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот булган, деб эътироф этиш шартлари таркибини белгилаб берди.

Ушбу конун уз фаолиятини Узбекистон Республикаси давлат бюджети маблаглари хисобидан амалга ошириладиган корхоналар(ташкилотлар)га нисбатан татбик этилмайди.

Хужалик субъектининг банкрот булиши дейилганда карзларнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кетганлиги сабабли товарларга (ишларга, хизматларга) хак тулаш юзасидан кредиторларнинг талабларини кондиришга кодир эмаслиги, шу жумладан бюджетга ва бюджетдан ташкари фондларга мажбурий туловларни таъминлашга кодир эмаслиги тушунилади.

Кредиторларнинг талабларини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан хужалик юритиш субъекти уч ой мобайнида уларни бажара олмаетганлиги еки бажаришга кодир эмаслигининг мукаррарлиги сабабли унинг жорий туловларини тухтатиб куйилиши хужалик юритиш субъекти банкрот булишининг ташки аломати хисобланади.

Банкротлик факти хужалик суди томонидан эътироф этилганидан еки хужалик юритиш субъекти ихтиерий равишда тугатилаетганида унинг узи банкрот булганлигини расман эълон килганидан кейин хужалик юритиш субъекти банкрот булган хисобланади.

Банкрот булишга олиб келган гайриконуний харакатларни содир этган шахслар конун хужжатларига мувофик жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Бундай шароитда банкротлик тизимини ишга тушуриш зарурий хол булиб, корхонанинг банкротлиги муайян даражада, корхонанинг барча катнашчилари учун булмаса-да,купчилиги учун согломлаштириш муолажаси булиши мумкин.

Банкротлик тизимининг мухим ташкил этувчиларидан бири корхонанинг молиявий ахволини диагностика килиш, якинлашиб келаетган инкирозли холатни назорат кили шва уз вактида унинг олдини олиш, корхона бошкарувининг асосий вазифаси хисобланади.

Банкротликнинг дастлабки белгиларига куйидагилар киради:

**А)** хисоботлар берилишининг кечиктирилиши. Бу корхонанинг молиявий хизмати емон йулга куйилганлигидан дарак беради;

**Б)** баланс ва молиявий натижалар тугрисидаги хисоботлар тизимидаги кескин узгаришлар, айникса:

- хисоб ракамида маблагнинг камайиши;
- дебиторлик карзларининг ортиши;
- дебиторлик счетларининг эскириши;

- дебиторлик ва кредиторлик карзлари балансининг бузилиши; в х.к.

Банкротликнинг куйидаги боскичлари бор:

**Биринчи боскич** - яширин боскич, бунда «корхона нархи» яшириш холда пасаяди ва у даромадни капиталлаштириб Билан аникланади:

**Иккинчи боскич** - молиявий баркарорлик боскичи булиб,накд пулнинг камлиги, банкротликнин айрим дастлабки белгилари мавжудлигилан келиб чикади.

Узбекистон Республикасининг «Банкрот тугрисида»ги Конунига асосан банкротлик судсиз ва суда бажариладиган амаллар оркали куриб чикилади.

Хужалик судида банкрот булганликка доир иш кузгатиш учун карздор еки кредиторнинг, шунингдек прокурорнинг аризаси бор булади.

Судсиз бажариладиган амаллар-карздорга кредиторлар Билан музокара олиб бориш йули оркали еки карздор хужалик юритиш субъекти фаолиятини давом эттиришга келишиш еки хужалик юритиш субъектининг ихтиерий равишда тугатилиши тугрисидаги карорига уларнинг розилигини олиш имконини берувчи усуллар хисобланади.

Банкрот булганликка доир ишларни юритиш Узбекистон Республикасининг Хужалик-процессуал кодекси Билан тартибга солинади, «Банкротлик тугрисида»ги Конунда назарда тутилган холлар бундан истоснодир.

### Уз-узини текшириш саволлари:

1. **Молиявий режанинг ахамияти**
2. **Молиявий режалаштириш усуллари**
3. **Молиявий натижанинг мохияти**
4. **Якуний молиявий натижа**
5. **Ички омиллар турлари**
6. **Банкротлик факти**
7. **банкротликнинг белгилари нималардан иборат?**
8. **банкротликнинг боскичлари**
9. **банкротлик амаллари**

## *17- МАЪРУЗА:* **Молиявий тахлил ва корхонанинг молиявий стратегияси. Уй хужаликлари молияси.**

Р Е Ж А :

17.1. Корхоналарда молиявий тахлил.
17.2. Молиявий тахлилни амалга ошириш усуллари.
17.3. Пенсия ва нафакалар туловлари.
17.4. Стипендия туловлари.

.

Адабиётлар: 1, 3, 6, 36,40,61

Таянч иборалар: молия, молиявий тахлил, молиявий хисобот, молиявий холат, молиявий натижалар, корхона маблаг ва манбалари, молиявий интизом, асосий фаолият, рентабеллик курсаткичлари, бошкарув хисоби, бошкарув тахлили, иктисодий тахлил назарияси, пенсия таъминоти,стипендия туловлари,нафака туловлари.

Бозор иктисодий шароитида корхоналарни самарали бошкариш унинг хужалик фаолияти маблаг воситаларининг ахволи ва улардан фойдаланиш уларни ташкил этиш манбалари тугрисида тула ишонарли иктисодий ахборотни тезкорлик билан олиш ва фойдаланишни талаб килади Бу бошкарув ходимларидан молиявий хисоботни укий олиш, яъни хисобот хар бир моддасининг иктисодий мохиятини тушуниш унинг корхона фаолиятидаги ролини бахолаш усулларини, баланс ва хисоботнинг бошка шакллари моддалари билан алокасини, у еки бу модда буйича суммалар узгариши тавсифини ваушбу узгаришлар ахамиятини бахолаш махоратини талаб этади. Молиявий хисобот моддаларидан фойдаланиб корхона тугрисида катта хажмда маълуммот олиш унинг молиявий ахволини хизмат ва бозор фаоллигини тахлил килиш мумкин. Шу муносабат билан бугунги кунда молиявий тахлил фан сифатида шаклланиб такомиллашиб бормокда. Молиявий тахлилнинг таркиби унда тахлил килинаетган кур саткичлар маълумотини хатто унинг коидаси хамон илмий асосланган холда хал этилишини такозо килади Молиявий тахлил фанинг предмети - тахлил килинаетган объектнинг (фирма, корхона акциядорлик жамияти) молиявий натижалари ва молиявий холатига жорий бухгалтерия хисоботлари ва бошка маълумотларга асосан батафсил бахо бериш вазифаси ни тулик камраб, бозор иктисодиетинг барча талабларига жавоб беради.

<u>Молиявий тахлилнинг асосий максади</u> куйидагилардан иборат:

-корхонанинг молиявий ахволини хар томонлам урганиб унинг холатига аник ва холисона бахо бериш:

-маблаг ва манбаларнинг жойланишини текшириш уларни тугри йуналишда ишлатилганлигини аниклаш:

- хисоблашиш ишларининг уз муддатида бажарилганлиги, дебетор ва кредиторлик карзлари таркибини урганиш:

- корхонанинг узига карашли маблаглари билан карз маблаглари уртасида нисбат ва айланма маблагларни манба билан таъминланганлигини текшириш:

-молиявий интизомга канчалик амал килишни аниклаш ва тулов кобилиятига бахо бериш:

-корхона мулкининг кадрлилги ва тез пулга айлана олиш даражасини урганиш:

-айланма маблаглардан фойдаланишга бахо бериш ва корхонанинг молиявий ахволини яхшилаш буйича таклифлар баен этиш ва хакозо.

Молиявий тахлилни бажаришда зарур буладиган манбалар хисобга олинадиган ва хисобга олинмайдиган манбаларга ажратилади, Тахлилнинг хисобга олинадиган манбаларига куйидагилар киради:

-бухгалтерия хисоби ва хисобот:

-статистик хисоб ва хисобот:

-оператив (жорий) хисоб ва хисобот

-танлаб олинган хисоб маълумотлари Ахборотнинг хисобга олинмайдиган манбаларига куйидагилар киритилади:

-идора ичидаги ва идора ташкарисидаги тафтиш:

-ташки ва ички аудит:

-лабаратория ва врач санитария назорати:

-солик хизматлари текширувлари:

-мехнат жамоаси кенгашлари йигилишлари,

Тахлил жараенида тасдикланган режа бизнес режа, меъерий материаллар хам жалб килинади Шундай килиб корхона молиявий ахволини тахлил килишнининг асосий манбалари молиявий хисобот ва бухгалтерия хисоби хисобланади.

Молиявий тахлил бир канча иктисодий фанлар билан узвий алокада булиб, мустакил иктисодий фан хисобланади. Фан хисоб тизимини жахон андозаларига якинлаштириш талабларига кура, бошкарув хисоби ва тахлили, молиявий хисоб ва тахлили таркибида шаклланган.

Фан бошкарув хисоби, молиявий хисоб, статистика, иктисодий тахлил назарияси, иктисодий математик моделлаштириш ва бошка бир катор иктисодий фанлар билан богланган.

Молиявий тахлилда кулланилаетган курсаткичлар иктисодий мазмунига кура 8 гурухга булинади. Молиявий тахлилда урганиладиган энг мухим курсаткичлар гурухини шартли равишда 3 гурухга булиб урганилмокда.

**1.** Даромадларни ифодаловчи курсаткичлар (сотишдан олинган, асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан, инвестицион фаолиятдан ва фавкулотда даромадлар).

**2.** Фойда курсаткичлари (сотишдан олинган, асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан, фавкулотда, солик тулангунга кадар булган фойда, соф фойда).

**3.** Рентабеллик курсаткичлари (барча активлар рентабеллиги, хусусий капитал, сотилган махсулот рентабеллиги, иктисодий ва молиявий салохият рентабеллиги, акция рентабеллиги ва бошкалар).

Молиявий тахлилда куйидаги курсаткичлар тахлил килиниши шарт:

**Молиявий тахлилда кулланиладиган курсаткичлар тизими**




Узбекистан Республикаси бозор муносабатларига ута бориб, куп укладли бозор иктисодиётини курмокда. Республика ташки иктисодий алокалари ривожланаяпти, республикага хорижий мамлакатларнинг сармоялари жалб этилмокда. Узбекистон жахон бозор иктисодиётига кириб бормокда.

Бу холат хорижий мамлакатларда бозор муносабатларининг шаклланиши, бозор иктисодиётини барпо этиш тажрибасини ва бозор иктисодиёти самарадорлигини кутариш йулларини урганишни талаб этади. Шу жумладан, фирма ва корхоналар томонидан бошкарув тизими яхши урганилиши керак. Бу борада фирма ва корхоналарнинг молиявий жихатини тахлил килиш катта ахамиятга эга.

Хорижий мамлакатларнинг бу сохадаги тажрибасини укиш, урганиш тугрисида гап борар экан, республикада бу тажрибадан механик равишда фойдаланишга интилиш мавжуд. Шубха йукки, хорижий мамлакатларда шаклланган молиявий тахлил усуллари хар томонлама урганилиб, ундан кенг фойдаланилади. Лекин шу билан мамлакатимизда шаклланган усулларни инкор килмасдан, улардан хам кенг фойдаланиш лозим. Бунинг учун хорижий мамлакатларнинг бу борадаги тажрибасини яхши урганишимиз ва билишимиз керак.

Шу нуктаи назардан Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси ташаббускорлиги билан бошланган ишни олкишлаб, куллаб-кувватлаш лозим. Кумита узининг хафталик «Солик ва божхона хабарномалари» рузномасида «Ёш хисобчи мактаби» ва «Бош хисобчи академияси» рукунларини ташкил этиб, хорижий

мамлакатларнинт бозор муносабатлари даврида хисоб ва хисоботни ташкил килиш, молиявий тахлилни утказиш борасидаги тажрибалари ёритила бошланди. Шулар катори республикада килинаётган ишлар хам ёритилаяпти.

Республика бозор муносабатларига утар экан, республикада корхоналарнинг молиявий фаолиятини тахлил килиш услуби бозор муносабатларига мослашиб барпо этилиши лозим. Бунинг учун албатта, хорижий мамлакатларнинг, айникса, Россия Федерациясининг тажрибасини синчиклаб урганиб, ундан фойдаланиш максадга мувофикдир.

Шу максадда бизга етиб келган иктисодий манбалардан фойдаланиб, молиявий тахлил буйича хорижий мамлакатларнинг тажрибаси, ундан фойдаланиш имкониятлари тугрисида киска тухталмокчимиз.

1995 йил февраль ойида «Солик ва божхона хабарномалари» рузномасида Тошкент Давлат иктисодиёт университетининг доценти, иктисод фанлари номзоди А.Х.Шоалимовнинг «Молиявий холатнинг тахлили» номли маколаси чоп этилди. Бу маколада муаллиф молиявий тахлилнинг максади, субъект ва объектлари, маълумот манбалари тугрисида уз фикрларини берган.

Муаллиф уз маколасида хорижий мамлакатларнинг тажрибасига асосланиб **молиявий тахлилни асосий йуналишларини** ёритган. Булар куйидагилардан иборат:

- ички ва ташки тахлил;
- бошкарувлик тахлили — умуман фирма фаолияти буйича;

-тадкикотлик тахлили — мехнат унумдорлиги ва моддий харажатлар тахлили;

-функционал тахлил — фирма булимчаларини тахлил килиш 1995 йил «Солик ва божхона хабарномалари» рузномасининг 22-сонида Тошкент Молия институтининг доценти, Узбекистан Республикаси хисобчилар ва аудиторлар Ассоциациясининг бошкарма аъзоси, иктисод фанлари номзоди М. Тулахужаеванинг маколаси чоп этилган. «Молиявий хисобот ва молиявий коэффициентларнинг тахлили» номли маколада «Узбекистонда бухгалтерия хисоби ислохоти» лойихаси материалларидан фойдаланиб, хорижий мамлакатларнинг молиявий тахлил борасидаги тажрибаси ёритилган.

Маколада баён этилганидек, **молиявий тахлил** куйидаги беш йуналишда утказилади:

-мутлок курсаткичларнинг тахлили, яъни корхоналарнинг маблаглари ва уларнинг манбалари хажм курсаткичлари;

-горизонтал тахлил — корхоналар хисоботида ифодаланган моддаларнинг бир давр давомида мутлок ва нисбий узгаришлари тахлили;

- вертикал тахлил — корхоналар маблагларини таркибий узгаришлари тахлили;
- тренд тахлили - корхоналарнинг молиявий холатини ифодаловчи алохида курсаткичларнинг узгариш йуналишлари тахлили;
- молиявий коэффициентларнинг тахлили, бунда молиявий коэффициентлар сифатида ликвидлик, рентабеллик, ишчанлик, бозорга оид активлик, корхона капиталининг таркибий курсаткичларидан фойдаланилган.

Юкорида ифодаланган тахлил йуналишларида молиявий тахлил жараёнининг мантикийлиги курсатилмаган.

**Молиявий коэффициентлар** уз навбатида икки гурухга булинади:

- таксимланиш коэффициентлари;
- мувофиклаштириш коэффициентлари,

Маколада фойдаланилган курсаткичларнинг мазмунига каралганда биринчи гурух коэффициентлари таксимланиш коэффициентлари эмас, таркибий коэффициентлар, иккинчи гурух молиявий коэффициентларни мувофиклаштириш коэффициентлари эмас, нисбат коэффициентлари, деб аталса максадга мувофик булур эди.

Чунки **таксимланиш коэффициентлари** тугрисида гап борар экан, корхона мол-мулки таркибила, асосий ва айланма маблагларнинг салмоглари, умумий айланма маблагларнинг таркибида моддий ва пул айланма маблагларни салмоклари, корхона маблагларинилг манбалари таркибида узининг маблагларнинг манбалари, мажбуриятларининг салмоклари ва бошка таркибий курсаткичлар тахлил этилади. **Мувофиклаштириш коэффициентлари** тугрисида гап борар экан, бу ерда молиявий мустахкамлик, баланс ликвидлиги ва корхоналар рентабеллиги курсаткичлари тахлил этилади. Демак, бу ерда корхоналар молиявий холатининг хар хил шакллари, йуналишлари тахлил килинади. Лекин бу курсаткичлар нисбий курсаткичлар сифатида аникланади.

Масалан, **молиявий мустахкамлик коэффициенти** — бу корхона моддий маблаглари билан уларни копловчи манбалар уртасидаги узаро нисбат, баланс ликвидлик коэффициенти — корхона айланма маблаглари билан корхонанинг киска муддатли мажбуриятлари уртасидаги нисбат ва хоказо.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига асосан молиявий коэффициентлар молиявий тахлилда кенг фойдаланилади. Бир хил мамлакатларда молиявий коэффициентлар 80 тагача булиши мумкин.

Бевосита баъзи хорижий адабиётларда **молиявий тахлилни** куйидаги йуналишларда утказиш тавсия этилган:

**1.** Молиявий якунлар тахлили — фойда, рентабеллик тахлили, махсулотлар таннархи, корхона харажатлари тахлили.

**2.** Корхона капитали рентабеллик курсаткичининг тахлили — рентабеллик даражаси омилларининг тахлили, асосий воситалардан, номоддий активлардан, айланма маблаглардан фойдаланиш самарадорлиги курсаткичлари.

**3.** Корхоналарнинг молиявий холати тахлили - корхона актив ва пассивлари тахлили, молиявий мустахкамлик, баланс ликвидлиги тахлили.

**4.** Корхоналарнинг хужалик фаолиятини мажмуа равишда бахолаш ва рейтинг бахолаш муаммолари ёритилган.

Бу адабиётларда молиявий тахлил билан боглик, булган янги муаммолар курилган ва муаллифлар бозор муносабатларининг талабларини туликрок эътиборга олишган. Лекин бу адабиётларда:

- молиявий тахлил боскичлари мантикий равишда кетма-кет ёритилмаган;

- молиявий холат ва корхоналарнинг самарадорлик курсаткичлари аралаштириб юборилган;
- молиявий тахлилнинг хамда молиявий холатнинг асосий курсаткичларига камрок эътибор берилган;
- фойда ва рентабеллик курсаткичлари узаро богланган равишда курилмаган.

Бозор муносабатларини шаклланиши даврида бизга етиб келган хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чикиб, тахлилни утказиш борасидаги иктисодий адабиётларини урганиб, уни умумлаштириб республикамизда фанни услубиётини яратишда куйидаги хулосаларга келинди:

- хорижий мамлакатларда бу борада бозор муносабатларининг талабларига жавоб бера бориб кенг равишда илмий тадкикот ишлари бажарилмокда;
- шаклланаётган молиявий тахлил усулларида корхоналарнинг бозор муносабатлари давридаги молиявий холатини хар томонлама тахлил килиш учун керакли курсаткичлар тизими ишлаб чикарилмокда;
- бизнинг республикамиз шароитларига мослаб шаклланнаётган молиявий тахлил усулини батафсил ишлаб чикишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан, албатта, фойдаланиш имкониятлари мавжуд;
- лекин хорижий мамлакатларда фойдаланилаётган тажрибадан механик равишда фойдаланиш максадга мувофик, эмас. Чунки хорижий мамлакатлар тажрибасида хали охиргача ечилмаган муаммолар, камчиликлар бор;

купчилик хорижий мамлакатларда бозор иктисодиёти тулик шаклланган, бизнинг республикамизда эса бозор муносабатлари энди шаклланмокда.

Демак, келгусида молиявий тахлил усулларини такомиллаштиришда хам узимизда мавжуд тажрибадан, хам хорижий мамлакатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш лозим.

Корхоналарнинг умумий иктисодий, хужалик фаолиятини, жумладан, молиявий фаолиятини тахлил килиш муаммолари одатда икки йуналишда олиб борилади:

Биринчидан, илмий-тадкикот ишлар олиб борилиб, маколалар, кулланмалар, монографиялар чоп этилади.

Иккинчидан, молия вазирлиги ва корхоналарнинг молиявий фаолиятидан манфаатдор булган бошка орган, ташкилотлар томонидан молиявий тахлилнинг меъёрий асослари, услубий курсатмалари барпо этилади.

Бу одат хозирги пайтда хам республикада давом этаяпти. Илмий-тадкикот ишлари бажариляпти, меъёрий хужжатлар ишлаб чикиляпти. Бу ишлар бозор муносабатларига мосланган равишда республикада бошланган булсада, лекин бажарилган ишлардан молия тахлил услубини хали батафсил шаклланган деб булмайди.

Тошкент Молия институти тахлил кафедрасининг мудири иктисод фанлари номзоди, доцент Акрамжон Ибрахимовнинг узбек тилида чоп этилган «Молиявий тахлил»

номли рисоласида молиявий тахлилни утказиш учун куйидаги курсаткичлар таснифи тавсия этилган:

**1.*Корхонанинг молиявий фаолияти тахлили:***

- баланс тахлили;
- мол-мулк таркиби тахлили;
- корхона маблагларинииг манбалари тахлили;
- молиявий мустахкамлик тахлили;
- карзларни кайтиб бериш кадрининг тахлили;
- корхона маблаглари харакати тахлили.

**2.*Корхона молиявий фаолияти якунлари тахлили.***

- балансдаги фойданинг таркибий ва динамик тахлили;
- махсулот реализациясидан олинган фойда ва унга таъсир курсатувчи омиллар тахлили;
- корхонанинг бошка даромадлари ва харажатлари тахлили;
- корхонанинг ялпи ва соф фойдаси тахлили;
- корхона рентабеллиги ва унга тасир курсатувчи омиллар тахлили;
- корхона фойдасининг таксимланиши тахлили.

Куриниб турибдики, юкорида келтирилган курсаткичлар таснифида корхоналар молиявий холатининг хамма йуналишлари шакллари ифодаланган эмас. Масалан, баланс ликвидлиги ва хоказо.

1995 йили Молия вазирлиги томонидан хар ойда чоп этиладиган «Узбекистон Республикаси молиявий конунлари» тупламида А.Н.Ли ва С.И.Шевченколарнинг «Корхоналар молиявий тахлилининг асосий тамойиллари» номли маколасида молиявий тахлил учун куйидаги курсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилган:

**1.** Молиявий холатни умумий бахолаш

**2.** Молиявий баркарорликни (мустахкамликни) тахлил этиш коэффициентлари, ликвидлик коэффициентлари, корхона капиталининг таркибий коэффициентлари, молиявий мустахкамликни бахолаш критерияси.

**3.**Корхоналар фаолияти самарадорлигининг тахлили-корхоналарнинг хакикий самарадорлиги, рентабеллик коэффициентлари, бозорга оид активлик козффициентлари, корхоналарнинг потенциал курсаткичлари, ишчанлик-активлик коэффициентлари хамда корхона харажатларига, фойдасига таъсир этувчи омиллар тахлили.

Муаллифлар тавсияларида молиявий холатнинг мустахкамлигини баркарорлик билан, молиявий мустахкамликни баланс ликвидлилиги билан аралаштирган ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини хамма шакллари эмас, бир кисм шакллари, йуналишлари ифодаланган.

Молиявий тахлил муаммолари буйича республикада кузга куринган иктисод олимлардан, иктисод фанлари доктори И.Т.Абдукаримовнинг хам рус, хам узбек тилида чоп этилган «Молиявий хисоботни кандай укиш ва тахлил килиш керак» номли монографиясида молиявий тахлил куйидаги икки боскичда амалга оширилади:

**1.** Молиявий хисобот, унинг тавсифи. Бу боскичда молиявий хисоботнинг мохияти, мазмуни, таркиби курилади, бухгалтерия "баланси молиявий тахлилнинг асосий манбаи сифатида ифодаланади, бухгалтерия балансининг бошк.а молиявий хисобот шакллари билан алокаси ёритилган ва бухгалтерия балансини хакикийлигини ва балансни тахлил килишга тайёрлаш муаммолари ёритилган.

**2.** Молиявий хисоботга асосланиб, корхоналарнинг молиявий фаолиятини тахлил килиш ёритилган. Бу боскичда бозор муносабатлари даврида молиявий тахлилнинг тутган урни, корхона балансининг таркибини тахлил килиш, корхона маблагларининг холати ва фойдаланиш даражаси тахлили, корхона маблагларининг манбалари тахлили, карзларни кайтиб бериш кадри, молиявий мустахкамлик, дебиторлик, кредиторлик карзларни тахлил килиш, шахмат балансини тузиш муаммолари, корхоналар фаолияти молиявий якунларини тахлил килиш масалалари курилган.

Узбекистон Республикаси ёш иктисодчи олимларидан иктисод фанлари номзодлари М.К.Пардаев, Б.И.Исроиловлар 1999 йили «Молиявий тахлил» номли услубий кургазмалар ва тавсиялар албомини чоп этдилар. Бу кулланма уч кисмдан иборат.

***Биринчи кисм.*** «Молиявий тахлилнинг назарий асосида молиявий тахлилнинг мазмуни, таркиби, шакллари ва максади курилган.

***Иккинчи кисм.*** «Корхона молиявий холатининг тахлили»да корхоналарнинг иктисодий салохиятини бахолаш ва тахлил килиш, корхона маблагларининг алохида турлари тахлили, корхоналарнинг узлик ва ташкаридан олинган маблаглар тахлили, корхона баркарорлиги, ликвидлигини, молиявий мустахкамлигини, банкротликни ва бозор фаолиятининг тахлил килиш курсаткичлари курилган.

***Учинчи кисм.*** «Молиявий натижалар тахлилида молиявий якунлар тахлили, корхонада фойда тахлили, рентабелликни, савдо, акциядорлик жамиятларида фойда ва рентабеллик курсаткичлари тахлил этилган.

Республикада молиявий тахлил усулини шаклланишида керакли услубий-меъёрий материалларни тайёрлаш хам уз урнини топган. Бу борада Узбекистан Республикаси Молия вазирлиги томонидан керакли материаллар ишлаб чикарилмокда. Юкорида айтилганидек, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги уз буйруги билан 1997 йил 15 январда янги молиявий хисобот тизимини тасдиклади. 1998 йил 26 июлда кабул килинган буйругига биноан корхона балансига илова булмиш «Молия-иктисодиёт холати тугрисида маълумотнома»ни (26-шакл) тулгазиш буюртномаси тасдикланди.

1997 йил 17 апрелда корхоналарни банкрот ва санация масалалари буйича Узбекистон Республикаси Хукумат комиссияси томонидан «Корхонанинг молиявий тахлили буйича услубий тавсиялар» кабул килиниб, унда куйидаги молиявий тахлил шакллари утказилиши кузда тутилган:

**1.**Молиявий холатнинг тахлили-баланс валютаси динамикасини, баланс пассивлари таркибини, асосий воситалар ва айланмадан ташкари активларни ва молиявий натижаларнинг тахлили.

**2.** Молиявий мустахкамликнинг тахлили-захира ва харажатларни шакллантириш манбалари билан таъминланганлиги» молиявий мустакиллик коэффициентлари, узлик ва карзга олишган маблагларнинг уртасидаги нисбат, захира ва харажатларни узлик

манбалари билан таъминланганлик, карзларни кайтиб беришга кодирлик коэффициенти.

**3.** Корхоналарнинг иктисодий холати тахлили-карзларни кайтариб бериш крбилиятини тиклаш коэффициенти, фаолиятни маневрлаш коэффициенти, корхонанинг ишлаб чикариш мол-мулкини реал киймати коэффициенти.

**4.** Корхона рентабеллиги тахлили-махсулотларни реализация килишнинг реал коэффициенти, асосий воситаларнинг рентабеллик коэффициенти, перманент капиталининг рентабеллик коэффициенти, капиталнинг умумий айланишининг рентабеллик коэффициенти.

Бу услубий курсатмаларда корхоналар молиявий фаолиятининг шакллари, йуналишлари тулик равишда уз ифодасини топмаган.

Узбекистон Республикаси Давлат мол-мулк кумитаси томонидан 1996 йили тасдикланган «Корхона молиявий холатининг тахлилий услуби»да молиявий холат куйидаги йуналишларда тахлил килиниши тавсия этилган:

**1.** Молиявий холатни умумий бахолаш, баланс валютасининг динамикаси, корхона маблаглари ва уларнинг манбалари курсаткичлари.

**2.** Корхонанинг молиявий мустахкамлиги тахлили - молиявий мустахкамлшшинг мутлок, меъёрий, номеъёрий ва инкироз шаклдаги курсаткичлари, корхонанинг узлик ва карзга олинган маблаглари уртасидаги нисбат, ташкаридан олинган карзларни узок, муддатлик коэффициенти, узлик маблагларнинг маневрлик коэффициенти, асосий воситалар ва моддий айланма маблаглар кийматининг реаллик коэффициенти.

**3.** Корхона томонидан олинган карзларни кайтариш кадри (ликвидлик) курсаткичлари-баланс ликвидлигининг мутлок, утиш ва умумий коэффициентлари, соф фойда коэффициенти.

Ахолининг ижтимоий хизматини яхшилаш максадида, давлат ижтимоий сохани молиялаштиришнинг шундай механизмини жорий киладики, бита одамга тугри келадиган ижтимоий харажат ва бошка курсаткичлар хисобида аникланадиган бюджетдан ажратиладиган корхоналар асосида корхона ва ташкилотлар молиялаштирилади. Бундан ташкари, муассаса ва ташкилотлар томонидан бюджет ажратмаларини ишлатишнинг мураккаб реламентацияси бошланиб, бу муассаса ва ташкилотлар фаолияти максадли йуналтиришни ифодалайдиган нормативлар буйича молиялаштиришга бюджетдан харажатларнинг айрим модалари буйича маблаглар ажратилади.

Охирги йилларда иш хаки тулаш буйича муассаса ва ташкилотлар рахбарларининг хукуклари кенгайтирилган эди.Биринчидан,улар иш хаки фонди таркибида белиланган таълим доирасидаги уртача маошга риоя килмай мустакил равишда мансаб маошларини белгилаш хукукини оладилар.

Хозири пайтда халк таълими муассасалари томонидан олинадиган даромаддан олинган солик имтиезлари масаласи хал килинмокда.

Иктисодиетнинг нобозор сектори корхона ва муассасаларида молиявий ресурслар хисобига барча жорий харажатлар, бошка ташкилот Билан хисоблар ва

кредит фоизларини тулаш жорий килинган. Охиргисига куйидагилар киради: ишлаб чикариш ва ижтимоий ривожланиш фондлари,иктисодий рагбатлантириш фондлари (иш хаки фонди), валюта ажратмалари фонди.

Хозирги вактда мактаб, техникум,олий укув юртларини молиялаштириш тизимида бу муассасаларда ташкил этилган хайрия советлари ва хайрия маблаглари узларининг тижорат тузилмаси фаолиятини кенгайтиришни давом эттирмокдалар.

Улар таъсисчи сифатида катнашганлар тижорат шаклидаги ташкилотларнинг фойдасининг бир кисмини уз харажатларини молиялаштиришга ишлатмокдалар.

**Пенсия фонди**-бу, пенсия таъминотининг давлат молия бошкаруви идораси, маблаглари давлат бюджети таркибига кирмайдиган мустакил молия банк тизими. Пенсия фонд ива давлат бюджет узаро муносабатларнинг фаркли хусусияти булиб, уз ресурслари кисмининг юкорилиги ва марказлашган манбалардан дотацияларнинг йирик суммаларидан воз кечиш хисобланади. Махсус пенсия бадаллари пенсия фондида тупланиб ,ижтимоий сугурта доирасида уз функционал вазифасига эга булган тушум ва маблаглар билан кушилиб кетади.

Пенсия фондининг бош вазифаси булиб, пенсия ва болалар нафакаларини тулаш учун маблагларини максадли туплаш ва аккумуляциялаш, шунингдек, уларни молиялаштиришни ташкил этиш хисобланади.

Пенсия фондини шакллантиришда сугурта услубидан фойдаланиш, келгуси туловларини унинг купгина иштирокчилари уртасида нисбатан узок муддатга таксимлаш имконини беради.

Бюджет хисобидан молия билан таъминланадиган муассасалар бадалларини, ойнинг иккинчи ярим учун уларга иш хаки сифатида бюджетдан ажратиладиган пуллар хисобига тулайдилар. Колган ташкилотлар, мулк ва хужалик юритиш шаклларидан катъий назар, бадални ойнинг хам биринчи, хам иккинчи ярим учун иш хаки туланадиган муддатларда утказадилар.

Амалдаги конунларга кура давлат ижтимоий сугурта килиниши лозим булган фукароларнинг барча тоифалари пенсия фондига иш хакининг белгиланган фоизи микдорида мажбурий сугурта бадалларини утказадилар.

**Уз-узини назорат килиш саволлари:**

**1. Бозор иктисодиёти шароитида корхоналарни самарали бошкариш нима учун иктисодий ахборотларга боглик?**

**2. Нима учун хар бир мулкдор ёки бошкарув ходими молиявий хисоботларни укий олиши шарт?**

**3. Кандай максадда молиявий тахлил фани фан сифатида шаклланган?**

**4. Молиявий тахлил фанининг предмети нимадан иборат?**

**5. Молиявий тахлил фанининг максади деганда нимани тушунасиз?**

**6. Молиявий тахлил фанининг асосий вазифалари ва максади нималардан иборат?**

**7. Нима учун тахлил манбалари икки гурухга ажратилади?**

**8. Молиявий тахлилда хисобга олинадиган манбаларга кандай маълумотлар киради?**

**9. Тахлилда хисобга олинмайдиган манбаларга кандай ахборотлар киради?**

## *18- МАЪРУЗА:* **Инновацион фаолликни молиявий рагбатлантириш. Халкаро молия ва унинг жахон тараккиетида роли.**

Р Е Ж А :

18.1 Инновацион фаолликни молиявий рагбатлантириш.
18.2. Халкаро иктисодий муносабатларда молиянинг урни.
18.3. Марказлашган валюта фондлари.
18.4. Корхоналарнинг жахон бозорига чикишида молиянинг роли.
18.5. Марказлашган валюта фондлари.

Адабиетлар:1,4,3,67,77,80,95,34

Таянч иборалар: халкаро молия, марказлашган валюта, хорижий валюта, валюта фонди, резидент, транзит, интеграцион жараен, экспорт, импорт, инновация, лойиха, мезон.

Молия хужалик юритишнинг иктисодий инструментлари сифатида, халкаро интеграцион тартибларни амалга оширишда фойдаланилади. Халкаро иктисодий муносабатларда юзага келган молия механизми халкаро хам корлик областида давлатни молиявий сиёсатини ошириш воситаси булиб хизмат килади. Халкаро сохада молия амал килиб, халкаро алокалар катнашчилари иктисодий манфаатга таъсир этиб, халкаро иктисодий интеграцияни ривожлантиришни рагбатлантирувчи сифатида иштирок етади.

Халкаро алокаларни ривожлантиришда молиянинг роли уч йуналишда намоён булади:

**1.** Халкаро хам корликни турли йуналишларини молиялаштириш уч манбаларини кидириб топиш зарурий молиявий ресурсларини жалб этиш;

**2.** Халкаро интеграцион жараёнларни тартибга солиш;

**3.** Халкаро муносабатларни хар бир тури ва муносбатлари бевосита иштирок этувчиларни рагбатлантириш.

**Молия** биринчи навбатда экспорт, импорт оператсияларга таъсир этади, унинг ёрдамида жахон бозорида талабга ракобатга бардош берадиган махсулотни ишлаб чикариш рагбатлантирилади. Молия ташки иктисодий фаолият натижасида фойдаланиладиган миллий даромадни бир кисмини юзага келишга таъсир этади.

Халкаро хамкорликнинг асосий шакли булиб Узбекистоннинг халкаро ташкилотлар ва фондларда иштирок этиши хисобланади. Бу ташкилотларнинг катнашиши учун уларнинг устав капитали ва бюджетга тегшли квота тулаш лозим. Бадаллар манбаи булиб, миллий фондлари ресурслар хисобланади. Халкаро ташкилотларнинг маблаглари тегишли фондлар тупланади ва фаолият юналишлари буйича макадли дастурлар таксимланади.

Молиянинг халкаро алокаларни ривожлантиришга таъсирининг яна бир юналиши булиб хорижий инвестициялар хисобланади. Хорижий инвестициялар хорижий тижорат ташкилотлари, халкаро курилиш компанияларининг маблагларини

иктисодиётимизда жалб этиши булиб, маблагълар иктисодиётининг турли тармокларида объективларини куриш ва ускуналар билан жихозлаш учун йуалтирилади.

Кредит шартномаларига ташкил этилган корхона ва объектлар Узбекистон худудларида молиявий бойлик сифатида колади. Хорижий тадбиркор фирмалари фондлари хорижий давлат маблаглари хисобидан молиялаштирадиган бошка корхоналар хамкорликдаги корхона ва хорижий юридик шахарлар сифатида амал килинади.

Узбекистон иктисодиётига кириб келган хорижий инвестиция иктисодиётининг ривожланишига таъсир этиб, Жахон иктисодиёти интеграция учун шароит яратади.

Хорижий инвесторларни рагбатлантириш максадида молия валюта ва баъзи имтиёзларни тизими белгиланади.

Ташки иктисодий алокаларда молиявий операцияларни конуний ва тугри олиб бориш учун молия, валюта ва бож назорати амалга оширилади. Камчиликлар ва суистеъмол килиш каби холларда хукукий органлар конунга кура санкция ва жарималар белгиланиб, молия муносабатларини ташкил этишни тартибга солишдир.

Ташки иктисодий фаолият молияси алохида амал килиш сифатида, узига хос хусусиятларга эга. У факат ресурслардан эмас балки хорижий валютадан хам иборат булади. Таксимлаш муносабатларининг зарурий субъекти булиб, хорижий партнер – хорижий давлат, халкаро ташкилотлар, хорижий интеграцион жараённи камраб олиб, унинг ривожланишига ва чукурлашишига таъсир этади.

Халкаро иктисодий алокаларнинг мустахкамлаш учун фойдаланиладиган молия ресурсларнинг ташки муносабатларини юзага келтиришга таъсир этади.

Халкаро иктисодий муносабатларнинг ривожланишида марказлашган валюта фондларининг юзага келиши ва фойдаланиш оркали ташки иктисодий алокаларни молияявий жихатдан тартибга солиш мухим рол уйнайди. Валюта тушумлари массаси корхона мулки хисобланади. Давлатни халкаро муносабатларда иштирок этиши ва миллий валютани мустахкамлаш учун марказлашган валюта фондлари ташкил етилади.

Барча корхоналар мулки шаклида катъий назар товарларнинг экспорти, бажарилган ишлар ва хизматлар ва ички бозоридаги операциялардан келган тушумнинг маълум кисмини белгиланган нормативлар буйича мажбурий ташкил этилади.

**Узбекистон банки валюта резерви** – бугун мамлакат микёсидаги фонди ва махаллий хукумат органлари валюта фондинидан иборат булади.

Узбекистон банки валюта резерви корхона ва ташкилотларни сум курси буйича валюталарни сотиш хисобидан юзага келади. Валюта резерви 2 кисмга буланиди.

**Баркарорлаштириш фонди** – унинг ички валюта бозорида сумни кадрини мустахкамлаш учун шароит яратишга ва уни консерватсиялаши учун шароит яратишга сарфланади.

**Резервнинг иккинчи кисми** Узбекистон Республикаси Молия Вазирлигига сотилади. Бу маблаг Давлатнинг зарурий эхтиёжлари учун зарур булган товар, предметларини сотиб олиш учун валюта туловлари (озик – овкатлар, дори даромадлар ва бошка товарлар) ва бошка давлат талабларига сарфланади. Шу максад учун давлат бюджетига валюта сотиб олиш учун пул маблаглари ажратилади.

Корхоналар даромадидан 30 фоизини сум курсига нисбатан сотгандан сунг, корхоналарини ички валюта бозорида валюта даромади булмаган корхоналарга махаллий хукумат органларига мажбурий тарзда сотилади.

Узбекистон Республикаси махаллий хукумат органларига тегишли банклар оркали бюджетлари хисобидан хорижий валютани сотиб олади ва уз валюта фондларини ташкил етиш учун юналтирилади. Махаллий хукумат органлари валюта фонди маблаглари ахоли учун ноишлаб чикариш сохаси муассасалари учун зарурий импорт товарларни сотиб олиш учун сарфланади.

Валюта тушуми сотилишида баъзи имтиёзлар белгиланган. Бу хорижий инвестор учун мулжалланган. Бу имтиёзлар иктисодиётимизда хорижий капитални жалб этиш учун кулай имтиёзларни яратиб беради, жахон бозорига чикувчи республика ишбилармонлари рагбатлантириш, бошка истеъмолчиларга валюта тушумини сотиш имкониятларини беради.

Корхона резидент валюта тушумига аниклашда хорижий юридик ва жисмоний шахслардан тушадиган хорижий валютадаги тушумининг хамма суммаси хисобланади. Тушум суммаси хорижий валютадаги туловлар ва валюта биржасида сотиб олинган хорижий валютадаги маблаглар киради. Барча хамкорликдаги корхоналар валюта маблагларнинг маълум кисмини уз вактида сотиши, тегишли банкдаги уз хисоб счётига валюта тушумини утказиш учун жавобгар хисобланади. Молия назорати бегишли банк органлари томонидан банк валюта назоратини олиб борадилар.

Транзит валюта счётларига валюта суммаларини утказишга камчиликларга йул куйилса, Республика давлат солик инспекцияси санкция куллаб яширилган барча валюта суммасини жарима сифатида Республика давлат солик инспекцияси санкция куллаб яширилган барча валюта суммасини жарима сифатида Республика бюджетига утказилади.

Хорижий валюталарни сотиш, сотиб олиш оператсияларни бажарувчи тегишли банкларнинг фаолияти Узбекистон Республикаси Ташки иктисодий фаолият Миллий банки инспектори, давлат солик инспекцияси махаллий органлари билан биргаликда текширилади.

Валютани сотиш буйича камчиликлар юзага чикса, Узбекистон Республикаси Марказий банки тегишли банк фаолиятини тухтатиш ва уни хорижий валютадаги операцияларини бажариш хукукидан махрум килиши мумкин.

Марказлашган валюта фондлари ва резервларини юзага келиши учун мажбурий тарзда валютанинг сотилиши хамда биржасида сотилиши хукумат томонидан белгиланган нормативлар асосида олиб борилади. Узбекистон Республикаси учун молия ресурсларининг асосий манбалари булиб, Халкаро Валюта Фондининг максади фондлари ва кредит маблаглари хисобланади. Бу маблаглар Узбекистон жахон иктисодиётига интеграцияни молиявий жихатдан ёрдам сифатида фойдаланилади.

Юридик шахс хукукларига эга булган экспорт имкониятлари булган корхона, бирлашма, ташкилотлар жахон бозорида мустакил равишда чикиш, хорижий даромадлар билан тугридан тугри муносабатлар урнатиш хукукига эга. Ташки иктисодий фаолият валюта маблаглари билан уз узини коплаш асосида амалга оширилади.

Унинг натижалари корхона хужалиги фаолиятининг умумий хисобига операцияларни молиялаштириш максадида корхоналарда валюта фонди ташкил етилди. Валюта фонди валюта маблагларини маълум мажбурий тарзда сум курсига кура сотилгандан сунг валюта тушуми булиб, у корхона ихтиёрида колади ва тегишли банкдаги жорий валюта счётига утказилади. Валюта фондининг микдори ташки иктисодий фаолият операциялар натижаларига боглик булади.

**Уз-узини назорат килиш саволлари**:

**1.Молияни хужалик юритишнинг кандай иктисодий инструментлари мавжуд?**

**2. Валюта фондининг нечта турлари мавжуд?**

**3.Халкаро алокаларни ривожлантиришда молиянинг кандай усуллари мавжуд?**

**4. Ташки иктисодий фаолият молиясини кандай узига хос хусусиятлари мавжуд?**

**5. Валюта захираси нечта кисмдан иборат?**

**6. Халкаро хамкорликни таърифлаб беринг?**

**7. Баркарорлаштириш фонди кандай фонд?**

**8. Валюта тушуми деганда нимани тушунасиз?**

**9. Халкаро молия деганда нимани тушунасиз?**

**10. Марказлашган валюта фонди кандай фонд?**

# ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ.

БЮДЖЕТ – давлатнинг маълум муддатга мулжаллаб узилган ва конун билан тасдикланган даромадлари хамда харажатлари хисоби бандлар буйича таксимланган хужжат.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – марказлашган давлат пул фондини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг асосий молиявий режаси.

ДИВИДЕНДЛАР - таксимлашга мулжалланган акционерларнинг соф фойдаси (даромади), акционерлик жамияти еки корхона соф фойдасидан хар бир акция учун акционерларга маълум давридан сунг (хар йили,айрим холларда хар чоракда)туланадиган даромад.

ДОТАЦИЯ – давлат еки махаллий бюджетдан кайтариб бермаслик шарти билан маблаг ажратиш.

ИНВЕСТИЦИЯ – иктисодни ривожлантириш максадида мамлакат ёки чет элларда турли тармокларга узок муддатли капитал киритиш.

КВОТА – умумий ишлаб чикариш, сотиш, экспорт, импорт ва бошка иктисодий фаолият сохаларида келишув асосида хар бир иштирокчи учун жорий килинадиган хисса.

МАХАЛЛИЙ БЮДЖЕТ – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шахар пул маблаглари фондини ташкил этувчи бир кисми булиб, унда даромад манбалари ва уларнинг тушумлари микдори, шунингдек, молия йили давомида аник максадлар учун ажратиладиган маблаглар сарфи йуналишлари ва микдори назарда тутилади.

МЕХНАТ ХАКИ ХАРАЖАТЛАРИ – асосий ишлаб чикариш персоналининг иш хаки мукофотлари, рагбатлантирувчи ва тикловчи туланмалар, натурал хак сифатида бериладиган махсулотларнинг кийшартномалар буйича ходимларга бериладиган мехнат хаки ва бошка туланмаларни уз ичига олади.

МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР – хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ёкилги, энергия ва бошка харажатлардан иборат. Моддий ресурсларнинг киймати уларни сотиб олиш бахоси, таъминот ва ташки иктисодий ташкилотларга туланадиган устамалар, комиссион мукофотлар, бож туловлари, товарлар биржасининг хизмат кийматлари, ташиш, саклаш, етказиб бериш хакларининг йигиндисидан ташкил топади.

МОЛИЯ ЙИЛИ – календарь йил (биринчи январдан уттиз биринчи декабрь куни охиригача булган вактни уз ичига олувчи давр).

МОЛИЯВИЙ БОЗОР - жамиятдаги молия хизматлари бозори, молия маблагларини вактинча хак тулаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан булган муносабатлар.

МОЛИЯ ЛИЗИНГИ – ижара берувчи куйган капиталнинг тулик амортизация килиниши ва унга муайян фойда келтиришга етарли булган пул микдорини катъий белгиланган муддат давомида тулаб туриш, контрактда кузда тутилади.

МОЛ-МУЛК СУГУРТАСИ – сугуртанинг махсус тури, турли куринишдаги мулк – бинолар, иншоотлар, хайвонлар, кишлок хужалиги экинлари, уй-рузгор буюмлари сугурталанади.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ- товарлар муомаласи жараенига хизмат килувчи харажатлардан иборат.

ПОЛИС – шахсий ёки мулкий сугурта шартномаси ва унинг шартлари хакидаги хужжат.

РЕНТАБЕЛЛИК – тармок еки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши, фойда олиш даражасини курсатади.

САРМОЯ – кенг маънода асосий савдо маблаги.

СУБСИДИЯ – корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблаг.

СУГУРТА – мол-мулк ва инсон хаети хавф-хатарга йулликанда курилган зарарни коплаш хусусидаги иктисодий муносабатлар.

ТАННАРХ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ – махсулот, ишлаб чикариш, иш ва хизматлар харажатларининг пулдаги ифодаси.

ТРАНСФЕРТ – чет эл валютаси еки олтинни бир мамлакатдан бошкасига утказиш.

ФОЙДА – сотилган махсулот (хизматлар)нинг киймати билан таннархи айирмаси, кушимча махсулотнинг пул шакли.

## АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:


1. И.А. Каримов «Узбекистан в ХХ1 веке; угроза безопасности, условия и гарантии прогресса» Ташкент, Узбекистан, 1997 год
2. И.А. Каримов «Узбекистан в ХХ1 веке; угрозу безопасности, условия и гарантии прогресса». Ташкент, «Узбекистан» 1997.
3. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, - «Узбекистон», 1992 й.
4. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси 3 сессия материаллари халк сузи , 31 август, 1995 й.
5. «Узбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида »ги конун Т.:1996 й
6. «Узбекистон Республикаси Банклар ва банк фаолияти тугрисида »ги Т.: 1996 й.
7. «Узбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб-китобларни олиб бориш тугрисида» 60- сонли коида. Т.: 1996 й.
8. «Узбекистон Республикаси Банк муассасаларида эмиссия, касса иши, пул тушумини инкассация килиш ва бойликларни ташишга доир йурикнома »Т.: 1998 й. Узбекистон
9. Узбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент,
10. Закон Руз О государственной налоговой службе т 29.08.97 г.
11. Сборник законов РУз. Ташкент, 1992-1998 г.
12. Красавина Л.Н.Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебник.М:.:ИНФРА-М,1998.
13. Максимов В.Энг,Фрэнсис А.Лис,Лоуренс Дж.Мауер.Мировые финансы.Университет Сент Джон.М.:Издательско- консалтинговая компания.»Дека»1998.
14. Радионова «Основ финанс» Москва 1995 г.
15. В.А. Чжен «Пул ва молия бозори» Тошкент 1997 й.
16. А.Улмасов, М. Шарифхужаев «Иктисодиёт назарияси» Тошкент 1995й.
17. Ойнома «Иктисодиёт ва хисобот» № 4 1997 й. № 1998 й.
18. Раманова З. «Международный валютный фонд и латинская Америка»
19. Економикс 1996 № 12, с 80.
20. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси 3 сессия материаллари халк сузи , 31 август, 1995 й.
21. Вознесенский Э.А. Финансы как стоимостная категория, - М.: Финанс и статистика 1995 г.
22. Финансы Учебник /под ред В.М. Радионовой: - М.: Финанс и статистика 1995 г. 7-21/.
23. Финансово – кредитный словар – М.: Финанс и статистика. 1998 г. 1.3. стр. 338.
24. «Финансы» Радионова 1994 й.
25. «Обшая теория финансов» Г. Дробозина
26. «Финансы» Ковалева.

27. Л. С.Стоянова «Финан. менедж.»
28. Финансы пред. Отраслей народного хозяйства
29. Дефицит гос. Бюджет 1998 Жуманов. Алиева, Маматхонова
30. Финан. полит. гос. Жуманова О. 1998 й.
31. Семенов К.А.Международные валютные и финансовые отношения. М.:ТЕИС,1999
32. Иктисодиёт асослари А. Улмасов.
33. Валюта, Молия, Кредит Банк ва сугурта муаммоси. Гуломов С.С.,
34. ТожиевР.Р, Жумаев Н.Х.,Марказий банкнинг монетар сиесати. Укув кулланма.Т.:ТДИУ.2002
35. Финансовое законодателъство Руз. Ташкент 1992-1998 г.
36. Налоговое законодателъство Руз. Ташкент 1992-1998 г.
37. Налоговый кодекс РУз. Ташкент, 1997 г.
38. Бородина Э.И. Финанси предприятий: Учебное пособие – М.: Банки И биржи, «ЮНИТИ», 1995. – 208 с.
39. Хакимова М., Хужаев Х., Махмудов Б.Халкаро иктисодий муносабатлар.Т.:Укитувчи,1997.
40. Вилкова Н.Международный финансовый лизинг. Экономика и жизнь.№ 20.1996
41. Закон Руз О государственной налоговой службе от 29.08.97 г.
42. Сборник законов РУз. Ташкент, 1992-1998 г.
43. Финансовое законодателъство Руз. Ташкент 1992-1998 г.
44. Налоговое законодателъство Руз. Ташкент 1992-1998 г.
45. Бородина Э.И. Финанси предприятий: Учебное пособие – М.: Банки И биржи, «ЮНИТИ», 1995. – 208 с.
46. Бознесенский Э.А. Финансу и статистика, 1985 - 159 с.
47. Ван Хорн Дж. К Основу управления финансами. Пер.с. англ. – ФИС. 1996 - с.
48. Джуманов А.М., Алиева Л.К., Махаматханова З.Н. «Дефитсит
49. Государственный бюджет». Учебное пособие. Ташкент, ТашГЕУ, с.
50. Джуманов А.М. «Содержание государственных финансов». Учебное пособие. Ташкент. ТашГЕУ с. 22.
51 Маликов Т.С. «Бозор иктисодиётига утиш шароитида молия механизмини такомиллаштириш масалалари». Укув кулланма – ТИНХ, 1990 - 66 б.
52. «Молиянинг умумий назарияси» Драбозина. Москва, 1996 й.
53. Эгамов., Т. Маликов. «Молия механизми: муаммо ва ечимлар» Тошкент. «Узбекистон».
54. А. Улмасов. «Иктисодиёт асослари» Тошкент «Мехнат» 1997 й.
55. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси 3 се
56. Галимов Л.С. Сергненко А.И. Смирнов З.Л. Финансы сельского хозяйства М.: ФИС 1985 - 255 с.
57. Джуманов А.М., Алиева Л.К., Махаматханова З.Н. «Дефицит государственного бюджета». Учебное пособие. Ташкент, ТашГЕУ, с. 30.
58. Джуманов А.М. «Содержание государственных финансов». Учебное пособие. Ташкент. ТашГЕУ с. 22.
59. Ковалева А.М. Финансу в управлении предприятием- М.: ФИС, 1995 г,160 с.

**60.** Муллажонов Ф. и др. Банковская система Узбекистана в период независимости. . Т.: «Узбекистан» 1996 г.
**61.** Абдуллава Ш. З. Пул ва пул тизими. Т.: 1997 й.
**62.** Барлтон Дж. Д., Мак. Нотон. Банки на развиваюших рнках. т. 1,2. М.: 1994
**63.** Банки, информация, анализ.Москва- Вашингтон 1996 г 102 том.
**64.** Букадо В.И. и.др. Банки и банковские операции М.: 1996 г.
**65.** Маманова И. Д. Банковский надзор и аудит. М.: 1995 г.
**66.** Стоянова Е.С. Финансовй менеджмент. М.: Респектива,
**67.** Усоскин В. М. Банковские и пластикове карточки М.: ИПТс, 1995 г.
**68.** Уткин Э.А. Банковский маркетинг М.: 1996 г.
**69.** Фридрих А. Хаек. Частне денги. Институт Натсионалной модели экономики.
**70.** Шаров А.Н. Эволютсия денег при капитализме. М.: Финанс и статистика 1990
**71.** Шерри де Ковен, К. Такки. Стратегия хеджирования. М.: 1996 г.
**72.** Яковлев Г.А. Кассовая работа в коммерческих банках. М.: АО Менатеп Информ, 1995 г.
**73.** «Узбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб-китобларни олиб бориш тугрисида» 60- сонли коида. Т.: 1996 й.
**74.** «Узбекистон Республикаси Банк муассасаларида эмиссия , касса иши, пул тушумини инкассатсия килиш ва бойликларни ташишга доир юрикнома »Т.: 1998 й. Узбекистон

Интернет тармоги буйича тавсия этиладиган веб-сайтлар:

1. http: \\ www.bankofengland.co.uk\marketк\forex\ index\ htm
2. http: \\ www.ukland.uz.

## **М У Н Д А Р И Ж А**


| | Бет |
|---|---|
| **СУЗ БОШИ** | 5 |
| **1- маъруза: Молиянинг умумий назарияси ва трансформациялашуви, Молия хакидаги иктисодий таълимотлар.** | 6-9 |
| **2 - маъруза: Молия сиесати ва молия механизми. Молия тизими. Бюджет тизими.** | 10-18 |
| **3-маъруза: Давлатнинг бюджетдан ташкари максадли пул фондлари.** | 19-23 |
| **4-маъруза: Давлат кредити. Махаллий молия.** | 24-28 |
| **5 – маъруза: Молияни бошкариш. Молиявий бахолаш.** | 29-37 |
| **6 – маъруза: Солик ва соликка тортиш. Сугурта.** | 38-46 |
| **7-маъруза: Давлат буюртмалари, захиралари ва эхтиежларини молиялаштириш.** | 47-55 |
| **8-маъруза: Иктисодиетнинг давлат ва тадбиркорлик секторлари молиясининг хусусиятлари.** | 56-60 |
| **9-маъруза: Турли ташкилий-хукукий шакллардаги корхоналарнинг молиявий хусусиятлари.** | 61-62 |
| **10-маъруза: Корхоналарнинг молиявий ресурслари. Тижорат асосида фаолият юритувчи корхоналар ва ташкилотлар молияси.** | 63-70 |
| **11-маъруза: Нотижорат фаолиятини олиб борувчи муассасалар ва ташкилотлари молияси. Хиссадорлик жамиятлари молиясининг хусусиятлари.** | 71-79 |
| **12-маъруза: Молия-саноат гурухлари. Корхоналарни молиялаштириш ва кредитлаш.** | 80-83 |
| **13-маъруза: Корхона пул маблаглари окимларини бюджетлаштириш.** | 84-86 |
| **14 – маъруза: Корхонанинг оборотдан ташкари активлари.** | 87-90 |
| **15-маъруза: Корхоналар айланма маблагларини молиялаштириш.** | 91-94 |
| **16-маъруза: Тадбиркорлик фаолиятининг молиявий натижалари. Корхоналарнинг молиявий ночорлиги(банкротлиги ).** | 95-102 |
| **17-маъруза: Молиявий тахлил ва корхоналарнинг молиявий стратегияси. Уй хужаликлари молияси.** | 103-112 |
| **18-маъруза: Инновацион фаолликни молиявий рагбатлантириш. Халкаро молия ва унинг жахон тараккиетида роли.** | 113-116 |
| **ИБОРАЛАРНИНГ ИЗОХЛИ ЛУГАТИ** | 117 |
| **Фойдаланилган адабиетлар руйхати** | 119 |